

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”

Тармоқ маркази директори

Н.А.Муслимов

“ \_\_\_\_\_ ” 2015 йил

**“БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА  
ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР”  
МОДУЛИ БҮЙИЧА**

# **ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Малака ошириш таълим йўналиши: **Бошлангич таълим ва спорт-  
тарбиявий иш**

**Тузувчилар:**

Б.С.Абдуллаева  
А.В.Садикова  
У.А.Машарипова

**Тошкент – 2015**

## МУНДАРИЖА

|  |     |
|--|-----|
| ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ .....  | 3   |
| МАЪРУЗАЛАР МАТНИ.....  | 10  |
| 1-Мавзу: Мутахассислик фанларини ўқитиш қонуниятлари ва тамойиллари. Мутахассислик фан ўқитувчисининг ўқув-меъёрий ҳужжатлари ва методик ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси. ....                           | 10  |
| 2-Мавзу. Мутахассислик фанларини ўқитиш шакли, метод ва воситалари. Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш методикаси. ....   | 19  |
| 3-Мавзу Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида педагогик технологияларидан фойдаланиш методикаси .....   | 35  |
| 4-Мавзу Маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш технологияси. Мустақил таълим ва уни ташкил этиш методикаси. Мутахассислик фанларидан курс ишини тайёрлаш методикаси. .... | 48  |
| 5-Мавзу. Бити्रув малакавий ишлари бажарилишининг ташкилий ва илмий-методик таъминоти. Илмий тадқиқот ишларни ташкил этиш.....   | 84  |
| АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ .....   | 97  |
| АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ .....   | 143 |
| ГЛОССАРИЙ.....   | 145 |

## ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

“Бошланғич таълим фанларини ўқитишида замонавий ёндашувлар” курсининг **мақсади** – педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

**Курснинг вазифаларига қўйидагилар киради:**

“Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишинг инновацион технологиялари ва илфор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Бошланғич таълим фанларини ўқитишида замонавий ёндашувлар” курси бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талааб этилади:

#### **Тингловчи:**

- бошланғич таълим ва тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари, бирлиги, дифференциацияси, ягона педагогик жараён эканлигини;
- XXI аср бошланғич таълим тизими педагоги образини;
- мутахассислик фан ўқитувчисининг ўқув-меъёрий хужжатларини;
- мутахассислик фанларини ўқитиш мазмунини белгилаб берувчи норматив-меъёрий хужжатларни;
- ўқув фаолиятини ташкил этишда замонавий педагогик технологияларнинг психологик моҳиятини;
- бошланғич таълим фанларининг ютуқлари ва инновацияларини **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

- бошланғич таълим фанларидаги инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш;

– бошланғич таълим фанлари дарсларида талабаларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиласиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш;

– мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш;

– бошланғич таълим педагогикаси туркум фанларини ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил таълими ва ижодий изланишларини ташкил эта олиш, курс иши, битирув малакавий иши, магистрлик диссертацияининг узвийлигини таъминлаш;

– бошланғич таълим педагогикаси туркум фанларини ўқитиш жараёнида талабаларда мустақил равищда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш **кўникмаларига эга бўлиши лозим.**

#### **Тингловчи:**

– бошланғич таълим ўқитувчисининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш;

– модератор ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш;

– бошланғич таълим фанларини ўқитиш жараёнида талабаларнинг билимларини холисона баҳолаш механизмларини, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт тестлар ҳамда ўкув топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиши;

– бошланғич таълим педагогикаси туркум фанлари бўйича ўкув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли вазият, Кейс-стади топшириқларини тузиши;

– бошлағич таълим фанларини ўқитиш жараёнида талабаларда мустақил равищда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш каби **малакаларига эга бўлиши лозим.**

#### **Тингловчи:**

– бошланғич таълим фанларининг тараққиёт тамойиллари ва етакчи концепциясини педагогик фаолиятда қўллай олиши;

– мутахассислик фанлари бўйича ташкил этиладиган машғулотларда инновацион ва ахборот технологиялар, талабалар ўкув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни қўллаш;

– бошланғич таълим фанлари дарсларида талабаларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиласиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан педагогик амалиётда самарали фойдаланиш;

– ривожланган мамлакатларда педагогика ва психология ҳам мутахассислик фанларни ўқитиш методикасидаги илғор тажрибаларни таълимтарбия жараёнига модернизация қилган ҳолда қўллаш;

– мутахассислик фанларидан курс иши (лойиҳаси)ни тайёрлаш;

- битириув малакавий ишлари бажарилишининг ташкилий ва илмий-методик таъминотини такомиллаштириш;
- талабалар билимини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилиш ҳамда
- педагогик фаолиятда қўллай олиш **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

### Курс ҳажми

| T/p         | Мавзу   | Назарий   | Амалий    | Кўчма машғулот | Мустақил таълим |
|-------------|---|-----------|-----------|----------------|-----------------|
| 1           | Мутахассислик фанларини ўқитиш қонуниятлари ва тамойиллари. Мутахассислик фан ўқитувчисининг ўқув-меъёрий хужжатлари ва методик ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси.                            | 2         |           |                |                 |
| 2.          | Мутахассислик фанларини ўқитиш шакли, метод ва воситалари, мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш методикаси.  | 4         | 6         |                |                 |
| 3.          | Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш методикаси.  | 4         | 6         |                |                 |
| 4.          | Маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш технологияси. Мустақил таълим ва уни ташкил этиш методикаси. Мутахассислик фанларидан курс ишини тайёрлаш методикаси. | 4         | 6         |                | 2               |
| 5           | Битириув малакавий ишлари бажарилишининг ташкилий ва илмий-методик таъминоти. Илмий тадқиқот ишларни ташкил этиш.   | 2         | 6         |                | 2               |
| <b>ЖАМИ</b> |   | <b>16</b> | <b>24</b> |                | <b>4</b>        |

## **Назарий машғулотлар мазмуни**

**1-Мавзу: Мутахассислик фанларини ўқитиш қонуниятлари ва тамойиллари. Мутахассислик фан ўқитувчисининг ўқув-меъёрий хужжатлари ва методик ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси (2соат).**

1.Олий таълим муассасаларининг кафедраларида иш юритиш тизимини. Норматив хужжатларнинг турларини айтиб беринг. Кафедранинг вазифалари. Намунавий ўқув режага қўйиладиган талаблар. Намунавий ўқув дастурига қўйиладиган талаблар. Кафедрага юклатиладиган асосий вазифалар. Кафедра профессор ўқитувчиларининг мажбуриятлари.

**2-Мавзу: Мутахассислик фанларини ўқитиш шакли, метод ва воситалари, мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш методикаси (4соат).**

Мутахассислик фанлари ўқитувчи учун тавсиялар. Иш жойини тўғри ташкил этиш талаблари. Замонавий ахборот коммуникация технологиялардан фойдаланиш даражасига қўйиладиган талаблар. Ахборот технологиялари таълим жараёнида муҳим вазифаларни ҳал этиши.

**3-Мавзу: Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш методикаси (4соат).**

Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида педагогик технологияларидан фойдаланиш йўллари. Замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш даражасига қўйиладиган талаблар. Ҳозирги кунда таълим жараёнида инновацион технологиялар. Педагогик технологияларини ўқув жараёнига кўллаш.

**4-мавзу: Маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш технологияси. Мустақил таълим ва уни ташкил этиш методикаси. Мутахассислик фанларидан курс ишини тайёрлаш методикаси (4соат).**

Маърузанинг турлари. Маъруза шаклида таълим беришнинг ўзига хос хусусиятлари. Маърузанинг сифатини баҳолаш мезонлари. Семинар машғулотнинг сифатини баҳолаш мезонлари. Таълим берувчи семинарни самарали ўтказишга қўйиладиган талаблар. Семинар турлари ва уларнинг хусусиятлари. Амалий машғулотларининг мақсад ва вазифалари. Амалий машғулотларни ташкил этиш шакллари. Амалий машғулотнинг сифатини баҳолаш мезонлари. Бошлангич таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш. Мустақил таълим фаолияти даражалари мезонлари Курс иши бўйича маълумотлар тўплаш, библиографияни тайёрлаш, адабиётларни ўрганиш тартиби.

## **5- Мавзу: Битирув малакавий ишлари бажарилишининг ташкилий ва илмий-методик таъминоти. Илмий тадқиқот ишларни ташкил этиш (2 соат).**

Битирув малакавий ишларига қўйиладиган талаблар. Курс иши ва битирув малакавий ишининг ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари. Битирув малакавий ишининг тахминий тузилиши ва бўлимларнинг мазмуни. Битирув малакавий ишини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича қўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (ложиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (ложиҳа иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берадиган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илфор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қофоз вариандаги манбаалардан фойдаланилади.

## ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. – Т.: 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. – Т.: 2011.-440 б.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтахўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. – 208 б.
2. Абдуқодиров А ва б. Таълимда инновацион технологиялар. Ўзбекистон Республикаси президентининг “Истеъдод” жамғармаси – Т.: “Иқтисод – молия”, 2008. – 181 бет.
3. Бикбаева Н.У ва бошқалар. ”Бошланғич синфларда математика ўқитиши методикаси ” – Т.: “Ўқитувчи”, 2007. – 208 б.
4. Жумаев М.Е., Таджиева З. „Бошланғич синфларда математика ўқитиши методикаси“ Т.: Фан ва технология, 2005, 312 б.
5. Йўлдошев Ж., Усманов С., Педагогик технология асослари. Т.: “Ўқитувчи”, 2000.
6. Қосимова К., Матчонов С., Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Сариев Ш. Она тили ўқитиши методикаси. – Т.: Ношир, 2009. – 163 б.

7. Мавлонова Р.А, Санакулов Х.Р, Ходиева Д.П. Мехнат ва уни ўқитиш методикаси. – Т.: ТДПУ, Ўқув қўлланма. 2007.
8. Нуритдинова М. “Табиатшунослик ўқитиш методикаси” – Т.: “Ўқитувчи”, 2005.
9. Рахматуллаева Л.И. Методика преподавания родного языка. Учебное пособие. – Т.: “Молия Иктисод”, 2007.
10. Таджиева З.Ғ., Абдуллаева Б.С., Жумаев М.Е., Сидельникова Р.И., Садикова А.В. Методика преподавания математики. – Т.: “Турон-Иқбол”, 2011. – 336 с.
11. Толипов Ў. ”Педагогик технология” – Т.: “Фан”, 2005. – 205 б.
12. Холиков А.А. ”Педагогик маҳорат” – Т.: “Иқтисод – молия”, 2011. – 418 б.
13. Гуломова Х., Йўлдошева Ш., Маматова Г., Боқиева Х. Ҳусниҳат ва уни ўқитиш методикаси. – Т.: ТДПУ, 2009. – 70 б.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
2. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
3. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
4. Инфосом.уз электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
5. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz).

## МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

**1-Мавзу: Мутахассислик фанларини ўқитиш қонуниятлари ва тамойиллари. Мутахассислик фан ўқитувчисининг ўқув-меъёрий хужжатлари ва методик ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси.**

Режа:

1. Олий таълим муассасаларининг кафедраларида иш юритиш тизими
2. Норматив хужжатларнинг турлари

**Таянч тушунчалар:** кафедра, факультет, олий таълим, маъруза, лабаратория, амалий машғулот, ўқув режа, намунавий ўқув режа, шчи ўқув режа, фан дастур, ишчи ўқув дастури.

**Кафедра** - Олий таълим муассаса ёки факультет тузилмасининг таркибий қисми бўлиб, унда бир ёки бир неча турдош фанлар бўйича ўқув-услубий, илмий-услубий, илмий тадқиқот ишлари шунингдек илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда ташкилий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар амалга оширилади.

-Кафедра бевосита факультет деканига ёки Олий таълим муассаса ректорига бўйсунади.

-Кафедра Олий таълим муассаса Илмий Кенгашининг қарори асосида ташкил этилади ва тугатилади.

-Кафедра умумий ва махсус фанларни ўқитиш учун камида 7 та профессор ўқитувчи, улардан бири фан доктори илмий даражаси ёки профессор илмий унвонига ва камида иккитаси фан номзоди илмий даражаси ёки доцент илмий унвонига эга бўлганда ташкил этилади.

-Кафедра ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳужжатлари ва Олий таълим муассаса устави асосида ташкил этади.

## **Кафедранинг вазифалари:**

Барча ўқув шакллари бўйича Олий таълимнинг ДТС (Давлат таълим стандартлари)ларига мувофиқ тузилган ўқув режаларида белгиланган

- маъruzalар;
- амалий машғулотлар;
- лабараториялар ва бошқа турдаги машғулотларни юксак назарий, илмий услугбий ва касбий даражада ўтказиш;

- Талабаларнинг малакавий амалиётига, курс лойиҳаларига, битирув малакавий ишларига, магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилиш, талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг назоратини жорий этиш ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

- Кафедра фанлари бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқка тақдим этиш, шунингдек, турдош кафедралар томонидан тайёрланган ўқув дастурларига тақриз ва хуносалар тайёрлаш;

- Дарслик, ўқув қўлланма, услугбий ва методик кўрматмаларни тайёрлаш;

- Йқтидорли талабалар билан ишлаш, уларни олимпиада ва танловларда иштирок этишга тайёрлаш;

- Белгиланган тартибда профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишни ташкил этиш ҳамда уларнинг Республика ва халқаро илмий анжуманларда маъruzalар билан иштирок этишини таъминлаш;

- Тасдиқланган режага мувофиқ илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, тугалланган илмий тадқиқот ишларини муҳокамадан ўтказиш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, таълим фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

- Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, шунингдек илмий-техникавий ёрдам кўрсатиш мақсадида саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналари, кооперативлар, дехқон, фермер ва бошқа хўжаликлар билан алоқа ўрнатиш;

-Олий ўқув юртини битирғанлар ва мазкур кафедрада стажёр-тадқиқотчи-изланувчиликни ўтаганлар мониторингини олиб бориш ҳамда улар билан мунтазам алоқаларни ташкил этиш;

- Хорижий ҳамкорлик, илмий ва таълим муассасалари билан халқаро алоқаларни ривожлантириш ва ҳакозолар.

## **НОРМАТИВ ХУЖЖАТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ**

Давлат таълим стандарти – таълимнинг муайян бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахassisлигига қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, бакалавр ёки магистр тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини, кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш даражаларини белгилайдиган этalon даража;

**Ўқув режаси** – олий таълимнинг муайян йўналиши ёки мутахassisлиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари, курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган норматив хужжат;

**Намунавий ўқув режа** - олий таълим муассасаларининг аниқ бир таълим йўналиши ёки магистратура мутахassisлиги учун ўрнатилган тартибда Давлат таълим стандартларига асосан таянч олий таълим муассасаларининг тегишли кафедрасининг етук профессор-ўқитувчилари томонидан турдош олий таълим муассасаларининг шу соҳа бўйича юқори малакали мутахassisларини ҳамда кадрларни буюртмачиларини жалб этган ҳолда ишлаб чиқиладиган - норматив хукуқий хужжат.

**Ишчи ўқув режа** - олий таълим муассасининг аниқ бир таълим йўналиши ёки магистратура мутахassisлиги учун намунавий ўқув режага асосан хар ўқув йили учун ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда ОТМнинг ўқув ишлари бўйича проректори томонидан тасдиқланадиган ўқув жараёнининг асосий норматив хужжати.

**Фан дастури** – таълим мазмуни, уларнинг талабалар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив хужжат;

### **Намунавий ўқув дастури**

Кириш

Фаннинг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, малака ва кўникмасига қўйиладиган талаблар

Фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Фанни ўқитишида фойдаланиладиган замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Назарий машғулотлар мазмуни

Амалий (семинар) машғулотларининг мавзулари

Мустақил таълимнинг мавзулари

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

### **Ишчи ўқув дастури**

Кириш

Фаннинг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, малака ва кўникмасига қўйиладиган талаблар

Фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Фанни ўқитишида фойдаланиладиган замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Фан бўйича соатлар тақсимоти

Назарий машғулотлар мазмуни

Амалий (семинар) машғулотларининг мавзулари ва режалари  
Мустақил таълимнинг мавзулари ва уларга ажратилган соатлар миқдори  
Рейтинг графиги, ЖН, ОН ва ЯНлар бўйича баҳолаш мезонлари  
Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

## **КАФЕДРАГА ЮКЛАТИЛАДИГАН АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР**

1. Барча ўқув шакллари бўйича Олий таълимнинг ДТСга мувофиқ тузилган ўқув режаларида белгиланган маъruzalар, амалий машғулотлар, семинарлар, лаборатория машғулотларини юксак назарий, илмий услубий ва касбий даражада ўтказиш;
2. Талабаларнинг малакавий амалиётига, курс ишлари ёки лойиҳаларига, битирув малакавий ишларига, магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилиш;
3. Талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг назоратини жорий этиш ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;
4. Кафедра фанлари бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиққа тақдим этиш, шунингдек турдош кафедралар томонидан тайёрланган ўқув дастурларига тақриз ва хуносалар тайёрлаш;
5. Дарслик, ўқув қўлланма, услубий ва методик кўрсатмаларни тайёрлаш;
6. Иқтидорли талабалар билан ишлаш, уларни олимпиада ва танловларда иштирок этишга тайёрлаш;
7. Тасдиқланган режага мувофиқ илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, тугалланган илмий тадқиқот ишларини муҳокама этиш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш;
8. Таълим фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясининг таъминлаш, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;
9. Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, шунингдек илмий-техникавий ёрдам кўрсатиш мақсадида саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналари, кооперативлар, дехқон, фермер ва бошқа хўжаликлар билан алоқа ўрнатиш;
10. Олий ўқув юртини битирганлар ва мазкур кафедрада магистратура ва докторантурани ўтаганлар билан мунтазам алоқаларни ташкил этиш;

11. Хорижий ҳамкорлик, илмий ва таълим муассасалари билан халқаро алоқаларни ривожлантириш.

9. Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, шунингдек илмий-техникавий ёрдам кўрсатиш мақсадида саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналари, кооперативлар, дехқон, фермер ва бошқа хўжаликлар билан алоқа ўрнатиш;

10. Олий ўқув юртини битирганлар ва мазкур кафедрада магистратура ва докторантурани ўтаганлар билан мунтазам алоқаларни ташкил этиш;

11. Хорижий ҳамкорлик, илмий ва таълим муассасалари билан халқаро алоқаларни ривожлантириш.

### **КАФЕДРА ПРОФЕССОР ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:**

1. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ишчи ўқув режалари, ишчи ўқув дастурлари, магистрлар тайёргарлигининг шахсий режаларини тузиш;

2. Ўқув жараёнини таъминлашда фаол қатнашиш, дарслик, ўқув, ўқув ва услубий қўлланмалар ва маъруза матнларини ёзиш;

3. Тегишли фан ёки фанлар бўйича дастурлар, курс ишлари, битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари устида ишлаш бўйича кўрсатмалар ва услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш;

4. Ўқув жараёнига педагогик ва ахборот технологияларни жорий этиш;

5. Юқори илмий-услубий савияда талабалар ўқишини амалга ошириш;

6. Битирув малакавий ишига ва магистрлик диссертациясига раҳбарлик қилиш;

7. Таълим, фан, техника интеграциясининг ташкилий, илмий-услубий асосларини ишлаб чиқишида қатнашиш;

8. Илмий йўналиш ва мактаблар очиш;

9. Магистрлар, докторантлар, мустакил тадқиқотчилар, стажёр ўқитувчиларга раҳбарликни амалга ошириш;

10. Ўқитувчи ва талабаларнинг илмий ўқув-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва уларнинг натижаларини ўқув жараёнини ишлаб чиқишига татбиқ этиш;
11. Маъруза ва амалий машғулотларни олиб бориш;
12. Фанлар бўйича ишчи ўқув дастурларни ишлаб чиқиш, уларга тақризлар бериш;
14. Фанларни методик жиҳатидан таъминлашни назорат қилиш;
15. Кафедранинг илмий-тадқиқот мавзуси бўйича муаллифлик курсларини ўқиши;
16. ОТМ, факультет ва кафедра ички тартиб қоидаларига риоя қилиш;
17. Кафедра ўқитувчиларининг малакасини оширишда фаол иштирок этиш ва уларнинг педагогик маҳорат ва касбий малакага эга бўлиши учун методик ёрдам кўрсатиш;
18. Илмий-техник, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий ва хукукий билимларни ташвиқот қилишда қатнашиш.

## **ЭЪТИБОР БЕРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТЛАР!**

1. ДТС, ўқув режа ва фан дастурларини шакллантириш бўйича талаблар;
2. “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом; 2006 йил.
3. “Олий таълим муассасаси кафедралари тўғрисида”ги Низом; 03.12.2011 йил № 487 буйруқ;
4. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом 25.08.2010 йил № 333 буйруқ;
5. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом; 1998 йил.

## **Низомлар**

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим соҳасига тегишли Низомлари;
- Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси;
- “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом;
- “Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида”ги Низом;
- Олий таълим муассасининг Устави;
- Факультет Низоми;
- Кафедра Низоми;
- Олий таълим муассаса талабаси билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш бўйича йўриқнома;
- Олий таълим муассаса соатбай фондини режалаштириш ва тақсимлаш тартиби тўғрисида йўриқнома;
- Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом (2010 йил №118-сонли );
- Олий таълим муассаса ички тартиб-қоидалари.

## **Назорат саволлари**

- 1.Олий таълим муассасаларининг кафедраларида иш юритиш тизимини айтиб беринг.
2. Норматив ҳужжатларнинг турларини айтиб беринг.
3. Кафедранинг вазифаларини айтиб беринг.
4. Намунавий ўқув режага қўйиладиган талабларни айтиб беринг.
5. Намунавий ўқув дастурига қўйиладиган талабларни айтиб беринг.
6. Кафедрага юклатиладиган асосий вазифалар.

7. Кафедра профессор ўқитувчиларининг мажбуриятларини санаб беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Холиков А.А. "Педагогик маҳорат" – Т.: "Иқтисод – молия", 2011. – 418 б.
2. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтахўжаева таҳрири остида. – Т.: "Молия-иктисод", 2008. – 208 б.
3. Абдуқодиров А ва б. Таълимда инновацион технологиялар. Ўзбекистон Республикаси президентининг "Истеъдод" жамғармаси – Т.: "Иқтисод – молия", 2008. – 181 бет.
4. Бикбаева Н.У ва бошқалар. "Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси" – Т.: "Ўқитувчи", 2007. – 208 б.
5. Жумаев М.Е., Таджиева З. "Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси" Т.: Фан ва технология, 2005, 312 б.

**2-Мавзу. Мутахассислик фанларини ўқитиш шакли, метод ва воситалари.**  
**Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан**  
**фойдаланиш методикаси.**

## **2.1.. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ ШАКЛИ, МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ. (Мехнат дарслари мисолида)**

Режа:

1. Ўқитувчи учун тавсия.
2. Иш жойини тўғри ташкил этиш талаблари.
3. Балиқча макетини ясаш.

**Таянч тушунчалар:** қоғоз, оддий ва мураккаб усуллар, буклаш чизиклар, макетлар ясаш, санитарик-гигеник талаблар, технологик жараён, босқичлар, иш жойлар.

### **ЎҚИТИУВЧИ УЧУН ТАВСИЯ**

Қоғозни оддий ва мураккаб усулларда буклаш. Қоғозни оддийдан мураккаб усулда буқлаб, буклаш чизиклари ва бурчаклар ҳосил қилиш. Буқлаш чизиклари орқали ҳар хил макетлар ясаш (балиқча, стакан, кучикча, пигвинча, күёнча, сичқонча, қайиқча, хутикча, лола, кузикорин, саватча, , туздон, курбака, оққуш, соябонли шапка, қалдирғоч).

### **ИШ ЖОЙИНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАЛАБЛАРИ**

Ўқитувчи столнинг устига скатер ёзиб, ўнг томонига қайчи, елим учун чўтка, чизғич, қалам, ўчирғич жойлаштирилади. Ўқувчини олд томонига елим, қийқимлар учун қутича ва латта жойлаштирилади. Ўқувчининг чап томонига, иш вақтида халақит бермайдиган қилиб рангли қоғоз тўпламини, қоғоз тўпламини ва керакли материаллар жойлаштирилади. Иш жараёнида санитарик-гигиеник талабларга ва иш куролларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этишга тайёрлайди.

#### **Дарснинг технологик харитаси**

|                               |  |
|-------------------------------|--|
| Дарснинг мақсад ва вазифалари | <p><b>Таълимий мақсад:</b> Ўқувчиларга сувда ва қуриқликда яшовчи ҳайвонлар (балиқча, кучикча) ҳақида тушунча бериш. Қоғозни буклаш усулида балиқча ва кучикча шаклинни ясашни ўргатиш.</p> <p><b>Тарбиявий мақсад:</b> Ҳайвонларга озор бермаслик, меҳнат дарсларида хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни тарбиялаш.</p> |
|-------------------------------|--|

|  |   |
|--|---|
|  | <b>Ривожлантирувчи мақсад:</b> Қоғозни буқлаш асосида қуриш-ясаш күнімаларини ривожлантириш. Касб турлари ҳақида маълумот бериш ва қизиқиши шакиллантириш.  |
| Дарснинг жиҳозлари                                 | <p><b>Кўргазмали воситалар:</b> балиқча, кучикча макетини қуриш-ясаш босқичларидан намуналар, слайдлар.</p> <p><b>Иш жиҳозлари:</b> Рангли қоғоз тўплами, қайчи, қалам, чизғич, элим, латта.</p>  |
| Дарс жараёнини амалга ошириш технологияси          | <p><b>Услуб:</b> Оғзаки баён қилиш, тушунтириш, таҳлил қилиш, кўргазмалилик, “Ақлий ҳужум”, амалий иш.</p> <p><b>Шакл:</b> Амалий машғулот</p> <p>Баҳолаш: Рағбатлантириш, 5 баллик тизимда баҳолаш</p>   |
| Дарс жараёнини амалга ошириш босқичлари<br>Натижа: | <p><b>Ташкилий қисм:</b> 10 дақиқа</p> <p><b>Дарсга ҳозирлик кўриш</b> 3 дақиқа</p> <p><b>Уй вазифасини текшириш</b> 7 дақиқа</p> <p><b>Асосий қисм:</b> 25 дақиқа</p> <p><b>Ақлий ҳужум</b> 2 дақиқа</p> <p><b>Янги мавзу баёни</b> 3 дақиқа</p> <p><b>Амалий иш</b> 15 дақиқа</p> <p><b>Касбга оид маълумот бериш</b> 5 дақиқа</p> <p><b>Якуний қисм:</b> 10 дақиқа</p> <p><b>Ўқувчилар билимини аниклаб, баҳолаш</b> 8 дақиқа</p> <p><b>Уйга вазифа бериш</b> 2 дақиқа</p> |

### ***Ташкилий қисм***

- Саломлашиш;
- Давоматни аниклаш;
- Уй вазифасини текшириш;
- Иш жойини тайёрлаш (керакли иш қуроллари ва материаллари билан таъминлаш);

### ***Асосий қисм “Ақлий ҳужум” методининг саволлари:***

- Қоғоз нималар ясаш мумкин?
- Қоғоз турларини санаб беринг?
- Балиқ қайси оиласа мансуб?
- Ит турларини биласизми?
- Балиқ ва итлар нималар билан жзиқланади?

### ***Мавзуга оид маълумотлар***

Табиатда ҳайвонлар, турли-туман паррандалар бор. Уларнинг ҳам ёввойи ва уй паррандалари мавжуд. Уйда парвариш қилинадиган паррандалардан озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида ҳам фойдаланилади. Улар ўз кўринишлари, сайрашлари, юришлари билан фарқланади. Паррандалар аксарият, дон, уруғлар, нон ушоқлари, ўт-ўланлар билан озиқланади. Паррандалар орасида Хўroz ўз ўрнига эга бўлиб, ўз туридаги паррандалардан кўра кучли, ҳукмронликда ҳам ажralиб туради.

Амалий иш босқичлари (балиқча).

1-Босқич. Квадрат шаклидаги рангли қофоз олинади. Уни уч булакга бўлиб оласиз.


2-Босқич. Квадратни түрт бурчак ва түғри түрт бурчак шаклига келтирасиз.

3-Босқич. Түғри түрт бурчак шаклни юқори қисимларини яғни уч бурчак күринишига келтириб буклайсиз.


4-Босқич. Ҳосил бўлган шаклни уч бурчакларга ажратиб қаноти ва думини ясайсиз.

5-босқич. Тайёр бўлган балиқ макетига безак берилади.

## **Балиқча макетини ясаш**



**Белгилар ўрнига ҳарфларни қойиб балиқ тутувчи касб номини топинг?**



|   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| A | B | V | G | Э | Ж | З | И | Қ | Л | M | H | O | P | C | T | У | X | Ч | K |
|   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |
|   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |

**Балиқчи** фурсат кутар,

Балиқчи балиқ тутар.

Балиқ тутиш вақти бор,

Бунга берар эътибор.

Ташлар қармоқ ёки тўр,

Ов бўлиши учун зўр.

Излар балиқ кўп жойни,

Дарё, кўл ёки сойни.

Қайиқда дарё кезар,

Яхши ов жойин сезар.

Тўрга тушганда балиқ,

Қайиқка солар дарров.

### **КУЧУКЧА МАКЕТИНИ ЯСАШ**


**1-Босқич.** Квадрат шаклидаги рангли қофоз олинади ва уни уч бурчак шаклига келтиринг.

**2-Босқич.** Ҳосил бўлган уч бурчак шаклини иккита бурчагини бувлаб учта уч бурчак шаклига кетиринг.

**3-Босқич.** Ҳосил бўлган уч бурчакларнинг ўрта қисмидаги уч бурчакни пастки бурчак учини орқа тарафига бувланг.

**4-Босқич.** Пастки қисмини қирқиб, бош қисмига бириктиринг.

**5-босқич.** Шаклга ишлов беринг (кўзи, бурни, тумшуғини чизинг).



Харфларни катакларга шундай жойлаштиринки, унда биринчи устунда касб номи ва иккинчи устунда вазифаси келиб чиқсин.

|          |          |          |          |   |
|----------|----------|----------|----------|---|
| <b>ÿ</b> | <b>л</b> | <b>о</b> | <b>г</b> |   |
| <b>и</b> | <b>н</b> | <b>и</b> | <b>р</b> |   |
| <b>к</b> | <b>о</b> | <b>т</b> | <b>а</b> |   |
| <b>у</b> | <b>т</b> | <b>в</b> | <b>г</b> |  |

### **Жавоби:**

**1-устуннинг жавоби КИНОЛОГ** (Кинолог бу ит ўргатувчи)

**2-устуннинг жавоби ИТ ЎРГАТУВЧИ**

**Кинолог бу ким ўзи?**

Биласиз ўқиб сўзим.

У итларни ўрганар,

Ва машқларга ўргатар.

Хиддан изни олишги,

Душманга чанг солишга.

Бўлишга зийрак соқчи,

Чегарада пойлоқчи.

Овни чаққон тутишга,

Тўсиқлардан ўтишга.

Кўп холларда одамга,

Келиш учун ёрдамга.

### **Якуний қисм**

Ўкувчиларнинг амалий ишлари текширилади ва баҳоланади. Иш жараёнидаги камчилик ва ютуғлар кўрсатиб ўтилади. Уйга вазифа берилади. Иш ўрни тозаланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бошлангич синф меҳнат дарсларида таълим технологияларидан ўринли фойдаланиб, ўкувчиларга амалий ишларни ўргатиш билан бир қаторда касб-хунар тўғрисида маълумот бериб бориш таълимнинг самарадорлигини ошишига хизмат қиласди.

### **Назорат саволлари**

1. Ўқитувчи иш жойини ташкил этишда нималарга эътибор берилади.
2. Иш жойини тўғри ташкил этиш талаблари.
3. Балиқча макетини ясашжараёни кема-кетлиги.
4. Кучукча макетини ясаш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтахўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. – 208 б.
2. Абдуқодиров А ва б. Таълимда инновацион технологиялар. Ўзбекистон Республикаси президентининг “Истеъдод” жамғармаси – Т.: “Иқтисод – молия”, 2008. – 181 бет.
3. Бикбаева Н.У ва бошқалар. ”Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси ” – Т.: “Ўқитувчи”, 2007. – 208 б.
4. Жумаев М.Е., Таджиева З. „Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси“ Т.: Фан ва технология, 2005, 312 б.
5. Йўлдошев Ж., Усманов С., Педагогик технология асослари. Т.: “Ўқитувчи”, 2000.
6. Қосимова К., Матчонов С., Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Сариев Ш. Она тили ўқитиш методикаси. – Т.: Ношир, 2009. – 163 б.
7. Мавлонова Р.А, Санакулов Х.Р, Ходиева Д.П. Мехнат ва уни ўқитиш методикаси. – Т.: ТДПУ, Ўқув қўлланма. 2007.
8. Нуритдинова М. “Табиатшунослик ўқитиш методикаси” – Т.: “Ўқитувчи”, 2005.

## **2.2. Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш методикаси.**

Режа:

1. Замонавий ахборот коммуникация технологиялардан фойдаланиш даражасига қўйиладиган талаблар.
2. Ахборот технологиялари таълим жараёнида муҳим вазифаларни ҳал этиши.

**Таянч тушунчалар:** ахборот, замонавий ахборот, коммуникация технология, омил, ахборотли восита, техник муаммолар, дастур муаммолари, тайёргарлик муаммолари, табиий объектлар, моддий объектларни, диапозитив, транспортлар.

### **Замонавий ахборот коммуникация технологиялардан фойдаланиш даражасига қўйиладиган талаблар**

Бугунги кунда ахборот технологиялари жамиятимиз ривожланишига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ахборот технологиялари инсоният тараққиётининг турли босқичларида ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирги замон ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ахборот технологиялари барча мавжуд технологиялар, хусусан янги технологиялар орасида етакчи ўрин эгалламоқда.

Ахборот технологияси ва техник воситалар самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш замонавий педагогик технологияларнинг асосий белгиларидан биридир. Миллий дастурда таълимтарбия жараёнини бошқаришнинг бу муҳим воситасига алоҳида урғу берилган. Ахборотли воситалар (компьютер, электрон алоқа, радио, телевидение) дан фойдаланиш даражаси икки омил билан аниқланади:

1. Ўқув жараёни учун ахборотли воситалар самара берадиган мавзулар юзасидан дидактик материалларни ишлаб чиқиши.
2. Педагогларнинг ўз амалий фаолиятларида техник воситалар ва дидактик материаллардан методик жиҳатдан тўғри фойдалана олиш тайёргарлигини текшириш.

Ахборотли таълим жараёни олдиндан педагогик лойиҳалангандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Педагогик жараённи компьютерлаштириш асосий йўналишларидан бири ва замонавий педагогик технологияларнинг шуғулланиши лозим бўлган соҳасидир.

*Ахборот технологиялари* – бу одамларнинг билимларини ривожлантирадиган, уларнинг техника ва ижтимоий жараёнларни бошқариш бўйича имкониятларини кенгайтирадиган маълумотларни ташкил этиш, сақлаш, ишлаб чиқиш, тиклаш, узатиш усуллари ва техник воситаларидир. Яна шунингдек, ахборот технологиялари деганда, маълум бир мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган жараёнлар занжиридан иборат яратувчи фаолият тушунилади. Агар технологик занжирни ташкил этувчи жараёнлар, улар орасидаги ахборот алмашинувини ташкил этиш ва уларни уйғунлаштиришда компьютерлардан фойдаланиш имконияти яратилса, ҳар қандай технологиянинг самарадорлиги ортади. Албатта, бунинг учун мазкур технологияни синчилаб ўрганиш, жараёнлардаги ва улар ўртасидаги ахборот алмашинувини, шунингдек, жараёнлар занжирини (яъни технологияни) бошқаришнинг ахборот таъминотини таҳлил этиш зарурияти пайдо бўлади.

Ҳозирги замон ахборот технологияларининг асосини қуйидаги учта техника ютуғи ташкил этади:

1. Ахборотнинг машина ўқийдиган тушунчаларда жамлаш муҳитининг пайдо бўлиши (магнит, ленталар, кинофильмлар, магнит дисклар ва х.);
2. Ахборотни ер шарининг исталган нуқтасига вақт ва масофа бўйича муҳим чеклашларсиз етказишини таъминловчи алоқа воситаларининг ривожланиши, аҳолининг алоқа воситалари билан кенг қамраб олиниши (радио эшилтириш, телевидение, маълумотларни узатиш тармоқлари, йўлдош алоқа, тельефон тармоғи ва х.);
3. Ахборотни компьютерлар ёрдамида берилган алгоритм бўйича автоматлаштирилган ишлаб чиқиш имконини (саралаш, таснифлаш, керакли шаклда ифодалаш, яратиш ва х.) ошириш.

Ахборот технологиялари, биринчидан, ахборотнинг циркуляцияси ва ишлов бериш мажмуи, иккинчидан, бу жараёнларнинг тасвиридир.

Ахборот технологиялари таълим жараёнида муҳим ўрин тутиб, қуидаги вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради:

- ҳар бир одамга хос ноёб фазилатлардан иборат индивидуал қобилиятларни ўқитилаётган ўқувчи ва талабаларда очиш, сақлаш ва ривожлантириш, уларда билиш қобилиятларини, ўзини ўзи камолотга етказишга интилишни шакллантириш;
- воқеа ва ҳодисаларни комплекс ўрганишни, техника, ижтимоий, гуманитар фанлар ва санъат орасидаги ўзаро боғлиқликнинг чамбарчаслигини таъминлаш;
- ўқув-тарбия жараёнларининг мазмун, шакл ва методларини доимий динамик янгилаш.

Таълим тизими нуқтаи назаридан ахборот технологияларининг жорий этилиши билан бирга юзага келадиган қуидаги муаммолар муҳимдир:

1. Техник муаммолар – булар таълим тизимида фойдаланиладиган электрон ҳисоблаш ва микропроцессор техникасига қўйиладиган талабларни, уни қўллаш хусусиятларини белгилайди;
2. Дастур муаммолари – булар таълим тизимида фойдаланиш учун дастур таъминотининг таркиби ва турларини, уларнинг қўлланиш таркиби ва хусусиятларини белгилайди;
3. Тайёргарлик муаммолари – булар ўқитувчи ва ўқувчи, педагог ва талабаларнинг ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш ўқуви билан боғлиқдир.

Бугунги кунда таълимни ахборотлаштиришда асосий йўналиш турли ўқув фанлари бўйича педагогик дастур воситаларини яратишдан иборат бўлиб қолди. Аммо мавжуд ва ишлаб чиқилаётган компьютер техникаси базасидаги педагогик дастур воситалари ўқитиш нуқтаи назаридан таълим сифатида муҳим силжишларга олиб келиши мумкин. Бунинг сабабларидан бири компьютер технологияларини анъанавий ташкил этилган ўқитиш жараёнида жорий этила

бошлади. У ўзининг асосий мазмуни ва методлари бўйича бу технологияларга йўналтирилмаган ва уларга эҳтиёж сезмайди.

Умуман олганда, таълим технологиялари доимо ахборотли бўлган, чунки улар кўп хил ахборотни сақлаш, узатиш, фойдаланувчиларга етказиш билан боғлиқ эди. Компьютер техникаси ва коммуникация воситалари пайдо бўлиши билан ўқитиш технологиялари тубдан ўзгарди. Таълим жараёнида ахборот технологияларини амалга оширилиши қуидагиларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади:

- таълимнинг техник воситалари сифатида компьютерлар ва коммуникация воситалари;
- таълим жараёнини ташкил этиш учун унга мос тизимли ва амалий дастур таъминоти;
- таълим-тарбия жараёнида янги ўқув техника воситаларини татбиқ этиш бўйича мос методик ишланмалар.

Ўқитиш воситалари бу моддий ва теварак-атворлар, табиий объектлар, бундан ташқари инсон томонидан ўқув-тарбиявий жараёнда ахборот олиб юрувчи педагог ва ўқитувчилар фаолиятида ўз олдига қўйган ўқитиш, тарбиялаш ва ривожланиш учун қўлланиладиган курол сифатида яратилган сунъий объектлардир.

Дидактик нуқтаи назарга атроф-муҳитни тавсифлашга бағишлиланган ўқув воситаларини таснифлаш киради:

**1. Табиий объектлар-изланиш** ва ўрганиш учун ҳақиқий реал фанларни ўз ичига олади: моддаларнинг намуналари ва коллекцияларини, хом-ашё, асбоблар, деталлар, ўсимликлар, гербариyllар, хайвонлар ва уларнинг қотириб қўйилган ҳолати, микропрепаратлар ва ҳоказолар. Ўқитиш воситаларининг бу гурӯхига яна маҳсус ишлов берилган мосламалар ва уларнинг механизмлари ҳамда касбий қўникма ва малакаларни ривожлантириш учун ўқув ишлаб чиқариш мосламалари киради.

**2. Моддий объектларни** тасвиrlаш ва акс эттиришга кирадиган гурӯхни қуидагилар ташкил этади: моделлар, муляжлар, макетлар, жадваллар,

кўргазмали қуроллар (расмлар, фотоаксли чизмалар, портретлар), экран-тovуш воситалари (диафильмлар, диапозитивлар, слайдлар), кинофильмлар, видео ва товуш ёзувлари, пластиинкалар, радио эшилтириш ва телекўрсатувлар.

Алоҳида гурухга ўқитишнинг техник воситалари киради. Бундай ўқитиш воситаларига ўқув маълумотларини етказиб берувчи, уни ифодалаш учун маҳсус техник мосламалар талаб қилинади. Бу мосламалар транспортлар, диафильм ва кинофильмлар, видеофильмлар, товуш ёзиш компьютер дастурлари ва бошқалардан иборат.

Ўқитиш воситалари қуйидагича тавсифланади:

*1. Натурал (табиий) обьектлар.* Табиий обьектларга одатда жонли ва жонсиз табиатнинг обьектлари киради, улар билан таълим олувчилик машғулотларда тарқатма ёки намойиш қилинадиган материаллар шаклида танишадилар.

*2. Ўқув моделлар, муляжлар, макетлар.* Моделлар сунъий яратилган табиий обьектларни кўриниши уларнинг муҳим сифатларини, алоқаларини ва муносабатларини қайта такрорлайдиган ўқув кўргазмали қўлланмалар деб қабул қилинади.

Экран ва экран – товушлик ўқитиш воситалари бугунги кунда кенг тарқалган. Бу ўқитиш воситаларига қўйилган талаблар энг аввало уларнинг мавзуга оидлиги, иккинчидан, бу ўқитиш воситаларининг сифати яхши бўлиши билан ажралиб туради.

*Диапозитив – (слайд)* бу харакатланмайдиган ўқитиш экран воситаси ҳисобланади. Диапозитивдаги чизмалар ва расмлар одатда плакатдагидан яхши қабул қилинади.

Диапозитив – бу жуда қулай ўқитиш воситаси, чунки ўқитувчи унинг бир қисмини, ёки бир кадрни алоҳида кўрсатиши мумкин. Ҳар бир кадр тўлиқ бир инфомацияга эга. Диафильм ҳам харакатланмайдиган экран ўқитиш воситасидир.

*Транспортлар* – бу ҳам харакатланмайдиган экран қўлланмасидир. Транспорантлар проектор ёрдамида кўрсатилиши ва хонани қоронғилатиш

шарт эмаслиги бу ўқитиши воситасининг катта ютуғидир. Транспорантлар синф доскасини ўрнини босадиган воситадир. Ўқитувчи таълим олувчиларга юзланган ҳолатда, ўтилган ёзувлар ёки чизмаларни экранга проекция қилиб тушунтириши мумкин.

Сўнгги йилларда ўкув фильмлари чиқарилмай қўйди. Уларнинг ўрнини ўкув видео ёзуви информациини акс эттирувчи экран-тovушли воситаларнинг ўзида мужассамлаштирган; кино, радио, телевидение, видеофильм, диапозитивлар эгаллади. Ўкув приборлари, мосламалари, асбоблари, лаборатория приборлари тизимининг аҳамиятга эга бўлган қисмини ташкил қиласди.

Ўқитишининг янги ахборот технологиялари ўқувчи-талабанинг эмас, у энг аввало ўқитувчи (педагог)нинг технологиясидир. Ўқувчи-талаба замонавий ахборот технологиясини ўрганмайди, балки унинг маҳсулотидан ўқитишининг техник воситаси сифатида фойдаланади. Ўқитувчи (педагог) замонавий технологияларни қўллаб дарсга тайёрланади, дарсни ташкил қиласди, ўқувчи-талabalар билимини назорат қиласди ва таълим мазмунини такомиллаштиришда компьтерлаштиришнинг энг юқори даражаси янги ахборот технологияларини таълим жараёнига олиб киришдан иборат бўлади.

Таълимнинг компьютерли (янги ахборот) технологиялари – бу таълим олувчига ахборотни тайёрлаш ва узатиш жараёни бўлиб уни амалга ошириш воситаси компьютердир, яъни:

- ўқувчи-талабаларда ахборот билан ишлаш маҳоратини шакллантириш, коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш;
- «ахборотли жамият» шахсини тайёрлаш;
- таълим олувчиларнинг ўзлаштириш имкони даражасидаги етарли миқдорда ахборот билан таъминлаш;
- ўқувчи-талабаларда тадқиқотчилик маҳоратини, оптимал қарорлар қабул қилиш маҳоратини шакллантириш.

Ривожланган мамлакатларда ахборот технологияларини таълимга жорий этишда уларнинг техник воситаларини интеграциялаш асосий йўналиш

бўлмоқда. Шу муносабат билан ҳатто «мультимедиа» тушунчаси пайдо бўлдики, у ўқитишида кўпчилик техник воситалардан комплекс фойдаланишини билдиради. Мультимедиани қўллаган ҳолда энг муҳим нарса талабаларни керакли ахборотни танлаб олишга ўргатишдан иборат бўлади. Ўқитувчи (педагог)нинг вазифаси ахборотни беришдан иборат эмас, балки уни топишида ёрдам беришдан иборат бўлади, ўқитувчи (педагог) билимлар соҳасида йўл кўрсатувчи бўлади.

Бу каби ўқитиши воситалари комплексидан фойдаланилган ҳолда талабага таъсир кўрсатиш биргина ахборот каналлари (кўриш, эшлиши ва х.к.) орқали амалга оширилади. Бу эса таълим самарадорлигини оширади.

Таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланилганда талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шаклларини тиклаш муаммоси янгича ҳал этилиши лозим. Агар анъанавий таълим шароитларида билиш фаолиятини ташкил этишнинг энг кўп тарқалган шакллари индивидуал ва

фронтал шакллар бўладиган бўлса, ахборот технологияларидан фойдаланиш шароитида уларнинг иккаласидан бир вақтда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, таълим жараёнига ахборот технологияларининг жорий этилиши ўқитувчи (педагог) вазифасининг ўзгаришига сабаб бўлади, яъни педагог таълим-тарбия беришдан кўра қўпроқ тадқиқотчи, ташкилотчи, маслаҳатчи ва дастурловчига айлана боради. Буларнинг ҳаммаси эса ўқитувчи (педагог)ларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимиши ўзгартиришни талаб қиласи.

Жамият ҳаётининг жадал тарзда ривожланиши, тараққиёт эҳтиёжлари ва имкониятларининг кенгайиши, турли-туман ахборотлар оқимининг тезлашишини ҳисобга олиб, замонавий таълимнинг янги шакл, восита ва усулларидан фойдаланиш механизмини яратишни ўз заммасига олмоғи талаб этилади. Бугунги кунда турли типдаги таълим муассасаларида амалга оширилаётган таълимнинг ўрни ва даражасини аниқлашга йўналтирилган тадқиқотларда ўқитиши воситаларининг имкониятларидан кенг фойдаланишини

тақозо қиласи. Шундагина таълим жараёнининг натижалари фан, ишлаб чиқариш, маданият, иқтисод ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга хизмат қила олади. Ушбу бобда ўқув воситаларининг тавсифномаси, ишлаб чиқаришжа ўқитиш воситалари, экран ва товушли экран ўқитиш воситалари, ўқитиш воситаларининг ривожланиш истиқболлари, ахборот технологиялари хусусида атрофлича фикр юритилган ва боб бўйича жуда кўп ахборотлар ўрин олган.

### **Назоарт саволлари**

1. Ўқув жараёни учун ахборотли воситалар самара берадиган мавзулар юзасидан дидактик материалларни ишлаб чиқиш тартиби.
2. Педагогларнинг ўз амалий фаолиятларида техник воситалар ва дидактик материаллардан методик жиҳатдан тўғри фойдалана олиш тайёргарлигини текшириш жараёни.
3. Ахборот технологиялари деганда нимани тузунасиз.
4. Ҳозирги замон ахборот технологияларининг асосини қандай техника ютуғи ташкил этади.
5. Таълим тизими нуқтаи назаридан ахборот технологияларининг жорий этилиши билан бирга юзага келадиган қандай муаммолар муҳим.
6. Ўқитиш воситалари қандай тавсифланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтахўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иктисод”, 2008. – 208 б.
2. Абдуқодиров А ва б. Таълимда инновацион технологиялар. Ўзбекистон Республикаси президентининг “Истеъдод” жамғармаси – Т.: “Иқтисод – молия”, 2008. – 181 бет.
3. Бикбаева Н.У ва бошқалар. ”Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси” – Т.: “Ўқитувчи”, 2007. – 208 б.
4. Жумаев М.Е., Таджиева З. “Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси” Т.: Фан ва технология, 2005, 312 б.

5. Йўлдошев Ж., Усманов С., Педагогик технология асослари. Т.: “Ўқитувчи”, 2000.
6. Қосимова К., Матчонов С., Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Сарiev Ш. Она тили ўқитиши методикаси. – Т.: Ношир, 2009. – 163 б.
7. Мавлонова Р.А, Санақулов Х.Р, Ходиева Д.П. Меҳнат ва уни ўқитиши методикаси. – Т.: ТДПУ, Ўқув қўлланма. 2007.
8. Нуритдинова М. “Табиатшунослик ўқитиши методикаси” – Т.: “Ўқитувчи”, 2005.

### **3-Мавзу Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида педагогик технологияларидан фойдаланиш методикаси Режа:**

1. Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида педагогик технологияларидан фойдаланиш йўллари
2. Замонавий педагогик коммуникация технологиялардан фойдаланиш даражасига қўйиладиган талаблар
3. Ҳозирги кунда таълим жараёнида инновацион технологиялар, педагогик технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

**Таянч тушунчалар:** педагогик технология, омил, технология, педагогик, ўқитиш технологияси, блиц-ўйин, кластер методи, ақлий ҳужум, тадқиқотчилик методи.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуqlари ва эркинлигини кафолатловчи жамиятни маънавий янгилайдиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантирадиган ва уни жаҳон ҳамжамияти даражасига кўтариб, узвийликни таъминлайдиган очиқ демократик ҳуқуқий давлат қурмоқда.

Ўзбекистон тараққиётида халқнинг бой маънавий салоҳиёти ва умуминсоний қадриятларга ҳамда ҳозирги замон маданияти, иқтисодиёти, илми, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукаммал таълим тизимини барпо этиш долзарб аҳамиятга эга.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илғор педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги кўп карра такрорланади.

*Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти* шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндошув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий қўрсатмали тузилмада ўз ифодасини топади.

Мақсадга йўналтирилганлик, оралиқ натижаларни ташхисли текшириб бориш, таълимни алоҳида ўқитиш лавҳаларига ажратиш каби усууллар ҳозирги

кунга келиб қайта-қайта тақрорлаш мүмкін бўлган таълим технологияси ғоясида мужассамланган.

У асосан ўз ичига қуидаги омилларни олади;

- таълимда умуммақсаднинг қўйилиши;
- тузилган умуммақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
- ўқувчиларнинг билим даражасини дастлабки (ташхисли) баҳолаш;
- бажариладиган ўқув тадбирлари мажмуаси (бу босқичда ўқувчилар билан мулоқат асосида таълимга жорий тузатиш) киритилиши лозим

- натижани баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14 сессиясида Президент И.А.Каримов ўз нутқида «Бизнинг олдимизга озод фуқаро шахсининг маънавиятини бошқача айтганда, озод ҳар томонлама ривожланган, ўз хукуқларини яхши биладиган, кучи ва қобилиятига ишониб таянадиган, атрофдаги ҳодисаларни, ўзининг мустақил фикр ва муносабати мавжуд, ўз манфаатларини ватан ва ҳалқ манфаатлари билан уйғунлаштирадиган шахсни тарбиялаш вазифаси турибди» деб таъкидлаган эди.

Миллий ўзликни англашни бутун олам инсонпарварлик ғоя ва маданияти, умуминсоний қадриятлар, кўп миллатли ҳалқимиз анъаналаридан айрим ҳолда тиклаб бўлмайди. Ёшларнинг иқтидори ва билимга чанқоқлиги - айнан шулардан маънавиятга эриши ва уни ривожлантириш бошланади.

Ўқув-тарбия ишлари жараёнида талаба ёшларни ижодий фикрлашга, ўзгарувчан вазиятларга ўргатиш, эркин рақобат асосида фаолиятни ташкил этиш ҳамда талабаларни ахборот технологиялари, электрон дарсликлар, версиялар ва мультимедиалардан амалий машғулотларда фойдаланиши мухимdir. Бу эса талабаларда мустақиллик, эркин фикрлашни тарбиялашни, ўқув фаолиятини таҳлил қилишни, истиқболда касбий маҳорат ва компьютер саводхонлигини орттириш бўйича режаларини аниқ белгилашига эришишни уларнинг ички эҳтиёжига айлантириш талаб этилади.

Инновацион технологиялар таълим-тарбия жараёнининг бир тизимга солинган илмий-назарий ва методик асосланган янги шакл, усул ва

воситаларининг мажмуидир. Бунда янги мазмун, шакл, усул ва восита уйғунылигига мақсад, вазифа, фаолият ва педагогик натижа яхлитлиги таъминланади ҳамда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндошув, энг аввало, тасвирилаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий кўрсатмали тузилмада ўз ифодасини топади.

Таълим технологияси репродуктив дарс беришга асосланган бўлиб, ундаги ўқув жараёни талабаларга типик ҳолатлардаги ҳаракатларни эгаллашга йўналтирилган. Репродуктив билим бериш жараёнида машғулот аниқ бўлакларга бўлиниб, ҳар бир бўлагида талабалар билиши ва ўрганиши шарт бўлган натижалар кўрсатилади. Ўқув материаллари машғулот мақсадидан келиб чиқиб, модулларга бўлинган ва талабаларнинг ўқув жараёни аниқ саволларга конкрет жавоблар топишга қурилган бўлиб, саволлар ва жавоблар ўзаро узвий боғлиқликда бўлиши натижасида бир бутунликни ташкил қиласи.

Янгича ёндошув, янгича фикрлаш асосида ўқитиш жараёнида талабалар фаолиятининг самарали шакл ва услублари, уларни мустақил ишларини ташкил қилиш керак. Бундай мустақил топшириқлар талабаларни ўйлашга, ҳар томонлама фикр юритишга, берилган топшириқларни ўз ҳаётий тажрибаларига асосланиб ҳал этишга ўргатади.

Маъруза ва амалий машғулотларни ўтиш жараёнида муаммоли вазият талабаларнинг қизиқиши, билим савияси, фикр юритиш доираси ҳисобга олинган ҳолда ташкил қилинади. Муаммоли вазиятни яратишдан кўзланган асосий мақсадни амалга ошириш учун вазиятни баҳолашда талабаларнинг оғзаки ва ёзма жавобларидан вақти-вақти билан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Инновацион технологиялар асосида баҳс-мунозара дарслари, ақлий хужум ўйинларидан кенг кўламли билим, тажриба ва мустақилликка асосланган ҳолда машғулотлар ташкил этилса, қуйидаги натижаларга эришилади:

- машғулотлар давомида талабаларнинг мустақиллиги, ихтиёрийлиги ва эркинлигига эришилади;
- талабалар ўз фикр ва қарашларини ҳимоя қилишга ўрганадилар, уларни бошқаларга етказиш маҳоратини эгаллайдилар;
- талабалар жамоа фикрига таянишга, уни ҳурмат қилишга ўрганадилар ва уларда ўзаро ҳурмат ҳисси ортиб боради;
- талабалар ўқув фанига доир материаллар билан мустақил ишлашга, изланишга, ўқитишининг самарали шакл ва услубларидан ижодий фойдаланишга одатланиб боради;
- талабаларда билимларни мустақил эгаллаш, ижодий фикр юритиш ва эркин фикрлаш малакалари шаклланади;
- ўқув машғулотларида ахборот технологияларидан фойдаланишга, ўзаро фикр алмашишга, педагогик фаолиятни танқидий таҳлил қилиш ва таққослашга ўрганадилар.

### **Педагогик технология ҳақида тушунча.**

Илмий техник тараққиёт XX аср охирига келиб фақатгина қўплаб ишлаб чиқариш соҳаларини технологиялаштиришга сабаб бўлиб қолмай, балки маданият соҳасига, билимлар гуманитар соҳаларига ҳам кириб келди. Бугунги кунда биз энди ахборот, тиббиёт технологиялари ҳақида гапирамиз, шу жумладан таълим соҳасида ҳам.

Педагогик технология деб одатда мақсади таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш, таълимда кўзланган натижаларга эришишга бўлган педагогиканинг йўналишига айтилади(М. Кларин, 1989).

“Педагогик технология” сўз бирлиги- бу инглизча “таълим технологияси” иборасининг аниқ бўлмаган таржимасидир. “Педагогик технология” тушунчаси охирги пайтларда ўқитиши назариясида янада кенгроқ қўлланилмоқда. Айнан “технология” термини ва унинг “ўқитиши технологияси”, “таълим технологияси”, “таълимда технология” каби шаклларига педагогик адабиётларда 300 дан ортиқ таърифлар берилган.

“Педагогик технология” термини биринчи бор педагогика бўйича ишларда XX асрнинг 20-йилларида тилга олинган. Ҳозирги кунда педагогик технология тушунчасида турлича ифодалашлар мавжуд.

1. Технология – бу бир ишда, маҳоратда, санъатда қўлланиладиган услублар тўпламидир(изоҳли луғат).

2. Педагогик технология – бу ўқув жараёнини амалга оширишнинг техникасидир (В.П. Беспалко).

3. Педагогик технология – бу ўқитишда режалаштирилган натижаларга эришиш жараёнини тасвирлашдир(И.П. Волков).

4. Педагогик технология – бу ўқитиш, тарбиявий воситалар, шакллари, методлари, усул, услубларининг маҳсус тўплами ва тузилишини белгиловчи психологик-педагогик кўрсатмалар йиғиндиси, у педагогик жараённинг ташкилий методик қуроли демакдир(Б.Т. Лихачев).

5. Педагогик технология – бу таълим шаклларини оптималлаштириш масалани қўювчи, техник ва инсоний имкониятларни ва уларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олиб ўқитиш ва билимлар ўзлаштириш бутун жараёнини яратиш, қўллаш ва белгилашга системали ёндашишидир (ЮНЕСКО).

6. Технология – бу санъат, маҳорат, мохирлик, ишлаб чиқиши методлари тўплами, ҳолатини ўзгартиришдир (В.М. Шепел).

7. Ўқитиш технологияси- бу ўқувчилар ва ўқитувчилар учун сўзсиз қулай шароитлар яратиб бериш учун ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва олиб бориш бўйича ҳар томонлама ўйлаб чиқилган ҳамкорликдаги педагогик фаолият моделидир(В.М. Монахов).

8. Педагогик технология – бу педагогикада фикрлашнинг системали усулидир (Т. Сакамото).

9. Педагогик технология – ўқув жараёнининг ташкилий шакли, методлари, мазмунини ўзгартирувчи унинг ривожланиш системасидир (Е.Бистереки ва Ж.Селлер).

10. Педагогик технология - педагогик мақсадларга эришиш учун фойдаланиладиган ҳамма шахсий, инструментал ва методологик воситалар системали тўплами ва ишлатилиши тартибини билдиради (М.В. Кларин).

11. Педагогик технология – бу таълим мақсадига эришишга қаратилган ўқитувчи ва ўқувчининг фаолиятини системали, концептуал, қоидали, объективлаштирилган, инвариант тасвирлашдир(Ф.А. Фрадкин).

12. Педагогик технология билимларни эгаллашда режалаштириш, бошқариш ва таъминлашни таҳлил қилиш учун фаолиятни ташкил этиш усулини, одамлар, ғоялар, воситаларни ўз ичига оловчи комплекс интеграл жараён демакдир (Педагогик коммуникациялар ва технологиялар бўйича АҚШ ассоциацияси).

Педагогик даврлар ва технологияларнинг ривожланиш тарихи Педагогика фани тарихидан кўриниб турибдики ўқитиш ва кадрлар тайёрлашнинг янада мукаммал методларини ва усулларини излаш доимий давом этиб келган. Ўқитиш – бу жамият тараққиёти учун самараси педагогнинг фаолияти якунланиши билан дарҳол кўринмаса ҳам ҳар қандай бошқа фаолият каби ишлаб чиқариш фаолиятидир. Жамият тарихида иқтисодий даврлар фақатгина нималар ишлаб чиқарилиши, ким томонидан қанча ишлаб чиқарилиши, меҳнатнинг қайси воситалари билан ишлаб чиқарилиши қараб фарқ қилмайди.

Биз амалиётда қўллаган ва ижобий натижа берган технологиялардан бири бу - «БЛИЦ-ЎЙИН» методидир.

Ушбу технология ўқувчиларни ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантикий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган. Бу технология давомида ўқувчилар ўзларининг мустақил фикрларини бошқаларга ўтказа оладилар.

### ***Maқсад:***

«Блиц-ўйин» технологияси ўқувчиларга тарқатилган қофозларда кўрсатилган ҳаракатлар кетма-кетлигини аввал якка ҳолда мустақил равища

белгилаб, сўнгра ўз фикрини бошқаларга ўтказа олиш ёки ўз фикрида қолиш, бошқалар билан ҳамфир бўла олишга ёрдам беради.

## **ЎТКАЗИЛИШ ЖАРАЁНИ**

### **1-БОСҚИЧ.**

- ўқитувчи ушбу ўйин бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида талабаларга тушунча беради. Ҳар бир босқичдаги вазифани бажаришга аниқ вақт ажратилиши, талабалар эса шу вақтдан унумли фойдаланишлари кераклиги ҳақида уларни огоҳлантиради;
- талабаларга алоҳида-алоҳида тарқатма материал берилади;
- ўқитувчи тарқатма материал мазмуни ва бажариладиган вазифани талабаларга тушунтиради, яъни тарқатма материалда берилган ҳаракатларни кетма-кетлигини тўғри белгилаш кераклиги, белгини эса қофоздаги алоҳида ажратилган бўлимга рақамлар билан белгилаш кераклигини ташунтиради;
- берилган топшириқ аввал якка тартибда бажарилишини айтади.

### **2- БОСҚИЧ**

- ўқитувчи биринчи берилган топшириқни ҳар бир талаба томонидан якка тартибда бажарилишини кузатади ва тушунмовчиликлар бўлганда ёрдам беради;
- ҳар бир талаба тарқатма материалдаги «якка баҳо» бўлимига шу ерда берилган ҳаракатлардан ўзининг шахсий фикри асосида мантиқий кетма-кетлигини рақамлар билан белгилаб чиқади, яъни берилган бир нечта ҳаракатдан, унинг фикрича қайси бири биринчи бўлиши, қайси бири эса иккинчи бўлишини белгилайди, ўқитувчи бу вазифани бажариш учун талабаларга 10 дақиқа беради.

### **3-БОСҚИЧ**

- ўқитувчи талабалардан З кишидан иборат кичик гурӯхлар ташкил этишларини сўрайди. З кишилик гурӯхлар ўқувчиларнинг хоҳишлирага қараб ёки рақамлар бўйича ташкил этилиши мумкин;
- кичик гурӯхлардаги талабаларнинг ҳар бири ўз қофозидаги якка баҳо бўлимида белгиланган ҳаракатлар кетма-кетлиги билан бир-бирларини

таништирадилар, кейин З кишида уч хил бўлган кетма-кетликни биргалашиб, бир-бирлари билан тортишиб, баҳслашиб, таъсир ўтказиб келишган ҳолда уларга тарқатилган қоғоздаги «ГУРУҲ БАҲОСИ» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқадилар;

- ўқитувчи кичик гуруҳдаги тортишувларда иштирок этмайди, факат кичик гуруҳлар ва ҳар бир талаба фаолиятини кузатади, бу вазифани бажариш учун 20 дақиқа берилади.

#### **4-БОСҚИЧ**

Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, ўқитувчи ҳаракатлар кетма-кетлиги бўйича тўғри жавобни беради, яъни талабаларга тарқатилган қоғозлардан «ТЎҒРИ ЖАВОБ» бўлимини топишни ва унга ўқитувчи томонидан айтилган ҳаракатлар кетма-кетлигининг рақамларини ёзишни сўрайди.

#### **5-БОСҚИЧ**

Ўқитувчи «ТЎҒРИ ЖАВОБ» бўлимида берилган рақамларнинг «ЯККА БАҲО» бўлимида берилган рақамларни (ёки аксинча), яъни каттадан-кичикни айирган ҳолда «ЯККА ХАТО» бўлимига чиқсан фарқни ёзишни сўрайди. «ЯККА БАҲО» бўлимидаги сонларни юқоридан пастга қараб қўшиб чиқиб умумийсини ҳисоблашлари кераклигини уқтиради.

#### **6-БОСҚИЧ**

Худди шу тартибда «ТЎҒРИ ЖАВОБ» ва «ГУРУҲ БАҲОСИ» ўртасидаги фарқ каттадан-кичикни айириш орқали бажарилади, чиқарилган фарқлар сони «ГУРУҲ ХАТОСИ» бўлимига ёзилиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий сон келтириб чиқарилади.

#### **7-БОСҚИЧ**

Ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларининг умумий сони бўйича тушунча беради, уларни алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

**ИЗОҲ:** Бажарилган вазифани баҳолашнинг яна бир тури, қуйидагича: ўқувчиларнинг жавоблари ўқитувчи томонидан берилган «ТЎҒРИ ЖАВОБ»нинг ярмидан кўпига тўғри келган бўлса, демак, «қониқарли», 75%га

түғри келган бўлса, «яхши», 100%га түғри келган бўлса «аъло» деб белгилаш мумкин.

Педагогик технология усулининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда таълимнинг режалаштирилган мақсадига эришишни кафолатлайдиган ўзлаштириш жараёни лойиҳалаштирилади.

Мақсадни кўзлаш, жорий натижаларни текшириб бориш, ўқув материалини айрим бўлакларга ажратиш – ўқув жараёнини ташкил этишнинг бу белгилари - қайта ишлаб чиқиладиган яъни тақрорланадиган таълим циклига хос хусусиятлардир.

Бошқача айтганда, тақрорланадиган таълим циклиниң асосий қисмлари қуидагилар:

- таълим мақсадларини умумий белгилаш;
- умумий мақсадни ойдинлаштириб, ўқув мақсадларига айлантириш;
- ўқув амаллари мажмуи;
- таълим натижасини баҳолаш.

Ўқув жараёни бундай тақрорланадиган шаклга эга бўлгани учун модуль характеристини касб этади, алоҳида қисмларга ажратилади, улар турли мазмунга ва умумий тузилишга эга бўлади.

Бугунги кунда олий ўқув юртлари ва факультетларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари-интерфаол методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчи-талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерфаол методлар - бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар факт педагог ва ўқувчи-талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Шуни айтиш лозимки, замонавий педагогик технологиялар, педагогика илмининг тадқиқот обьекти сифатида, аниқ фанларни ўқитиш услуги бўлибгина қолмай, балки ижтимоий-иқтисодий фанларни ўқитишга ҳам янгича ёндашув сифатида қайд қилиниши керак.

### **Кластер методи**

Кластер методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у талабаларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эркин, очик ўйлаш ва шахсий фикрларни bemalol баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. «Кластер» методи аниқ обьектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг ўқувчилар томонидан чукур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қиласди.


#### **Кластер тузиш қоидаси**

Кластер –боғлам.

- Билимларни фаол-лаштиришга йўналтиради, фикрловчи жараёнга мавзу бўйича янги ассоциатив тасаввурни эркин ва очик жалб қилишга ёрдам беради.

- Ўқув машғулотининг ҳамма босқичларида қўлланилади.

Кластер тузиш қоидалари билан таништириш: Синф доскасига калит сўз ёзилади ( 1-2 сўздан иборат); Калит сўз атрофига думалоклар шаклида ассоциатив тушунчалар ёзилади, уларни асосий чизиқ боғлаб туради; Мухокама учун кластерлар билан алмашиниш ҳам мумкин.



**Ақлий хужум** – бунда бир неча талабадан иборат гурӯҳ олдига муаммо қўйилади ва ечиш вақти белгиланади. Ҳар бир иштирокчи ўз ғоясини таклиф этади ва ҳеч бир фикр танқид этилмай қабул қилинади. Ечимлар сони қанча кўп бўлса, шунча яхши, сўнгра уларнинг ичидан энг тўғриси танлаб олинади ва ечим сифатида таклиф этилади. Бунда талабалардан қисқа вақт ичida тез фикрлаши, яъни миянинг актив ишлиши талаб этилади. Шунинг учун ҳам бу дидактик вазифа ақлий хужум деб аталади.

Мазкур метод муайян мавзу юзасидан берилган муаммоларни хал этишда кенг қўлланиладиган метод саналиб, у машғулот иштирокчиларини муаммо хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш, шунингдек, ўз тасаввурлари ва рояларидан ижобий фойдаланиш борасида маълум куникма хамда малакаларни ҳосил килишга рағбатлантиради. Ушбу метод ёрдамида ташкил этилган машғулотлар жараёнида ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оргинал ечимларни топиш имконияти турилади. «Ақлий хужум» методи танлаб олинган мавзулар доирасида маълум кадриятларни аниқлаш, айни вақтда уларга муқобил бўлган қояларни танлаш учун шароит яратади.

**Тадқиқотчилик методи** – ушбу метод муаммоли таълимда марказий ўринни эгаллайди. Бу метод ўқитиши жараёнини ўқувчилар имкониятига мос тарзда содда ва тушунарли шаклда, айни вақтда, илмий тадқиқот жараёнига ўхшаш тарзда амалга оширилиши, тадқиқот жараёнининг асосий босқичлари -

ўрганилаётган мавзудан тадқиқот жараёнига асос бўла оладиган тушунарсиз жиҳатларни очиб кўрсатиш, муаммони аниқлаш ва шакллантириш, фаразни илгари суриш, тадқиқот режасини тузиш ва амалга ошириш, номаълум фактларни ўрганиш ва амалга ошириш, илгари сурилган фаразни текшириш, натижаларни шакллантириш, олинган билимларнинг аҳамияти ва уларни қўллаш имкониятларини баҳолашни қўллаш демакдир.

**Тадқиқот методининг асосий хусусияти** - бир муаммони ҳал қилиш жараёнида янгиларига тўқнаш келинади ва уларни ҳам ҳал қилиш эҳтиёжи вужудга келади. Лекин таълим жараёнида амалга ошириладиган тадқиқот ҳақиқий илмий тадқиқотдан бир қанча муҳим жиҳатлари билан фарқ қиласди.

**Биринчидан**, муаммоли таълим жараёнида тадқиқ этиладиган ўқув муаммолари ва ўқувчилар аниқлайдиган илмий ҳақиқат фан оламида янгилик ҳисобланмайди. Ўқувчилар эса уни ўз тажрибаларида илк бор тадқиқ этадилар ва ўзларини илмий ҳақиқатни аниқлаётган кашфиётчи деб биладилар.

**Иккинчидан**, ушбу жараёнда ўқувчининг тадқиқотга нисбатан рағбати олимницидан бутунлай фарқ қиласди.

Ўқув тадқиқоти ўқитувчи бошчилигига, шахсан унинг иштироки ва раҳбарлигига ўтади. Лекин ушбу ёрдам шу тариқа амалга оширилиши лозимки, ўқувчилар тадқиқот мақсадига ўзларини мустақил равишда эришдим деб билишлари лозим.

**Учинчидан**, бошқа ҳар қандай метод каби тадқиқот методи ҳам универсал метод эмас, бошланғич ва ўрта синфларда таълим жараёнига унинг айрим элементларинигина татбиқ этиш мумкин. Бу ўқувчиларни юқори синфда тадқиқот методини бирмунча мураккаб ва янада такомиллашган ҳолатини қўллай олишга имкон беради.

## Назорат саволлари

1. Таълимда «инновацион жараёнлар» термини нимани англатади?
2. Инновацион фаолиятни шакллантириш шартларини изоҳлаб беринг?
3. Педагогик технологияга таъриф беринг?

4. Педагогик технологиянинг таснифларини асослаб беринг?

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтахўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. – 208 б.
2. Абдуқодиров А ва б. Таълимда инновацион технологиялар. Ўзбекистон Республикаси президентининг “Истеъдод” жамғармаси – Т.: “Иқтисод – молия”, 2008. – 181 бет.
3. Бикбаева Н.У ва бошқалар. ”Бошланғич синфларда математика ўқитиши методикаси” – Т.: “Ўқитувчи”, 2007. – 208 б.
4. Жумаев М.Е., Таджиева З. “Бошланғич синфларда математика ўқитиши методикаси” Т.: Фан ва технология, 2005, 312 б.
5. Йўлдошев Ж., Усманов С., Педагогик технология асослари. Т.: “Ўқитувчи”, 2000.
6. Қосимова К., Матчонов С., Гуломова Х., Йўлдошева Ш., Сариев Ш. Она тили ўқитиши методикаси. – Т.: Ношир, 2009. – 163 б.
7. Мавлонова Р.А, Санакулов Х.Р, Ходиева Д.П. Мехнат ва уни ўқитиши методикаси. – Т.: ТДПУ, Ўқув қўлланма. 2007.
8. Нуритдинова М. “Табиатшунослик ўқитиши методикаси” – Т.: “Ўқитувчи”, 2005.

**4-Мавзу Маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш технологияси. Мустақил таълим ва уни ташкил этиш методикаси. Мутахассислик фанларидан курс ишини тайёрлаш методикаси.**

**4.1. Маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш технологияси Режа:**

1. Маъруза машғулотларини ташкил этиш технологияси.
  2. Маъруза шаклида таълим беришнинг ўзига хос хусусиятлари.
  3. Семинар машғулотларини ташкил этиш технологияси.
- ✓ **Таянч тушунчалар:** маъруза машғулотлар, амалий машғулотлар, семинар машғулотлар, лаборатория машғулотлар, педагогика, технология, метод, шакл, восита.

**Маъруза - таълим ташкиллаштиришнинг асосий шакли**

**Олий таълим муассасаларида машғулот турлари:**

- ✓ Маъруза машғулотлар;
- ✓ Амалий машғулотлар;
- ✓ Семинар машғулотлар;
- ✓ Лаборатория машғулотлар;

**Маъруза - таълим ташкиллаштиришнинг асосий шакли**

Маъруза - ўқитиши ташкил этишнинг етакчи шакли ҳисобланиб, қўйидаги вазифаларни амалга оширишга имкон беради:

- йўналтирувчилик-талabalарни ўкув материалининг асосий ҳолатларига, уни келгуси иш фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятига дикқат қилишларига имкон беради;
- ахборотлилик- ўқитувчи маъруза вақтида ҳолат, асосий илмий далиллар ва хуносалар моҳиятини очиб беради;
- методологиклик- маъруза вақтида ўқитиш усуллари таққосланади, илмий изланишнинг асослари намоён этилади;
- тарбияловчилик-маъруза ўкув материалига ҳиссий-баҳолаш муносабатида бўлишни уйғотиш;

➤ ривожлантирувчилик - билим олиш қизиқишиларини, яъни мантиқий фикрлаш ва исботлаш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Маърузада ўқитиш технологиясининг жараёнли тузилмаси қуидаги босқичларда ифода этилган:

**I. босқич.** Ўқув машғулотига кириш - ўқув машғулотининг мавзусини ифодалаш, мустақил ўқиши учун мавзу, мақсад, вазифа ва маъруза режаси, адабиётларни, ушбу мавзу бўйича калитли тоифалар ва тушунчаларни, ўз-ўзини текшириш учун савол ва топшириқларни маълум қилиш.

**II. босқич.** Асосий, ахборотли - Маъруза машғулоти режасига қатъий риоя қилиш, ўқув машғулотининг технологик харитасига биноан таълим мақсадларини амалга ошириш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг тартибий ҳаракатлари.

**III. босқич.** Якуний натижавий - якуний хулосалар қилиш, ушбу мавзу бўйича асосий ўқув ахборотига таълим олувчилар эътиборини қаратиш. Ўзаро баҳолаш ва ўзининг фаолияти ҳақида фикр юритишни ташкиллаштириш; бажарилган ишни келгуси касбий фаолияти учун аҳамиятлилиги тўғрисида маълум қилиш.

### Маъруза турлари:

- академик маъруза
- оммабоп маъруза
- кириш маърузаси
- умумлаштирувчи маъруза
- комплекс маъруза
- анъанавий (ахборотли) маъруза
- маъруза-сухбат
- муаммоли маъруза
- визуал маъруза
- бинар маъруза
- маъруза-анжуман
- қайтар алоқали маъруза

**1. Кириш маързаси ўқув** фани тўғрисида умумий тасаввурларни беради ва талабаларни ушбу фан бўйича ишлаш тизимида йўналтиради. Бу маързада фаннинг назарий ва амалий аҳамияти, уни бошқа фанлар билан алоқаси, фаннинг мутахассис тайёрлашдаги ўрни, фан миқёсида бажариладиган услубий ва ташкилий ишларнинг хусусиятлари, талабаларга тавсия этиладиган ўқув-услубий адабиётлар шунингдек ҳисоботнинг вақти ва шакллари аниқ ва яққол кўрсатиб берилади.

**2. Ахборотли маъруза-** талабаларга ўқув маълумотларни тизимли баён этиш ва тушунтириш учун хизмат қиласи. Ҳар бир бундай маъруза аниқ бир мавзуга бағищланади ва у тугалланган бўлади, лекин бошқалар билан (аввалги ва келгусидаги мавзулар билан) аниқ яхлит тизимни ташкил этади. Бунда талабаларни тушуниши ва эслаб қолиши таъминланади.

**3. Умумлаштирувчи маъруза** – бу юқори даражада илмий билимларни тизимлаштириш бўлиб, бир турдаги аниқ дастурий саволлар тўғрисида қисқа ва умумий маълумотларни бериш назарда тутилади. Бу маърузалардан ўқишнинг якуний босқичларида фойдаланилади (давлат имтихонлари).

**4. Муаммоли маъруза** – бу маързада янги билимлар савол, вазифанинг муаммолиги ёки вазият орқали етказиб берилади. Бунда талабаларни ўқитувчи билан ҳамкорликда ва сухбатда билиш жараёни изланувчилик фаолиятига яқинлаштирилади.

**5. Кўргазмали-маъруза-** маъруза материалини техник воситалар ёки аудиовидеотехникалар ёрдамида кўргазмали шаклда етказиб беришни назарда тутади. бундай маърузани ўқилиши кўрилаётган кўргазмали материалларни (слайд, расмлар, жадвал, чизма, графиклар ва б.) очик ёки қисқа шарҳлашга олиб келинади.

**6. Бинарли маъруза** – бу икки ўқитувчини (илмий мактаб вакиллари, олим ва амалиётчи, ўқитувчи ва талаба) сухбат шаклидаги маърузани ўқиш тури.

**7. Олдиндан режалаштирилган хатолар билан маъруза-таклиф** этилаётган ахборотни (хатоларни излаш: мазмунда, услубийда, орфографик

хатоларни) доимий назорат қилишда талабаларни қизиқтиришга йўналтирилган. Маъруза якунида тингловчилар ташхиси ўтказилади ва қилинган хатолар таҳлили ўтказилади.

**8. Анжуман-маъруза** олдиндан қўйилган муаммо ва маърузалар тизими, давомийлиги 5-10 дақиқалик бўлган, илмий-амалий машғулот сифатида ўтказилади. Ҳар бир маъруза қилиш, ўқитувчи томонидан олдиндан таклиф этилган дастур доирасида мантиқан тугалланган матнни акс эттиради. Тақдим этилган матнлар йиғиндиси муаммони ҳар томонлама ёритиб беришга имкон беради. Маъруза якунида ўқитувчи талабаларнинг мустақил ишларини ва маъруза билан чиқишларини хуносасини қиласди, таклиф этилган маълумотларни тўлдиради ва аниқлик киритади ва асосий хуносаларни шакллантиради.

**9. Маслаҳатли-маъруза** турли сценариялар бўйича ўтказилиш мумкин. Биринчи вариант “савол-жавоблар” тури бўйича амалга оширилади. Маъruzachi маъруза вақти мобайнида талабалар бўлим ёки бутун курс бўйича саволларга жавоб беради. Иккинчи вариант “савол-жавоб-мунозара” шаклида ўтказилади, яъни маъruzachi томонидан янги маълумотни баён эти ш, саволларни берилиши ва берилган саволларга жавоб излаш мақсадида мунозарани ташкиллаштириш.

### **Маъруза шаклида таълим беришнинг ўзига хос хусусиятлари**

| <b>Маъруза шакллари</b>                | <b>Ўзига хос хусусиятлари</b>  |
|--|--|
| <b>Маълумотли</b>                      | <p>Маърузанинг энг анъанавий тури.<br/> <i>Педагогик вазифалар:</i> ўқув маълумотини баён қилиш ва тушунтириш</p>  |
| <b>Умумлаштирувчи қисқа маълумотли</b> | <p>Курсни ёки унинг катта бўлимларини баён этилган назорат ҳолатлари негизини, аввалом бор илмий-тушунчавий ва концептуал асос ташкил этади.<br/> <i>Педагогик вазифалар:</i> Илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш. Ички ва фанлараро алоқаларни ёритиб бериш.</p> |
| <b>Муаммоли</b>                        | <p>Янги билимлар савол вазифа вазиятларни муаммолиги орқали амалга оширилади. Бунда талабалар билими ўқитувчи билан ҳамкорликда ва сухбатда тадқиқотчилик фаолиятига олиб келинади.<br/> <i>Педагогик вазифалар:</i> янги ўқув маълумотини ёритиб</p>                        |

|   |   |
|---|---|
|   | бериш; муаммони аниқлаш уни ечиш / жамлаш ва анъанавий ва замонавий нуқтаи назарни таҳлил қилишни ташкиллаштириш  |
| <b>Кўргазмали</b>                                       | Бундай маъruzani олиб борилиши кўрилаётган материалларни очик ҳолда ва қисқа шарҳлашга олиб келинади.<br><i>Педагогик вазифалар:</i> маъlумот мазмунини таълимнинг техникавий воситалари ёки аудио техникалар ёрдамида ёритиб бериш   |
| <b>Бинарли</b>  | Бундай маъruzani олиб борилиши икки ўқитувчи .<br>2-мактаб вакиллари олим ва амалиётчилар, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги сухбатни намоён қиласди.<br><i>Педагогик вазифалар:</i> янги ўкув маъlумотларни икки томон нуқтаи назарларини таққослаш орқали ёритиб бериш.  |
| <b>Олдиндан<br/>кўзланган<br/>хатоликлар<br/> билан</b> | Ўқитувчи онгли равишда йўл қўйган мазмунли, методологик хатоларни: талабалар томонидан топишга қаратилган. Маъруза якунида талабаларнинг ташҳиси ва қўйилган хатоликлари таҳлили олиб борилади.<br><i>Педагогик вазифалар:</i> янги материал мазмунини ёритиб бериш; талабаларни таклиф этилаётган маъlумотни доимо назорат қилишларига қизиқтириш  |
| <b>Анжуман</b>  | Ўқитувчи томонидан тайёрланган дастур миқёсида, олдиндан белгиланган муаммо ва маъруза тизими билан илмий-амалий машғулот олиб борилади.<br><i>Педагогик вазифалар:</i> янги ўкув маъlумотини ёритиб бериш, талабаларни янги ўкув маъlумотини излаш ва тизимлаштиришга ҳаракат қилдириш   |
| <b>Маслаҳатли</b>                                       | Турли йўл билан ўtkазилиши мумкин. 1. “Савол-жавоб”. Ўқитувчи маъруза давомида бутун курс ёки бўлим бўйича талабаларнинг саволларига жавоб беради. 2. “Савол-жавоб-мунозара”. Янги маъlумотни нафақат баён этади, балки ва қўйилган саволларга жавоб излаб топишни ташкиллаштиради.<br><i>Педагогик вазифалар:</i> талабалар билимини мустаҳкамлаш, ривожлантириш, уларни янги маъlумотлар билан тўлдириш |

### **Маърузанинг сифатини баҳолаш мезонлари:**

- ✓ Маъруза мазмунини баҳолаш.
- ✓ Маъруза ўқиши услубини баҳолаш.
- ✓ Маъruzani ташкил этилганлигини баҳолаш.
- ✓ Маърузада талабалар ишига раҳбарликни баҳолаш.

- ✓ Ўқитувчининг маъруза ўқиши қобилиятини баҳолаш.
- ✓ Маърузанинг натижавийлиги ва самарадорлигини баҳолаш.

**Семинар** - бу таълим берувчини таълим олувчилар билан фаол сұхбатга киришишига йўналтирилган, назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи, машғулотни ўқитиш шаклидир.

Семинарлар ўқув жараёнини ташкил этишнинг бошқа шакллари билан узвий боғлик, шу жумладан, хусусан, маърузалар ва талабалар мустақил иши билан. Семинарларга курснинг марказий мавзулари олиб чиқилади, уларни ўзлаштирилиши талабалар профессионал таълим сифатини белгилайди.

Муаммо ва масалаларни муҳокамасида ҳар бир талабанинг фаол иштироки семинарларнинг маҳсус хусусияти бўлади.

#### **Семинар шакллари:**

- режа асосида батафсил муҳокама;
- семинар режаси бўйича оғзаки савол-жавоб;
- талабаларнинг реферат ва маърузаларини тинглаш ва муҳокама қилиш;
- олдиндан баъзи талабалар томонидан тайёрланган ёзма рефератларни бутун гурӯҳ талабалари семинардан олдин ўқиб, семинарда муҳокама қилиш;
- назарий конференция;
- семинар пресс-конференция;

#### **Семинар таркиби:**

- ўқитувчининг кириш нутқи,
- асосий қисм,
- ўқитувчи яқуний сўзи.

#### **Семинар машғулотнинг сифатини баҳолаш мезонлари:**

- Семинар машғулоти мазмунини баҳолаш
- Семинар машғулот ўтказиш услубини баҳолаш
- Семинар машғулотни ташкил этилганлигини баҳолаш
- Семинар машғулотда талабалар ишига раҳбарликни баҳолаш

➤ Ўқитувчининг семинар машғулотини ўтказиш қобилиятини баҳолаш

➤ Семинар машғулотининг натижавийлиги ва самарадорлигини баҳолаш

*Семинар машғулотининг дидактик мақсадлари қуидагилардан иборат:*

- Билимларни, чуқурлаштириш, тизимлаштириш, мустаҳкамлаш.
- Билимларни текшириш ва назорат қилиш.
- Китоб билан мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини сингдириш.
- Нутқ маданиятини ривожлантириш.
- Ўз фикрида далилий туриш кўникмасини шакллантириш.
- Тингловчиларни саволларига жавоб бериш кўникмасини шакллантириш.
- Бошқаларни тинглаш, саволлар бериш кўникмасини шакллантириш.

*Таълим берувчи семинарни самарали ўтказиш учун қуидагиларни ҳисобга олиш зарур:*

- ўзининг тайёргарлиги, бунда савол ва жавоб техникасига эга бўлиши;
  - ўқув гурухининг ҳолати: унинг мотивацияси, унинг ташкил этиш хусусияти;
- ўқув жараёнининг техник жиҳозланиши.

Семинар машғулот режаси асосий материални қамраб олиши ва қиска, аниқ, тушунарли бўлиши зарур.

Улар тасдиқлови ва саволли шаклда ҳам ифодаланиши мумкин. Қоидаги мувофиқ семинар машғулотига 4-6 саволлар олиб чиқилади.

### **Семинар турлари ва уларнинг хусусиятлари.**

**Суҳбат- семинар.** Энг кўп тарқалган тур ҳисобланиб, режа бўйича очиқ суҳбат шаклда ўтказилади, яъни қисқа талабаларни сўзга чиқишилари ва ўқитувчини якунидан иборат бўлади.

Талабаларни семинар режаси саволлари бўйича тайёрланиб келишилари назарда тутилади.

**Маъруза ва рефератларни эшитиш ва мухокама қилиш-семинар.** Бу талабалар ўртасида маъруза ва реферат мавзуларини дастлабки тақсимлаш ва тайёргарликни назарда тутади.

*Маърузада уч асосий қисмни ажратадилар:*

1. Кириш бўлиб, бунда мавзу уни нг аҳамияти аниқланади;
2. Асосий, бунда мавзу мазмуни баён этилади.
3. Якуний, бунда мавзу умумлаштиради, хulosалар қилинади.

Маърузанинг давомийлиги- 20 дақиқадан ошмаслиги керак.

Семинарни асосий маркази бўлиб маъруза мухокамаси, савол- жавоб ва маъруза мухокамаси, маърузачининг якуний сўзга чиқиши.

**Рефератларни тайёрлаш.** Талабанинг ижодий ишининг мураккаб шакли ҳисобланиб, у иншо ёзиш, тугалланган меҳнатни англатади.

Реферат мавзулари тақсимлаётганда бир вақтни ўзида оппонентларни ҳам белгилайдилар. Улар олдиндан реферат мазмуни билан танишишлари ва унга тақриз тайёрлаши керак. Тақризда: унинг ютуқлари ва камчиликларини кўрсатиш, уни мазмуни бўйича тўлдиришларни киритиш юзасидан тавсиялар бериш керак. Оппонентлардан сўнг мухокамага талбалар қўшиладилар. Якунда ўқитувчи рефератга, оппонентга ва бошқа сўзга чиққанларга баҳо беради.

**Диспут (тортишув)-семинар.** Муаммони асосли ҳал этиш юзасидан жамоавий мухокама қилишни назарда тутади. Диспут-семинар диалогик мулоқат шаклида олиб борилади. У юқори ақлий фаолликни назарда тутади, тортишуни олиб бориш, материални мухокама қилиш, нуқтаи назар ва ўз фикрини ҳимоя қилиш, ўз фикрларини кенг ва аниқ баён этиш кўнижасига одатлантиради.

**Кўйима шаклдаги семинар.** Бу маърузалар мухокамаси, эркин сўзга чиқишилар, шунингдек мунозарали мухокамаларнинг бирикмасидир.

**Семинарда савол-жавобли ўқитиш техникаси.**

1. Саволни тўғри ифодалаш ва сўнгра савол бериш. Улар ўзаро мантиқан алоқага эга бўлиши керак.

2. Мазмун ва шакли бўйича саволлар талабаларнинг ривожланиш даражасига мос келиши зарур – осон саволлар фаол билиш фаолиятини уйғотмайди.

3. Ҳар бир саволни барча ўқув гуруҳига берилади ва ўйлаб бўлингандан сўнг жавоб бериш учун талабалардан бири чақирилади.

4. “бақириб” жавоб бераётган талабаларни рағбатлантирилмайди.

5. Кўпроқ фаол иштирок этмаётганлардан сўралади, қолганларга ноаниқ жавобларни тўғрилашга ёки тўлдиришлариги имкон бериш керак.

6. Узоқ бўлган саволлар берилмайди. Агарда берилган саволга ҳеч бир талаба жавоб бераолмаса, саволни бошқатдан ифодалаш, қисмларга бўлиш ёки йўналтирувчи савол бериш керак.

### **Амалий машғулот**

Амалий машғулот - ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий шаклларидан бири бўлиб, ўқитувчи раҳбарлигига талабалар томонидан фаннинг илмий-назарий асосларини ўзлаштириш, ижодий фаолияти кўникмасини шакллантириш ва тажриба орттириш, техник воситаларидан фойдаланиш бўйича амалий ишларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш мақсадида ўқув вазифаларни бажаришдан иборат. Амалий машғулотлар уларни бажариш назарий асосини берадиган маъruzадан сўнг амалга оширилади. Айрим ҳолларда назарий материаллар ўрганишни осонлаштириш учун лаборатория (амалий) ишлар маъruzадан олдин ҳам келиши мумкин, зарур назарий билим ва бу маълумотларни ўз ичига олган маҳсус таълим нашрларга мурожаатлар тақдим этилади. Амалий (лаборатория) дарслари давомида талабалар оралиқ ёзувларни олиб боради ва дарснинг якунида ёзма хисоботини текшириш учун ўқитувчига тақдим этади.

### **Амалий машғулотларининг мақсад ва вазифалари:**

**Мақсади:** реал амалиётга яқин шароитларда талабаларнинг билим фаолиятини бошқариш.

### **Вазифалари:**

- аниқ амалий муаммоларни ҳал этиш жараёнида талабалар билимини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва кенгайтириш;;
- билимларни, мустақил фикрлаш, талабалар ижодий фаолиятини ривожлантириш;
- мустақил равища олинган маълумотларни мантиқий изоҳлаш қобилиятини ривожлантириш;
- муайян фаннинг янги усуллар ва методикасини эгаллаш;
- таълимнинг жамоавий ва индивидуал шаклларини оқилона бирлашмасини таъминлаш.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш шакллари:**

- амалий машқлар;
- тренинглар;
- типик масалаларни ечиш;
- вазиятли муаммоларни ҳал этиш;
- реал масалаларни моделлаштириш;
- бизнес ўйинлар;
- ролли ўйинлар;
- ўйинли лойиҳалаштириш;
- имитацион машқлар;
- аниқ вазифалар билан (ташкилотлар, муассасаларга) чиқиши машғулотлари;
- машғулотлар-танловлар.

### **Амалий машғулотнинг сифатини баҳолаш мезонлари**

- Амалий машғулот мазмунини баҳолаш
- Амалий машғулот ўтказиш услубини баҳолаш
- Амалий машғулотни ташкил этилганлигини баҳолаш
- Амалий машғулотда талабалар ишига раҳбарликни баҳолаш
- Ўқитувчининг амалий машғулотини ўтказиш қобилиятини баҳолаш

➤ Амалий машғулотининг натижавийлиги ва самарадорлигини баҳолаш

### **Назорат саволлари**

1. Маъruzанинг қандай турлари мавжуд
2. Маъруза шаклида таълим беришнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Маъruzанинг сифатини баҳолаш мезонлари.
4. Семинар машғулотнинг сифатини баҳолаш мезонлари.
5. Семинар машғулотининг дидактик мақсадлари нималардан иборат.
6. Таълим берувчи семинарни самарали ўтказиш учун нималарни ҳисобга олиш зарур.
7. Семинар турлари ва уларнинг хусусиятлари.
8. Амалий машғулотларининг мақсад ва вазифалари.
9. Амалий машғулотларни ташкил этиш шакллари.
10. Амалий машғулотнинг сифатини баҳолаш мезонлари.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтахўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иктисод”, 2008. – 208 б.
2. Абдуқодиров А ва б. Таълимда инновацион технологиялар. Ўзбекистон Республикаси президентининг “Истебдод” жамғармаси – Т.: “Иктисол – молия”, 2008. – 181 бет.
3. Бикбаева Н.У ва бошқалар. ”Бошланғич синфларда математика ўқитиши методикаси” – Т.: “Ўқитувчи”, 2007. – 208 б.
4. Жумаев М.Е., Таджиева З. “Бошланғич синфларда математика ўқитиши методикаси” Т.: Фан ва технология, 2005, 312 б.
5. Йўлдошев Ж., Усманов С., Педагогик технология асослари. Т.: “Ўқитувчи”, 2000.
6. Қосимова К., Матчонов С., Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Сариев Ш. Она тили ўқитиши методикаси. – Т.: Ношир, 2009. – 163 б.
7. Мавлонова Р.А, Санакулов Х.Р, Ходиева Д.П. Мехнат ва уни ўқитиши методикаси. – Т.: ТДПУ, Ўқув қўлланма. 2007.

## **4.2. Мавзу: Мустақил таълим ва уни ташкил этиш методикаси.**

**Режа:**

1. Бошланғич таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.
2. Мустақил таълим фаолияти даражалари мезонлари

**Таянч тушунчалар:** мустақил таълим, мотивацион, реконструктив, эвристик, ижодий, синтез.

### **Бошланғич таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.**

«Мустақил таълим»-тушунчаси педагогик лугатларда-ўқув юртидан ташқари, мустақил ўрганиш туфайли эгалланадиган таълим туридир, деб таърифланган. Айни вақтда «Мустақил таълим олиш», «Ўзини тарбиялаш», «Мустақил ўқиши» тушунчаларидан синонимлар сифатида фойдаланилмоқда.

Педагог олим А.К.Бушлянинг фикрича, «Мустақил таълим–бу таълим олишнинг алоҳида тизимли ёндашишга асосланган мустақил ишлар йиғиндисидир».

**Мустақил таълим** – талабаларга берилган мураккаблик даражаси билан фарқланмайдиган топшириқлар, амалий вазифаларни аудиторияда ва аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажаришлари натижасида уларда назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган фаолият деб тушунишимиз мумкин. Бунда улар бажарган мустақил ишлар дидактик мақсади, шахсий ёки жамоага мўлжалланганлиги, ўзлаштириш усуслари, шаклига бажариш ўрнига қараб фарқланади. Талабаларда мустақил онгли фаолиятини шакллантириш таълим жараёнида муҳим омил ҳисобланади. Унинг назарий, амалий, илмий, методик ва педагогик асослари таҳлил қилинса ва мустақил таълимининг энг самарали шакллари, воситалари танланса онгли мустақил таълим фаолиятини шакллантиришда ижобий натижаларига эришиш мумкин. Бунда ўтиладиган мавзунинг амалиёт билан узвийлиги, илмийлиги ва материалларнинг қизиқарлилиги, мавзуларнинг тизимлилиги, топшириқ ва вазифаларнинг кўп қирралилиги, ўзаро боғлиқлиги муҳимдир. Аммо энг асосийси талабаларни мустақил онгли фаолиятини шакллантиришда уларнинг интилиш ва қизиқишлигини ҳисобга олиш, талабалар эгаллаган билимларини амалиётда қўллай олишлари, талабаларни ижтимоий фойдали, тарғибот–

ташвиқот ишларида иштирок этишларини таъминлашдан иборат. Педагог олим А.К.Бушля «мустақил иш» терминини аниқлаштириб, шундай қўшимча қиласди: «Мустақил иш кўпгина ҳолларда мустақил таълим даражасига ета олмаслиги мумкин».

Мустақил таълим бевосита мустақил фикрлаш билан боғлик бўлганлиги сабабли мустақил фикрлашга берилган таърифга ҳам тўхталиб ўтсак: «Мустақил фикрлаш - инсоннинг ўз олдида турган муаммони мақсад ва вазифаларни белгилаган ҳолда ўз билими ва ҳаётий тажрибаларига таяниб турли йўл, усул, воситалар ёрдамида, ўзининг интеллектуал имкониятлари даражасида мустақил равишда ҳал қилишдан иборат бўлган ақлий фаолиятидир».

Ёшларнинг мустақил иш бажариш кўникмаларини шакллантириш турли ўқув предметларида ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан: математик олимлар С.И.Демидова ва Л.О.Денишевалар мустақил таълимга қуидагича таъриф беришган:

«Мустақил ўқув ишлари ўқувчиларнинг ўқитувчи томонидан фаол ташкил этилган, олдига қуйилган дидактик мақсадларни бажаришига йўналтирилган ва шунга маҳсус ажратилган вақт тушунилади. Билимларни қидириш, уларни англаб етиш, мустаҳкамлаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш билимларини умумлаштириш ва тизимлаштириш жараёни тушунилади».

Бу таърифда фаолиятнинг мавжуд хусусиятлари: фаолиятлилик, тизимлилик, мақсадга йўналганлик, мустақиллик ҳақида сўз юритилган. Бироқ мустақил таълимнинг бир жиҳати сифатида мустақиллик тилга олинган. Мустақил тафаккур таълимнинг бир қисми бўлиши мумкин.

Бўлажак бошланғич таълими йўналиши бакалавр ўқитувчиларида педагогик мустақил билим олишга қизиқиш, талаб ва қобилиятни педагогик маданиятни такомиллаштиришга чорловчи омил сифатида шакллантириш лозим. Муаммони ҳал этишнинг педагогик жиҳати-бошланғич таълими йўналиши талабалари бўлажак ўқитувчи бакалаврлардан педагогик

такомиллашишини, касбий ўқитишни чукурлаштириши, педагогик малакасини оширишни талаб қилади.

Бошланғич таълими йўналиши талабаларини кузатиш давомида маълум бўлишича онгли қизиқиш мустақил фаолиятга ундовчи, ҳаракат уйғотувчи куч бўлиб ҳисобланади.

Айнан касбий фанларга онгли қизиқиш бошланғич таълим йўналиши талабаларида амалий машгулотларда мустақил англаш, тафаккурни шакллантириш ва кенг, чукур идрок эта олиш жараёнларига интилишни уйғотади. Бошланғич таълим йўналиши талабаларининг мустақил таълимга **мотивациян** муҳитлари бошқа манбалар, касбга бўлган қизиқишлардан шаклланади. Касбларга бўлган интилиш асосида, янгиликка йўналтирилган интилиш жараёнида мустақил таълимга эҳтиёж вужудга келади. Касбдаги қониқишигина шахсни ўз устида ишлаш, билимларга янгича ёндашувга мажбур этади. Онгли қизиқиш-мустақил фаолиятнинг энг муҳим кўрсатгичи, юқори даражасидир. Бунда эса фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар маҳоратининг даражасига боғлиқдир. Фақат шундагина ўқувчиларда у ёки бу фан ёки касб мутахассисликка қизиқиш шаклланади. Ўқувчилар барча касб сирларидан хабардор бўлишлари учун вақт етишмасада уларда қизиқишга илк қадам қўйишиларида ўқитувчи берадиган маълумотларнинг аҳамияти каттадир.

Талабаларнинг мустақил таълимига методик жиҳатдан раҳбарлик қилишда уни ривожлантириш йўлларини ўрганиб чиқиш давр талабидир. Энг барқарор рағбатлантириш усули бу касбий меҳнат ҳамда ишга ижодий ёндашув фаолиятидир. Ёшлиарни турли-туман амалий, ижтимоий, ташкилий, ижодий фаолиятга жалб этиш ҳам мустақил таълим самарадорлигини ошириш омилидир.

### **Мустақил таълим фаолияти даражалари мезонлари**

Мустақил таълим жараёни қандай амалга оширилиши, унинг ривожланиши, ўзлаштирилган билимлар асосида **мустақил таълим фаолияти даражаларини қўйидагича мезонлар** билан белгилаш мумкин:

- мақсадга йўналтирилган, мотивацион мухитга асосланган мустақил таълим;

- мустақил тафаккур жараёнини таъминловчи кўникмалар;

- мустақил таълим фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган кўникмалар;

Тафаккур кўникмаларнинг даражаси ўта фаол ҳаракатли бўлади. Бунда талаба мустақил тафаккур билан ўзининг биринчи қадамларини қўяди. Ўқув фанлари мақсадини, уй вазифаларини теран англайди. Уларни бажарища кўшимча адабиётларга мурожаат қиласди, ўтилган мавзуларни қайта кўриб чиқади. Кўпгина талабалар уйга берилган маъруза матнлари устида ишлайдилар, маърузалар, рефератлар тайёрлашда илмий – оммабоп, даврий нашрлардан фойдаланадилар. Талабалар тафаккури кўникмаларини ривожлантиришнинг қуи даражаси асосан қийинчилик билан кечади. Барча талабалар бу даражада мустақил таълимни ўқитувчи раҳбарлигида амалга оширадилар. Уларда ташкилий кўникмалар даражаси юқори бўлмай, улар ўз олдиларига онгли вазифалар қўя олмайдилар, уларни ҳал этиш учун воситалар танлай олмайдилар. Айниқса бунда мустақил иш топшириқларининг мураккаблик даражаларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Ўқув педагогик масалаларни еча билиш малакали шахснинг умумий ҳолати билан ифодаланувчи, унинг онги, фикрлаш усули, касбий нуқтаи назари ва йўналишини кўрсатувчи умумкасбий малакадир. Шахснинг йўналганлиги аниқ воқелик сабабий-қадриятли муносабат мазмунида намоён бўлади. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни ҳал этиш асосида талаба бўлажак касбий фаолият муаммоларини ҳал этиш усулларини эгаллайди.

Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар дидактикада мустақил таълим даражасини оширувчи бошқарув, рағбатлантириш, ташкил этиш ва назорат воситалари сифатида қаралади.

Талабанинг ўқув фаолиятига нисбатан ўқитувчи томонидан муайян талабларнинг қўйилиши уларнинг мазмунини бойитади. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни берилиш шакли эса

олдин ўзлаштирилган намуна бўйича хulosалар чиқаришни кўзда тутувчи бошқарув топшириқлари ва масалаларининг бажарилиши саналади.

Бизнинг фикримизча, педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар ва масалаларда автоном ҳолда мустақил билим олишга ўтиш учун катта имкониятлар мавжуд. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар мустақил билим олишни амалга оширишга имкон берувчи топшириқлар тўпламини яратиш учун асос бўла олади.

Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар объектив, аниқ педагогик ва ишлаб чиқариш муаммоларини акс эттиради. Ўқитувчи ўрганилаётган педагогик ҳодисалар ва ишлаб чиқариш жараёнининг ўзаро зид хусусиятларини акс эттириш учун муаммоли вазиятдан фойдаланса, у ҳолда объектив муаммо ўқув муаммосига айланади. Талабалар учун тушунарли бўлган ўқув педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни муаммолари ўқув топшириғи саналади.

Ўқув муаммоси фикрлаш фаолиятини фаоллаштиришга имкон беради, бироқ уларнинг ҳар бири ҳам илмий даражада педагогик ва психологик тушунчаларни мустақил шакллантиришга олиб келмайди. Шу боис педагогик, техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни ишлаб чиқища ўқув муаммоларининг дидактик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Топшириқ тўғри ифода этилса, уларни талаба томонидан қабул қилиниши ва ўқув фаолиятига нисбатан қўйилувчи талаблар тўплами сифатида эътироф этиш мумкин.

Мустақил билим олиш технологиясига мувофиқ педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни ишлаб чиқиш қоидалари қуидагилардан иборат:

- педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар ҳақиқий педагогик ва ишлаб чиқариш вазиятлари билан боғлиқ муаммоларга эга бўлиши керак;
- муаммоли вазиятли топшириқлар асосини ташкил этувчи муаммони ҳал этиш тушунчаларини юзага келтирувчи ақлий фаолиятни турли усуслар

(анализ, синтез, таққослаш, солишириш, умумлаштириш ва х.к) ёрдамида амалга оширишни кўзда тутади;

–муаммоли вазиятли топшириқлар исботини аниқлаш ва талабалар онгидা, ҳодисалар ва жараёнлар ўртасида мустаҳкам боғлиқликни мустаҳкамлаш асосида тушунчаларни юзага келтириш имкониятларини кўзда тутиши лозим;

– муаммоли вазиятли топшириқларни бажаришнинг яхлит ифодаланган ёки ифодаси топшириқ шартларини ташкил этувчи бир неча оддий тушунчалардан субъект томонидан ҳали ўзлаштирилмаган янада мураккаброқ тушунчани келтириб чиқариш имконини беради;

– муаммоли вазиятли топшириқларни бажариш жараёнида оддий тушунчалар ёки субъектга маълум бўлмаган тушунчалар билан ёки бир-бири билан таққосланади;

– тушунчаларни таққослашда субъект фикрлашнинг турли: анализ, синтез, солишириш, таққослаш, техник обьектлар орасидаги умумийлик, типиклик ва хусусийликни топиш амалларини бажаради;

–муаммоли вазиятли топшириқларни бажаришда субъект қуйидаги амалларни бажаради:

– тушунчаларнинг шакли ва мазмунини ўзгартирмасдан қайта ишлаб чиқади;

- тушунчалар шаклини ўзгартириб, уларни қайта ишлаб чиқади;

- илгари ўзлаштирилган тушунчалардан расмий-мантикий фикрлаш усулларидан фойдаланиб, уларни қайта ўзгартиради;

- назарий фикрлаш асосида янги тушунчалар шаклланади.

Одатда педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар талабалар эътиборига дарҳол уни ҳал этиш мумкин бўлган масала кўринишида ҳавола этилади. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар мазмунида акс эттирилган муаммо, кўпинча, амалий ҳаётда учраб туради. Талабалар уларни шундай қайта ифодалашлари керакки, мавжуд тажрибаларга таяниб, ечимга эришиш имконини берувчи шартларни реал вазиятдан ажратиб олсинлар.

Талабаларга масалаларни бундай кўринишда таклиф этиш, ўқув-педагогик ёки ишлаб чиқариш жараёни муаммоли вазиятларда шартларни излаш ёки ифода этиш жараёнида субъектлар томонидан ташкил этилувчи интеллектуал фаолиятни гўёки талабалар ўрнига ўқитувчи амалга оширгандек бўлади. Мустақил ўқишида шартлар олдиндан маълум қилинмайди.

Агарда ўқитувчи томонидан масалага айлантирилган ўқув топшириқларини бажариш жараёнида талаба ечим йўлини топа олмаса, у ҳолда у аниқ вазиятга дуч келиб, ушбу вазиятни педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни муаммосининг ечимини излашга имкон берувчи ҳолатга айлантира олмайди. Масалани ечиш маълум дидактик вазифаларга қатъий амал қилишни тақозо этади. Масала шартлари аввалдан тузувчи томонидан белгилаб қўйилганда, талабадан вазиятни қайта ўзгартириш малакасини намойиш қилиш талаб этилмайди. Шу боис талабалар билимларини бошқа вазиятга кўчириш ва уларни амалда кўллашда қийинчиликлар хис этадилар.

Тажриба ишлари ўқувчилар, касб-хунар коллажлари ва педагогик университетлар талабаларининг масалани ечишда, тахминан бир хил даражада эканликлари, бироқ ўқув-педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни муаммолари шартини ифода этишга тайёр эмасликларини кўрсатди.

Мустақил билим олишда кўпроқ шартлари ифода этилмаган топшириқларни бажаришга тўғри келади. Масалани ечар экан, талаба шартларни ўзгартириш қонунлари билан танишади, аниқ бир муаммони таҳлил қилиш ва ўқув-педагогик ёки техник-технологик масалани бажаришда мавжуд кўнишка ва малакалардан фойдаланади.

Ўқув муаммолари ёрдамида педагогик-психологик ва техник технологик тушунчаларни шакллантириш талабаларга мустақил равища муаммо белгиларини аниқлаш, муҳим маълумотларни иккинчи даражали маълумотлардан ажратиб олиш ва қўшимчаларни излаб топиш имконини беради.

Бундай педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни қўйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Шартлари ифода этилган, лекин ечиш учун зарур бўлган барча маълумотлар берилмаган масалалар. Улар назарий ва амалий масалалар тарзида икки гурухга ажратилади. Амалий масалалар ҳақиқий педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни билан узвий боғлиқ бўлади. Бундай масалаларни ечишда фақатгина ақлий фаолият, билим, малака ва кўникмаларгина эмас, балки сенсор ва ҳаракатлар фаоллигига эришиш талаб этилади. Бу масалалар мустақил билим олиш технологияларининг амалиёт билан узвийликни таъминлашга ёрдам беради.

2. Ўзлаштирилмаган билим, ҳаракат ва операцияларга дуч келинмайдиган масалалар. Улар аввал ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш, уларни янги вазиятларда кўллаш, фикрлаш малака ва кўникмаларини эгаллаш ҳамда мавжуд билимларни мустаҳкамлаш учун мўлжалланган.

3. Саволлар-янги билимларни қабул қилиш ва ўзлаштиришга тайёрликни аниқловчи восита. Саволларда қуидаги икки жиҳат кўзга ташланади: мавжуд билимларини текшириш ва мустақил хulosага келишга йўналтириш. Саволлар репродуктив ва продуктив тарзида икки гурухга бўлинади. Репродуктив саволлар хотирани мустаҳкамлаш, продуктив саволлар эса фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қиласди. Улар субъектларга ақлий ҳаракатларни ўзлаштиришга ёрдам беради, шунингдек, анализ, синтез, таққослаш, солиштириш, умумлаштириш муҳимини ажратиш, мустақил равишда хulosаларга келиш ва амалий қарорларни қабул қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Талабалар педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар ёрдамида педагогик ҳодисалар, техник обьектлар, технологик жараёнлар ўртасидаги турли хусусият ва боғлиқликларини аниқлайдилар (таҳлил ва умумлаштириш қўринишидаги ҳаракатларни амалга оширадилар), уларни ўзаро солиштирадилар, таққослайдилар, бу ҳодиса, жараён ва обьектларнинг умумийлиги ва ўзига хос муҳим хусусиятларини кўрсатадилар. Ўқув топшириқлари аста-секин мураккаблаштириб борилади. Энг яхши тайёргарликка эга бўлган иқтидорли талабалар ижодий ва изланиш хусусиятига

эга бўлган мураккаб топшириқларни бажарадилар. Камроқ тайёргарликка эга бўлган талабалар, соддароқ топшириқларни бажарадилар, лекин шунга қарамасдан, топшириқлар устида ишлаш уларга умумий масалани ҳал этишда гурӯҳ билан бирга ишлашга имкон беради. Мураккаб топшириқларни бажариш баъзи талабаларга педагогик-психологик ва техник-технологик тушунчаларини илмий даражада дархол ўзлаштириш имконини беради.

Бу даражадаги талабалар учун ҳаракат қилиш, ривожланиш, мустақил фаолиятга мақсадли йўналганик, тизимли равишда иш юритиш ўқув фанига ва мустақил ишга такомиллаштирилган методик қўлланмалар асосида ўз қизиқишлирини, билимларини чуқурлаштиришга интилиш хусусиятлари хос бўлади. Талабалар кўпинча дарсликда берилган метериални онгли ўзлаштиrmай, фақат ёдда саклаб қоладилар ва ўқитувчига гапириб берадилар. Бундай талабалар касбий-фаолиятда ҳам фақат топшириқ асосида ишлашга ўрганиб қоладилар. Улар берилган «Намуна» асосидагина иш юритадилар. Натижада фаол мустақил тафаккурга эга бўлишга интилмайдилар. Бу қуйидаги хulosаларда ифодаланади: ўқитувчи уларнинг мураккаб материални тушунтириб беради; талаба тайёр материал асосида иш кўради, янада мураккаброқ материал устида ишламайди. Ўқитувчи китобда ёзилгандан кўра оддийроқ, тушунарлироқ тилда тушунтириб беради.

*Мустақил таълим олии фаолиятининг биринчи босқичида* фанларга бўлган қизиқиш асосий манба бўлади. Бироқ бу қизиқиш унчалик қатъий ва чуқур бўлмайди. Бунда ҳам мақсадга йўналтирилган, тизимли, маҳсус ташкилий, мустақил таълим фаолияти мавжуд эмас. Фақат китоблар ўқиши, маҳсус маъruzалар тинглаш, мустақил тафаккур фаолиятига интилиш бўлади. Шахснинг қизиқишлиари ҳам мужассамлашмаган, у ҳам кўплаб қўшимча, кенг миқёсли ишларини амалга оширади, бироқ буларни узвий равишда эмас, балки баъзан ва чуқур билимига эга бўлмай амалга оширади.

*Мустақил таълим фаолиятининг иккинчи босқичида* талаба мустақил (албатта, нисбатан) ўз олдига мақсад ва вазифалар қўйиб, мазмунини англаб, ташкилий ишларни амалга ошириб борадилар. Бу даврда талабалар шахсий-

ҳаётий режалар, ғояларни амалга ошириш воситаси сифатида касбий вазифаларни ҳал этади. Иккинчи босқичда қизиқишлиар жиддийлашади, фаннинг алоҳида қисмини ўрганиш, бу орқали ўз ҳаётий режаларини тузиш, бирор касбни эгаллашга бўлган қатъий истак асосий ўрин тутади. Онгли равишда қўшимча фаолият бошланади, ўз ғояларини амалга ошириш воситасига айланган мустақил таълим билан шуғулланилади. Мустақил таълим онгли равишда ташкил этилган, тизимли тус олади, унинг марказида мустақил тафаккур шаклланиб боради. Биринчи ва иккинчи даражалардаги мустақил таълим мазмунини таққослаганда улардаги фарқ турлича манбалардан фойдаланиш ва ҳар хил шаклларда амалга оширилиши билан ажралиб туради. Улардаги турли-туманлик ўз мустақил тафаккурини шакллантиришдаги барча эҳтиёжларни таъминлашга қаратилгандир.

*Мустақил таълим фаолиятининг учинчи босқичида талабалар мустақил таълим билан бир неча йил шуғулланиб, ўз касбий мақсадлари, харакатлари, вазифаларини аниқ белгилаганликлари билан фарқланади.*

Мустақил билим олиш даражасини баҳолаш ўз-ўзини баҳолаш ва ўқитувчи томонидан баҳолаш асосида қиёсланади.

Талабаларни мустақил ишга тайёрлашда ўқитувчиларнинг роли, айниқса, катта бўлади. Ўқитувчи мустақил иш мавзусини талабанинг имкониятига, билим даражасига мослаб, талабада шу ишга нисбатан қизиқиши уйғотадиган ва мустақил фикр юритишга мажбур қиласидиган қилиб белгилаш лозим ва бу ишни бажариш учун зарур бўладиган барча маълумотларни бера билиши, методик қўлланма, ишни бажариш тартиби керак бўлганда саволжавоблар уюштиришни, маслаҳаталар бериши ва шу мавзулар бўйича экскурсиялар ташкил қилиш зарур.

Бакалавр ўқитувчи тайёрлаш ўқув режасига кирган таълим дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилган. Барча турдаги бакалавр ўқитувчи тайёрлаш ўқув юкламасининг энг юқори хажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланган. Шундан аудитория ўқув ишлари хажми ҳафтасига

32 соат, қолган қисми яъни 22 соати эса аудиториядан ташқари мустақил таълим олишга қаратилган. Бошланғич таълими йўналишида бакалаврлар тайёрлаш ўқув юкламанинг умумий ҳажми 7290 соатни, шундан мустақил иш 2432 соатни, мустақил таълим 678 соатни ташкил қиласди. Бундан кўриниб турибдики, бакалавр даражасидаги кадрларни тайёрлаш учун ўқув режасидаги 30-35 % ҳажми мустақил таълим олишга қаратилган.

Мустақил ишни бажаришда талабалар фанлараро боғланишни хисобга олиб, адабиёт танлайди, улардан керакли маъruzаларни ёзиб олади, бошланғич маълумотларни таҳлил қилиб, мустақил ишнинг мазмунини ўрганади ва шу иш бўйича бирор тушунчага эга бўлади.

Берилган масаланинг бир қисмини аудиториядан ташқарида (кутубхона, лаборатория хонаси ва бошқалар.) ҳам мустақил ишлашга рухсат қилинади. Мустақил иш дастурини белгилашда маъruzada ўтилган мавзуларнинг такрорланишига йўл қўйилмаган ҳолда, талаба учун илмий ва амалий муҳим, ўрганган ва ўрганаётган билимлардан ижодий фойдаланиш мумкин бўлган саволлар ва масалалар қўйилади. Мустақил ишлаш учун берилган тавсиялар (1-илова) берилган бўлиб, ушбу тавсиялар асосида талабалар мустақил ишлашларини ташкил этишса мақсадга мувофиқ бўлади.


Ўқув дастурининг берилган бўлими бўйича талабаларнинг мустақил тайёргарлиги тугагач, фикр алмашувида талабалар ўқиб ўрганган адабиётларидаги асосий, қизиқарли масалалар ўртага ташланади ва фанлараро боғланиш, таҳлили, бу тўғридаги ўз фикрлари ва ҳакозалар ҳақида тартиб билан маъруза қиласди. Берилган масала бўйича фикрлашуви ва тортишувида фаол иштирокига қараб, ўқитувчи талабаларни баҳолайди.

Бошланғич таълими педагогикасига оид адабиётларда мустақил ишларнинг қуйидаги турлари қайд қилинган:

- намуналар бўйича мустақил ишлар;
- реконструктив – вариатив мустақил ишлар;
- эвристик (қисман ижодий) мустақил ишлар;
- ижодий тадқиқот мустақил ишлари.

Ушбу мустақил иш турларига биз яна мустақил таълимнинг натижасини баҳоловчи дидактик синтез элементини қўйшик ва қўйидаги ҳолатга келтирдик.

### **Мустақил ишларнинг турлари.**



- Намуналар бўйича мустақил ишлар типик вазифаларни, турли машқларни намуна асосида ечишdir. Улар материални ўзлаштиришга омил бўлади, лекин талабаларнинг ижодий фаоллигини ўстирмайди.
- Реконструктив-вариатив мустақил ишлар нафақат билимларнинг амалий тавсифномасини, балки билимлар тузилмасини қайта ишлаб чиқишни, масала, муаммони ечишда мавжуд билимларни жалб қилишни кўзда тутади.
- Эвристик мустақил ишлар маъruzza, лаборатория, амалий машғулотлар, семинарларда кўйилган айrim масала, муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқdir. Тадқиқий мустақил ишлар тадқиқот муаммосини кўра олиш малакасини, уни мустақил ифодалай олиш, фаразни белгилаб олиш, муаммонинг ҳал қилиниш режасини ишлаб чиқиш, уни ҳал қилишни мўлжаллайди.
- Ижодий тадқиқот ишлари. Бундай ишларда вазифа муаммоли вазиятнинг юзага келишини тақозо қиласидиган шароит яратишдан иборат бўлади. Талаба ўз фаолиятида тайёр намуналардан озод бўлган ҳолда

масаланинг ҳал қилиниши йўлларини қидиради, тадқиқ қилади. Бундай ишлар сирасига эксперемент қўйиш, жиҳозлар, макетлар ва дастгоҳларни лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган вазифалар киради.

- Дидактик синтез. Талаба ўз-ўзини танқидий назорат қилган ҳолда эгалланган ёки ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малака элементларини таҳлил қилиб таълим мақсадларига қай даражада эришганлигини аниқлайди. Мустақил ишларнинг ижодий баркамолликдаги самаралари ҳақида хуносалар чиқаради.

Бошланғич таълими йўналиши талabalарининг мустақил таълим олиш фаолияти билим олиш жараёнларини ва амалий фаолият олиб боришни, технологик жараён ва техник объектларни танлаш жараёнини, ижодий фикрлаш жараёнларини жадаллаштиради, юксак ақлий ривожланишнинг асосий шарти сифатида мустақил ва фаол фикрлашни шакллантиради.

Бўлажак бошланғич таълими бакалавр ўқитувчиларининг мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантиришни қўйидаги йўллар асосида тартибга келтирдик:

- ўқув фаолиятида инсон объектив борлиқни ўрганишда, ўзининг ҳаётий тажрибасини бойитишда, табиатга таъсир қўрсатиш воситаларини билиб олишда шу билан бир вактда ўзининг қобилиятларини ривожлантиришда ёрдам берувчи идрок этиш малакаси муҳим роль ўйнайди.

- талabalар амалий фаолияти жараёнида керакли билим, кўникма ва малакалар эгаллашлари, бу жараёнда ўқитувчи кузатишга, ўз кузатишларини тажрибалар йўли билан текширишга, ўқув адабиёти билан ишлашга, фан маълумотларидан қундалик ҳаётида фойдаланишга ўрганади.

Бошланғич таълими ўқитиши методларидан талabalарда мустақил таълим олиш малакаси шаклланганлик даражасини аниқлашда фойдаланиш мақсадга мувоғиқ бўлади.

Уларни шартли равищда қўйидаги номлар билан аташ мумкин:

1. Ўқув материалларини ўрганишда ва мустақил иш жараёнини ташкил этишда умумийдан муҳимларини ажратиб олиш малакаси (ажратувчи

малака); 2.Мустақил иш бажарилиши жараёнида технологик жараёнларни ва техник объектларни танлаш, ўқиши, ёзиши, чизиш, схемалар тузиш малакаси (тузиш малакаси); 3. Аудиторияда, аудиториядан ташқарида, ўкув устахонасида ва уйда мустақил ишларни самарали ташкил этиш малакаси (ташкил этиш малакаси); 4. Мустақил фикрлаш малакаси (фикрлаш малакаси); 5. Материални ўрганишда ўз-ўзини назорат қилиш малакаси (назорат қилиш малакаси).

### **Назорат саволлари**

1. Бошланғич таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.
2. Ўқитиши жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги.
3. Реконструктив-вариатив мустақил ишлар
4. Эвристик (қисман ижодий) мустақил ишлар
5. Ижодий тадқиқот мустақил ишлари.
6. Мустақил ишларнинг турлари.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Муслимов Н.А., Кўйсинов О.А. Касб таълими йўналиши бакалаврларини тайёрлашда мустақил таълимнинг аҳамияти // Мактаб ва ҳаёт. –Тошкент, 2004. -№ 1. – Б. 18-20.
2. Муслимов Н.А., Кўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2006. - 46 б.
3. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Кўйсинов О.А. Ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим интеграцияси. Методик қўлланма.-Т.:Низомий номидаги ТДПУ. 2006. - 476.

#### **4.3.-Мавзу. Мутахассислик фанларидан курс ишини тайёрлаш методикаси.**

**Режа:**

1. Курс ишига мавзуу танлаш.
2. Курс ишининг мазмунни.
3. Курс иши бўйича маълумотлар тўплаш, библиографияни тайёрлаш, адабиётларни ўрганиш.
4. Йиғилган материалларни қайта ишлаш.
5. Курс ишини расмийлаштириш тартиби.
6. Курс ишига тақриз ёзиш ва ҳимоя қилиш.
7. Баҳолаш тартиби ва мезонлари.

**Таянч тушунчалар:** курс иши, талаб, битирув малакавий иш, магистрлик диссертация, узвийлик, узлуксизлик дарс ўтиш методикаси, дарсни ташкил этиш, дарс режаси, календарь мавзули режа, конспект, тарқатма материаллар, тест сўровномалари, жадваллар, расмлар, технологик харита, схемалар.

#### **1.УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

Курс иши талабанинг университет ўқув режасида кўзда тутилгаи фанларни мустақил ўрганишга ва шу асосида кейинги босқичларда битирув малакавий ишларини олиб боришга мўлжалланган.

Курс ишини ёзиш ва ҳимоя қилиш педагогик жараённинг муҳим босқичи бўлиб, талабаларнинг назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтириш, мавзуларга мос тавсиялар ишлаб чиқариш ва ўрганган билимларидан фойдаланиш мақсадларини кўзлайди.

Курс ишини ёзиш олий ўқув юрти талабасида мустақил фикр юритиши кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қиласи, ишлаб чиқилаётган тавсиялар муаммо ва камчиликларни ечишда ижодий изланишлар ҳамда тажрибалар ўтказиш имконини беради, хозирги замон фан-техника тараққиёти ва таълим-тарбия жараёнини ривожланиши талабанинг мустақил ишлаш, мустақил фикрлаш, мустақил изланиш лаёқатини ва тайёргарлигини оширади.

Курс иши мавзулари бугунги кун талаби асосида бажарилади. Курс ишида илмий тадқиқотга хос хусусиятлар жамланиши, амалиётта татбиқ этиш учун аниқ тавсиялар ифодаланиши лозим.

Курс ишига илмий раҳбарликни кафедра ўқитувчилари ёки кафедра мудири томонидан тайинланиб, университет ректорининг буйруги билан тасдиқланиб, бу ишга кафедранинг барча профессор – ўқитувчилари жалб этилади.

## **2. КУРС ИШИГА МАВЗУ ТАНЛАШ**

Талабалар кафедрада мавжуд курс ишларининг намунавий мавзулар рўйхатини диққат билан қўриб чиқиб, ўзларига маъқул мавзуни танлашлари ва бу ҳақда кафедра журналига кайд эттиришлари лозим. Шунингдек, талабалар илмий раҳбар билан келишган ҳолда ўз тадқиқот мавзуларини ҳам таклиф этишлари мумкин.

Танланган мавзу замонавий, бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бўлиши керак. Бундан ташқари танланган мавзу бундан кейинги бажариладиган илмий тадқиқот ишларининг давомийлигини таъминлаши керак. Курс ишини ёритиш жараёнини шартли равишда қўйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

- 1) мавзуни танлаш, илмий раҳбардан (ўқитувчидан) маслаҳат олиш ва ишнинг дастлабки режасини тузиш;
- 2) тадқиқот мавзусига доир илмий маълумот йиғиши ва адабиётларни ўрганиш;
- 3) масаланинг таркибий қисмлари таҳлили, мавзу баёни;
- 4) курс ишини расмийлаштириш, кафедрада рўйхатдан ўтказиш ва уни тақриз учун тақдим этиш;
- 5) тақриз билан ишлаш ва кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш;
- 6) Умумий ҳолда курс иши тайёр бўлганда факультет деканати рўйхатидан ўтказиш;
- 7) курс ишини ҳимоя қилиш.

Мавзуни танлаш талабада ўтилган барча фанлар бўйича йиғилган билимлар билан белгиланади. Ушбу ҳолда хатога йўл қўйилиши мумкин, чунки бир қаращдан анча осон кўринган мавзу, уни тадқиқ этиш ва ўрганиш жараёнида юқори даражадаги назарий билимларни талаб этиши маълум бўлади. Мавзуни танлашда амалий машғулотларни олиб борадиган ўқитувчи талабага услубий тушунтириш беради.

Албатта, курс ишининг барча мавзулари ҳам бир хил даражадаги қийинчиликка эга эмас. Лекин ҳар қандай мураккаб бўлиб кўринган мавзу бўйича ҳам тегишли манбалардан тўғри фойдаланган ҳолда ва улардаги фикрларни малакали таҳдил қилиш орқали муваффақиятли курс иши ёзиш мумкин. Курс иши мавзусининг мазмунига оид бирор бир масала талабага тушунарсиз бўлиб қолмаслиги ва бундай ҳолатда масаланинг ечими мустақил ёки илмий раҳбар ёрдами билан аниқлаштирилиши лозим.

Талаба курс ишига жиддий муносабатда бўлиши, вақтни тўғри тақсимлай олиши, шошилмасдан, режали, тизимли ва муваффақиятли бажариши керак.

Талаба курс иши учун мавзу танлаб бўлгач, уни бажаришга рухсат беришни сўраб кафедра мудири номига ариза ёзади.

Кафедра аризани кўриб чиқади ва курс иши мавзусини талабага биркитиш тўғрисида қарор қабул қиласи ҳамда илмий раҳбарини тайинлайди

### **3. КУРС ИШИНИНГ МАЗМУНИ**

«Умумий педагогика назарияси ва амалиёти» ва «Тарбиявий ишлар методикаси» фанлари бўйича курс иши мазмуни унинг мавзусидан келиб чиқиб белгиланади. Курс иши 3 қисмдан, яъни кириш, асосий қисм, холоса, илова ва таклифлардан иборат бўлади. Курс иши талаба томонидан мустақил ҳолда мантиқий жиҳатдан саводли услубда ёзилган бўлиши керак. Курс ишида режанинг мавжудлиги унда фақат шу мавзуга оид масалаларни ёритишга имкон беради ҳамда материалларни баён қилишда кетма-кетликни, аниқликни ва тақрорлашларга йўл қўймаслик керак.

Мавзуни танлаш ва режани тузиш бир пайтда бўлмаслиги керак. Талаба дастлаб дарсликларнинг тегишли бўлимлари билан танишиб чиқиши, мавзунинг мазмун ва моҳиятини тушуниши ва унинг таълим – тарбия жараёнидаги ўрни ва ролини аниқлаши лозим. Мавзуни ёритиш жараёнида талаба иш режасини тузиши ва бу иш режаси илмий раҳбар билан келишган ҳолда белгиланади. Талаба намунавий режалардан фойдаланган ҳолда унга ўзгартиришлар киритиши ёки ўз режасини таклиф қилиши ҳам мумкин. Шуни эслатиб ўтиш керакки, иш режасини кўп саволлардан иборат тарзда тузиш тўғри бўлмайди. Ҳар бир саволда фақат шу қисмга тааллуқли масалаларни ёритиш лозим. Талаба томонидан тузилган режани илмий раҳбарга кўрсатиш керак бўлади.

Агар мавзу асосида талаба режаларни тузишга қийналса, у вактда курс иши режаси раҳбар томонидан тузиб берилади ва кафедра мудири томонидан тасдиқланади.

Кириш қисмида танланган курс иши мавзусининг долзарблиги ва таълим –тарбия жараёнидаги аҳамияти унинг ўзига хос жиҳатлари асослаб берилади. Шунингдек, киришда курс ишининг мақсади, обекти, предмети, таркиби вазифалари аниқ кўрсатилади.

Курс ишининг биринчи ва иккинчи саволларида ўрганилаётган мавзунинг назарий асослари очиб берилади.

Курс ишини ёритища мавзуга оид барча назарий билимлардан, интерфаол методлардан фойдаланган ҳолатда ёзиш тавсия этилади.

Асосий қисм ўрганилган мавзудаги ташкилий ишларни тақомиллаштириш ва таълим самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар билан тугалланади.

### **3. КУРС ИШИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАР ТЎПЛАШ, БИБЛИОГРАФИЯНИ ТАЙЁРЛАШ, АДАБИЁТЛАРНИ ЎРГАНИШ.**

Курс ишининг муваффақиятли бажарилиши мавзуга оид аниқ ва тўғри илмий маълумотларни йиғиш боғлиқ. Одатда, фан бўйича ўқув дастурларида олий ўқув юрти кутубхонасида мавжуд бўлган асосий манбалар тавсия этилган

бўлади. Манбалар доирасини кенгайтириш учун бошқа кутубхоналар имкониятларидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Курс ишини ёритища мавзуга тегишли бўлган маълумотлардан, монографик адабиётлардан ва турли журналлардан фойдалниш маълумотларни олиш мумкин. Жумладан, “Бошланғич таълим”, “Педагогик таълим”, “Педагогик технология”, “Узлуксиз таълим”, “Мактаб ва ҳаёт”, “Халқ таълими”, “Касбий фанлар методикаси” каби мамлакатимиизда чоп этиладиган журналлардан ҳамда, МДҲ давлатларида нашр этиладиган мавзуга тегишли бўлган журнал мақолаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар рўйхатини тузиш ва танлаш учун олий ўқув юрти кутубхонасининг каталоги билан батафсил танишиб чиқиш керак.

Адабиётлар билан ишлашда уларнинг курс иши мавзусига бевосита тегишилигига, мавзуни очиш учун адабиётларнинг етарли даражада тўпланишига ва адабиётларнинг янгилигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида президент асарлари, энг муҳим дарсликлар, монографик ишлар, ўқув қўлланмалар, газета ва журнал мақолаларини ўз ичига олган бўлиши керак. Танланган адабиётлар бўйича илмий раҳбар билан маслаҳатлашгач, талаба зарур адабиётларни чукур ўрганишга киришиши мумкин.

#### **4. ЙИҒИЛГАН МАТЕРИАЛЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МАВЗУ БАЁНИ.**

Тегишли адабиётлар танлаб олингач, курс ишини тайёрлаш жараёнидаги энг муҳим ва масъул босқич бошланади яъни бунда тегишли манбалар ўрганиб чиқилади ва уларнинг мазмуни қисқача ёзиб олинади.

Ўрганилаётган масала хақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун тегишли маъруза ёки дарсликнинг бўлимини ўқищдан тайёргарликни бошлаш керак. Монографик адабиётлардан кўчирма қилишдан олдин, уларни тўлиқ ўқиб чиқиш, муаллифнинг асосий фикрини тушуниб олиш, ўзидағи мавжуд иш режаси билан солиштириш, муҳим жойларини белгилаб қўйиш, кейин эса асосий ва иш учун аҳамиятли қоидаларни баён қилишга киришиш мумкин.

Кафедра томонидан курс ишини ёзиш учун тавсия этилган манбалар рўйхати одатда, танланган мавзу бўйича турли фикрлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлади. Шундай қилиб, курс ишини тайёрлаш жараёнида йиғилган илмий маълумотлар қўйилган масалага оид турли қарашларни, яъни илмий мунозаранинг муҳим элементларини акс эттириши керак. Маълумот йиғишида бадиий, публицистик адабиётлардан мисоллар келтиришга аҳамият бермаслик мумкин эмас. Булардан фойдаланиш талабанинг нафақат чукур билимга ва берилган масалага қизиқишига, балки кенг дунёқарашга эга эканлигидан ҳам далолат беради.

Курс ишида фойдаланилайдиган манбалар тизимида интерфаол методлардан ва инновацион технологиялардан фойдаланилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Курс ишини тайёрлаш жараёнида талаба ўзининг ижодкорлигини, изланувчанлигини ва қобилиятини кўрсатиши керак. Бунда талаба мавзусини ахборат технологияларидан фойдаланиб, мавзуга тегишли бўлган слайдлар асосида намойиш этиши керак. Мавзу баёни муайян доирада бўлиши керак. Бунда;

- Биринчидан, мавзунинг аппарати аниқланади ва таҳлил жараёнида шунга таянилади, тадқиқот предмети аниқ ва равshan баён этилади ;

Масалан, Инновацион технологияларнинг таълим жараёнидаги ўрни мавзусини кўриб чиқишида асосан “Инновация” тушунчасига таъриф бериш лозим.

- Иккинчидан, масаланинг мазмуни ёритилиб, ўрганилаётган масаланинг назарий қоидалари ва таълим тамойилларига асосланган тизимидағи ўрни ва моҳияти кўрсатилади.

- Учинчидан, курс ишини ёритишида талаба олган назарий билимларини реал ҳолатда амалий мисоллар билан боғлаши муҳимдир.

## **5. ЙИҒИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ.**

Курс иши ёзишнинг хомаки жараёни бўлиб, бошқача айтганда, уни тузиш, тизимлаштириш, унинг турли қисмларини таққослаш билан боғлиқ

бўлиб, бунда ҳар бир масаланинг таркибий чегаралари ва ишнинг бутун моҳияти аниқлаштирилади.

Курс иши муайян мазмун ва шаклга эга бўлади. Унинг тузилиши асосан, *кириши, асосий қисмни* ўз ичига олган **4 ёки 5** та *параграф* ва *хуносас* қисмларидан иборат бўлади.

Киришда муаллиф танланган мавзунинг долзарблигини асослайди, мавзунинг ўрганилганлик даражасини қисқа тахлил қиласди (курс ишида фойдаланилган манбаларга умумий баҳо беради), ишнинг мақсади, обьекти, предмети, вазифалари ва уни ўтказиш методикасини белгилайди.

Асосий қисм ўз ичига ишнинг мақсад ва вазифасига мос ҳолда, мавзунинг барча қирраларини қамраб олган бўлиши керак.

Курс иши мустақил ва ижодий изланиш натижасида ёритилганлиги учун, у талабанинг ўз сўзлари билан ёзилган ҳамда унинг фикр ва мулоҳазаларини ўз ичига олган бўлиши керак. Агар талаба курс ишини ёритишида юқоридаги кўрсатмаларга амал қилган ҳолда ёзмаса, бу ҳолат ишнинг “қониқарсиз” баҳоланишига сабаб бўлади.

## **6. КУРС ИШИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

Курс ишини бажариш жараёнида тўпланган ва қайта ишланган маълумотлар аниқ, тартибли ва хаққоний бўлиши керак. Материаллар баёни мантиқий изчил, жумла тузилишлари қисқа ва аниқ, мавхумлик ва қайтариқлар бўлмаслиги, хуносалар исботланган ва тавсияномалар асосланган бўлиши керак. Курс ишининг алоҳида бўлимларини ёзиш талаблари қўйироқда кўрсатиб ўтилади.

Курс иши муқоваси расмийлаштирилади.

Мундарижа курс ишининг қисмларини, саволларнинг номланишларини, бетларнинг рақамланиш тартибини ўзида ифода этади. «Кириш», Хуносас ва таклифлар бўлимларини истисно этган ҳолда барча саволлар, араб рақамлари билан рақамланиши керак. Саволларнинг тартиб рақамидан кейин нуқта.кўйилади ва саволлар ёзилади .

Курс иши бетлари кетма-кет рақамланиши лозим: муқова бетига тартиб рақами қўйилмайди.

Биринчи бетининг пастки қисмига, ўнг томон бурчагига «1» рақами қўйилади ва шу кетма-кетликда давом эттирилади. Агар курс ишида расмлар, шакллар ва жадваллар бўлса, уларни умумий рақамланишга қўшиш керак.

Иловалар ва адабиётлар рўйхати ҳам кетма-кет рақамланишга қўшилади. Адабиётлар рўйхати фойдаланилган барча манбаларни алфавит тартиби бўйича ўзиди жамлайди.

Илова курс ишининг охирида берилади. Курс ишини ёритиш жараёнида мундарижадаги берилган саволлар ҳамда хulosса ва иловалар янги бетдан бошланади, сахифанинг ўнг томонидан юқори бурчагида «Илова» деган сўз ёзиб қўйилади.

Хар қайси илова сарлавҳага эга бўлиши керак. Мабодо курс ишида икки ва ундан зиёд илова бўлса, улар кетма-кет рақамлар билан рақамланади, масалан: «1-илова», «2 илова» ва ҳоказо.

Матнда келтирилган маълумотлар манбаси тартиб рақами бўйича адабиётлар рўйхатида кўрсатилиб ўтилади.

Курс ишини ёзаётганда, адабий манбалардан, кўрсатмалардан, шунингдек умумнутқида қабул килинмаган сўзларни, ибораларни, атамаларни ишлатиш таъқиқланади.

Курс ишини ёзиб тугатгач, унда берилган саволларнинг ўзаро боғланишини ва баён этилиш усулига (адабий тилига) алоҳида эътибор берган ҳолда қайта ўқиб чиқиш керак.

Кўпинча қайта ўқилишда илгари билинмаган хатоларга, қайтарикларга, қарама-қарши фикрларга, нотўғри танланган қиёслашларга ва ҳоказоларга дуч келинади.

Курс иши ҳажми кўлёзма матнда **35-40** ( кампьютерда **20-25** ) бетни ташкил этиши керак. Матн тушунарли хуснихатда, тузатишларсиз, ёзув қофозининг бир томонига ёзилиши керак.

Ҳар бир бетда: чап томондан **-2,5 см**, ўнг томонидан - **1 см**, юқоридан ва пастдан - **2 см** очик жой қолиши керак. Курс иши режасидаги саволлаларнинг номлари курс ишининг тегишли жойларида сарлавҳа сифатида такрорланиши лозим. Ёзига тугалланган курс ишига талаба ва илмий раҳбар томонидан имзо қўйилади.

## **7. КУРС ИШИГА ТАҚРИЗ ЁЗИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ.**

Ёзига тугалланган ва раҳбар томонидан маъқулланган, муқоваланган курс иши белгиланган муддатда кафедрага топширилади ва тақриз ёзилади.

Курс иши тақризида ишнинг илмий даражасига, амалий тавсияномаларнинг асосланганлигига ва уларнинг аҳамиятига баҳо берилиши, йўл қўйилган мавжуд камчиликлар кўрсатилиши ва талаба маҳорати баҳоланиши лозим.

Курс ишини ҳимоя қилишга тайёргарлик пайтида талаба бажарилган мавзуу моҳияти бўйича қисқача сўзга чиқиши матнини ёзига олиши, сўзга чиқиши учун зарур бўладиган материалларини тайёрлаб қўйиши, тақриз мазмуни билан танишиб чиқиши ва тақризчи эътиrozларига жавоб тайёрлаган бўлиши керак. Курс иши ҳимоясига мавзуу юзасидан **7-8** та вароғда слайтлар тайёрлаш талаб этилади.

Курс иши ҳимоясида кафедранинг **4-5** та профессор – ўқитувчиларидан иборат камиссия аъзолари тузилади. Курс иши талаба томонидан **5-10** дақиқа мобайнида очик ҳолда ҳимоя қилинади. Бунда талаба курс ишининг асосий жиҳатларини баён этади, курс ишининг энг муҳим жиҳатларини изоҳлаб беради, таклиф ва хulosаларни айтади, саволларга жавоб беради.

Курс ишини ҳимояси комиссиянинг ҳимоя натижаси ва илмий раҳбарнинг тақризини ҳисобга олган ҳолда **100 балли** тизим асосида баҳолайди.

## **8. БАҲОЛАШ ТАРТИБИ ВА МЕЗОНЛАРИ**

“Умумий педагогика назарияси ва амалиёти” ҳамда “Тарбиявий ишлар методикаси” фанлари, талабаларнинг курс иши бўйича билим савияси, қўникма

ва малакаларини аниқлаш ва назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида балл қўйиш орқали ифодаланади.

Талаба мазкур курс иши бўйича йиғиши мумкин бўлган максимал балл – **100 балл** бўлиб, у қуидагича тақсимот қилинади:

Курс иши бўйича ажратилган балнинг **55 фоизи** саралаш балл этиб белгиланади. Саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор талаба ҳисобланади.

**Баллар тақсимоти** (ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича баҳолаш мезонлари):

|  | Ўзлаштириш кўрсаткичлари | Баҳолаш мезонлари |
|--|--------------------------|-------------------|
|  | 55-70 фоиз               | қониқарли         |
|  | 71-85 фоиз               | яхши              |
|  | 86-100 фоиз              | аъло              |

Курс ишиларга раҳбарлик қилаётган кафедранинг барча профессор ўқитувчиларининг ўзларига бириктирилган талabalari берилган мавзуни ҳимоя қила олмаса, шу ўқитувчига нисбатан кафедра мудири томонидан чора кўрилиши мумкин. Курс иши бўйича академик қарздор талabalарга қайта ўзлаштириши учун семестр тугаганидан кейин икки ҳафта муҳлат берилади ва қайта топшириш жараёнида бу талабага **70 баллдан** юкори балл қўйилмайди. Шу икки ҳафта ичида илмий раҳбари билан биргаликда ишлашади ва деканат томонидан маҳсус жадвал асосида қайта ҳимоя қилиш амалга оширилади.

### **Назорат саволлари**

1. Курс ишига мавзуу танлаш қоидалари.
2. Курс ишининг мазмунини нималардан ташкил топади.
3. Курс иши бўйича маълумотлар тўплаш, библиографияни тайёрлаш, адабиётларни ўрганиш тартиби.
4. Йиғилган материалларни қайта ишлаш технологияси.
5. Курс ишини расмийлаштириш тартиби.
6. Курс ишига тақриз ёзиш ва ҳимоя қилиш тартиби.

7. Баҳолаш тартиби ва мезонлари.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А. Касб таълими методикаси” фанидан ўқув-методик мажмуа. Низомий номидаги ТДПУ, 2011.-20 б.
2. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А, “Касб таълими педагогикаси” фанидан ўқув методик мажмуа. Низомий номидаги ТДПУ, 2011.-20 б.
3. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А., Абдураимов Ш.С. Мехнат ва касбий таълим методикаси фанларидан курс ишлари. Методик қўлланма. –Т.: ТДПУ, 2009. - 38 б.
4. Қўйсинов О.А., Муллахметов Р.Г., Саттаров В.Н. Битирув малакавий ишларни тайёрлаш. Методик тавсиянома. –Т.: ТДПУ, 2011. - 80 б.

## **5-Мавзу. Битирув малакавий ишлари бажарилишининг ташкилий ва илмий-методик тъминоти. Илмий тадқиқот ишларни ташкил этиш.**

### **Режа:**

1. Битирув малакавий ишларига қўйиладиган талаблар.
2. Курс иши ва битирув малакавий ишининг ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари
3. Битирув малакавий ишининг тахминий тузилиши ва бўлимларнинг мазмуни.
4. Битирув малакавий ишини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар.

**Таянч тушунчалар:** битирув малакавий иш, магистрлик диссертация, дарс ўтиш методикаси, дарсни ташкил этиш, дарс режаси, тақвимий-мавзуллар режа, дарснинг технологик харитаси, конспект, тарқатма материаллар, тест сўровномалари, жадваллар, расмлар, схемалар, педагогик технология, методларидан фойдаланиш, инструкцион-технологик хужжатлар.

### **1. Битирув малакавий ишларига қўйиладиган талаблар**

Битирув малакавий ишларининг мавзулари кафедра томонидан белгиланади. Талабага битирув малакавий иш мавзусини танлаш имконияти З-курсда берилади. Бунда талаба ўзини қизиқтирган мавзуни битирув малакавий иши мавзуси сифатида олиши мумкин. Битирув малакавий ишини тайёрлаш жараёнида талабага илмий раҳбар ва маслаҳатчилар тайинланади.

Битирув малакавий ишини тайёрлаш учун таълим йўналиши ўкув режасида алоҳида соатлар, яъни вақт ажратилиши лозим. Битирув малакавий ишини тайёрлашда талабаларга қўйидагилар асос бўлиб хизмат қиласди:

- а) бир курс доирасида реферат, курс иши ва битирув малакавий ишларининг кетма-кетлиги;
- б) бир-бирига яқин фанлар: педагогика, психология, хусусий фанлар методикаси каби фанлардан талабалар томонидан бажарилган курс ишлари ва турли вазифаларни мувофиқлаштириш;
- в) педагогик амалиётнинг барча кўринишларидан фойдаланиш ва б.

Талабанинг битириув малакавий иши устидаги изланишлари назарияни чуқурроқ ўрганиш, илгари олинган билимларни системалаштириш ва уларни амалиётда самарали қўллаш, мустақил тадқиқот олиб бориш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш, эрудициянинг ўсиши учун хизмат қиласди.

Одатда битириув малакавий ишининг мавзуси талабага унинг сўнгги педагогик амалиётга кетишидан аввал берилади ва тасдиқланади. Шу пайтнинг ўзида унга битириув малакавий ишига оид бўлган, илмий раҳбар томонидан тузилган ва кафедра мудири томонидан тасдиқланган топшириқлар берилади. Бунда ишни якунлаш муддатлари ҳам кўрсатилади. Топшириқда талабанинг исми, фамилияси, отасининг исми, ўқиётган факультети ва мавзуси ёзилади. Агар битириув малакавий иши курс ишининг давоми бўлса, нималар қилингани, дастлабки маълумотлар қандай эканини кўрсатиш лозим.

Сўнгра қандай масалаларни ишлаб чиқиш кераклиги, қандай тажрибасинов ишлари режалаштирилгани, бу ишлар қаерда ўтказилиши, битириувчига ким маслаҳатлар бериб боришини белгилаш зарур. Талаба ишининг календарь режасини тузиш билан вазифалар аниқлаштирилади. Бу эса ўз ўрнида талаба фаолиятини ташкил этиш, уни доимий назорат қилиш ва зарурат бўлганда, унга кўмаклашиш имконини беради.

Календарь режа адабиётларни танлаш ва ўрганиш, бошқа манбалар, тажрибалар билан танишиш, тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш, олинган натижаларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш, хулосалар чиқариш, иловалар тайёрлаш, битириув малакавий ишини услугубий ва техник томондан расмийлаштириш, ҳимояга тайёрланиш учун сарфланадиган вақтни тўғри тақсимлашга ёрдам беради.

Мазмунан курс иши ва битириув малакавий иши ўртасида узвий боғланиш бўлиши керак: битириув малакавий иши курс ишининг ижодий ривожланиши бўлиб, унда курс ишвда кўтарилган муаммо янада чуқурроқ ўрганилади. Бироқ курс ишининг матнини механик равишда, сўзма-сўз битириув малакавий ишига киритиш мумкин эмас. Курс ишининг асосий натижалари

бити्रув малакавий иши муаммосини ижодий ҳал этиш учун дастлабки материал бўлиб хизмат килиши керак.

Битириув малакавий ишини бажариш бўйича иш режасини тахминан қуидагича тузиш мумкин:

1. Курс ишининг бир қиррасини чуқур таҳлил қилиш мақсадида танлаб олиш. Битириув малакавий иши мавзусини аниқлаштириш.
2. Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар рўйхатини тузиш.
3. Муаммони белгилаш, унинг фан ва амалиётдаги ўрнини таҳлил қилиш.
4. Тадқиқот мавзуси бўйича таянч тушунчаларни ажратиш ва таҳлил қилиш.

5. Битириув малакавий иши режасини тузиш.
6. Мавзунинг долзарблигини асослаш.
7. "Мавзунинг долзарблиги" номли матнни тайёрлаш, бунда ишнинг асосий тавсифини бериш (тадқиқот обьекти, предмети, мақсади, вазифалари ва б.к.)
8. Тадқиқот мавзуси бўйича назарий манбаларнинг чуқур тавсифини бериш.

9. "Тадқиқот мавзуси бўйича мавжуд адабиётлар таҳлили" номли матн тайёрлаш. Бунда, қуидагилар берилиши мумкин:

- а) муаммо (фоя, масала) нинг ўрганилиш тарихи;
  - б) тадқиқот обьектини таърифловчи умумпедагогик ва бошқа илмий қонун-қоидалар;
  - в) дидактик қоидалар;
  - г) методик қоидалар;
  - д) психологик қоидалар.
- 10."Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлилига оид хulosалар" номли матнни тайёрлаш.

И.Кўтарилган муаммони ҳал этишнинг турли усулларини ишлаб чиқиш.

12. Муаммони ечишнинг оптимал усулинини аниқлаш.

13. Тажриба-синовнинг дастлабки босқичини ўтказишга тайёрланиш (методикани режалаштириш, ишлаб чиқиш, ўкув машғулотларининг ва тарбиявий тадбирларнинг режа-конспектини, дидактик тест ва б. тайёрлаш).

14. Ўрганилаётган масаланинг мавжуд ахволи ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун тажрибанинг дастлабки таъкидий босқичини амалга ошириш.

15. Тажриба-синов ишларининг таҳлили, жадвал, чизма, расмларни тайёрлаш, натижаларни қайд этиш.

16. "Тажриба-синовнинг дастлабки босқичи" номли матнни тайёрлаш.

17. Тажриба-синовнинг шакллантирувчи босқичини тайёрлаш (тажриба олиб бориш ва уни кузатишининг метод ҳамда воситаларини режалаштириш, ишлаб чиқиш, натижаларни қайд этиш усулларини ишлаб чиқиш ва х.з.)

18. Тажриба-синовнинг шакллантирувчи босқичини ўтказиш ва таҳлил қилиш (кузатув баённомалари, ёзма ишлар, расмлар, сухбат натижалари ва х.к.).

19. Таҳлил натижаларини жадвал, чизма, диаграмма, расмларда кўрсатиш, тажриба-синовнинг шакллантирувчи босқичи бўйича натижа ва хуносаларни ёзиш (материал бунга имкон берса).

20."Тажриба-синов ишлари" номли матнни тайёрлаш. Бунда тажриба-синовнинг шакллантирувчи босқичига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш шароитларини ёритиш, қатнашчилар ҳақида маълумот, уларнинг тажрибадан олдинги ва тажрибадан кейинги кўрсаткичлари, ўтказилган (ўкув ёки тарбиявий) машғулотларнинг номи ва кетма-кетлиги, натижалар таҳлили, хуоса ва тавсияларни кўрсатиш.

21. Зарурат бўлганда тажриба-синовнинг шакллантирувчи босқичини қайта ўтказиш.

22. Тайёрланган матнларни боблар шаклида жамлаш.

23. Боблар бўйича хуносаларни тайёрлаш ва ёзиш.

24. Умумий хуносаларни ёзиш

25. Адабиётлар рўйхатини тузиш.

26. Иловаларни (жадвал, чизма, сўровнома, расм, дарс ёки тарбиявий ишларнинг режа-конспектларини ва х.з.) расмийлаштириш.

27.Битирув малакавий ишининг мундарижасини аниқлаштириш.

28.Титул варагини ёзиш.

Умуман, битирув малакавий иши курс ишининг мантиқий давоми бўлиб, асосий ғоя ва хulosалар қайта идрок этилади, янги маълумотлар, кузатув ҳамда тажриба натижалари билан бойитилади. Шу тариқа, битирув малакавий иши назарий ва амалий жиҳатдан юқорироқ даражадаги мукаммал тадқиқот иши бўлади. Шу билан бирга, битирув малакавий иши янги педагогик тажрибани (агар у кўзда тутилган бўлса) ўтказиш давомида олинган бошқа далилий материалнинг мустақил тадқиқи ёки адабий манбаларни чуқурроқ ўрганиш ва идрок этишнинг натижасидир.

## **2. Курс иши ва битирув малакавий ишининг ўхшаш ҳамда**

### **фарқли жиҳатлари**

Битирув малакавий ишининг курс ишидан катта фарқи (тажриба-синов ишларини ўтказиш имконияти ва зарурати мавжуд бўлса) педагогик тажрибанинг ташкил этилишидадир. Битирув малакавий ишини бажариш учун талаба таъкидловчи тажриба билан кифояланиши мумкин. Бунинг учун у ўқувчилар билан савол-жавоб (сўровнома, интервью, сухбат ва бошқаларни) ўтказади.

Битирув малакавий ишида таъкидловчи тажриба иши доим ҳам етарли бўлмайди. Кўпинча шакллантирувчи тажриба ўтказилади. Унинг моҳияти шундаки, ҳодиса ва жараёнлар қатъий назорат қилиш ва бошқариш шароитида ўрганилади. Исталган тажрибанинг асосий тамойили тадқиқ қилинаётган жараёнларнинг ҳар бирида бошқа омиллар ўзгаришсиз қолгани ҳолда биргина омилни ўзгартиришдан иборат.

Тажриба ишининг қўйидаги босқичларини ажратиш мумкин:

1. Фараз ҳамда асосий мақсад ва вазифаларни белгилаш.
2. Тажриба дастурини ишлаб чиқиш.
3. Тадқиқот натижаларини қайд қилиш усусларини ишлаб чиқиш. :
4. Тажрибани ўтказиш.

### **3. Битирув малакавий ишининг тахминий тузилиши ва бўлимларнинг мазмуни**

1. Битирув малакавий иши қуидагилардан ташкил топади: кириш - умумий ҳажмнинг 10%; назарий қисм - назарий масалаларни қўйишдан кўзланган мақсад, уларни ўрганишнинг белгиланган даражасидан келиб чиқкан ҳолда умумий ҳажмнинг 25-30%; таҳлил қисми - 15-20%; тажриба-синов ишлари ҳақидаги қисм - 30-35%; хulosалар - 5%; адабиётлар рўйхати.
2. Битирув малакавий ишининг тузилиши, ундаги боблар мутаносиблиги ҳар бир ишнинг мавзуси, объекти, предмети, мақсадига боғлик ҳолда алоҳида белгиланади. Битирув малакавий ишининг ҳажми матн, жадваллар, иллюстрация материаллари билан бирга 40-60 саҳифани ташкил этиши лозим.
3. Кириш қисмida мавзунинг ижтимоий ва педагогик жихатдан долзарблиги асосланади, муаммо белгиланади, Тадқиқот объекти, предмети, мақсади кўрсатилади, тадқиқотнинг фарази, вазифалари, методологик асоси киритилади, танланган мавзунинг ишланганлик даражаси аниқланади, тадқиқот олиб бориш методлари, манбалар, дастлабки маълумот қисқача тавсифланади. Кириш қисмининг сўнгги варианти ишнинг бошқа қисмлари тайёр бўлганидан кейин ёзилади.
4. Битирув малакавий ишининг бош қисмida мавзунинг асосий масалалари бўйича назарий маълумотлар баён этилади, илмий мактаблар муаллифларининг қарашлари таҳлил қилинади ва умумлаштирилади, қўриб чиқилаётган соҳада олиб борилган тадқиқотлар гурухлаштирилади, турли методик ёндашувлар баҳоланади. Битирувчининг ўз қарашлари, контсепцияси белгиланади, булар асосида таъкидловчи ва шакллантирувчи тажрибага тайёргарлик кўриш учун методик ёндашув танланади. Мазкур қисм мазмунини баён этиш жараёнида муаллиф назарий билимлардан педагогик амалиёт таҳлилига, хусусий ҳодисалар таҳлилидан назарий умумлаштиришга ўтипши зарур.

5. Таҳлилий қисмда ўқувчиларга мактабгача таълим муассасасида, ўқувчиларга мактаб, педагогик коллежда таълим-тарбия беришнинг, уларни ривожлантириш, мактабгача таълимни ташкил этишни бошқаришнинг аҳволи, бунда қўлланаётган методлар ва б. таҳлил қилинади. Тадқиқотнинг методологияси асосида мактабгача ёки ўрта маҳсус таълимда вужудга келган вазият таҳлил қилинади, ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ танлаб олинган ҳамда шакллантирувчи тажриба-синовни ўтказиш методикасини ва мазмунини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган маълумотлар тадқиқ қилинади ва қайта ишланади.

6. Тажриба қисми қуидагиларни ўз ичига олади: ўқувчиларнинг таълим-тарбиясини такомиллаштириш методлари, мазмуни бўйича ишланмалар, ишларни олиб бориш методикаси; қўйилган масала ва вазифаларни хал этиш йўллари; олинган натижаларни таълим муассасаларига жорий этиш бўйича методик тавсиялар. Шу мақсадда илмий қарашлар негизида, шахсий тажриба ва педагоглар тажрибасининг таҳлили асосида мазкур таълим муассасасида ўрганилаётган ҳодисанинг динамикаси ва ҳозирги аҳволи ёритилиши керак (аввал ахвол қандай эди, муайян вакт ичida нима ўзгарди, ниманинг натижасида ютуққа эришилди, миқдор ва сифат ўзгаришлари нималарда намоён бўлди, қандай қийинчиликлар дуч келинди ва улар қандай бартараф этилди ва х.з.).

7. Хулоса қисмida талабаларнинг тадқиқот ишини олиб боришдаги позициясини кўрсатувчи бажарилган иш натижалари бўйича хулосалар берилади. Шунингдек, таҳлил натижалари ўқувчилар билан бошланғич синф ўқитувчилари билан ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар, ушбу тавсияларни жорий этиш йўллари кўрсатилади.

#### **4. Битирув малакавий ишини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар**

1. Битирув иши техник ва илмий хужжатларни компьютерда териш қоидаларига мувофиқ равишда стандарт қоғознинг бир томонига ёзилган бўлиши керак. Расм ва жадваллар умумий талабларга қатъий риоя қилинган

ҳолда, яъни расм ости ёзувлари ва расм номи, тартиб рақами, ҳавола, изоҳ, хуносалар билан бирга берилиши ҳамда матнда учрашига кўра тартиб билан жойлашиши керак.

2. Битирув ишида саҳифалар, жумладан, жадвал ва расмлар ҳам, оддий усулда рақамланади. Саҳифалаш мундарижадан бошланади.

3. График, жадвал, ҳужжат, ишнинг таҳлилий ва тажриба қисмларини изоҳловчи хисоб-китоб кўринишидаги иккинчи даражали материаллар битирув ишининг иловасида берилиши мумкин.

4. График материал мавжуд талабларга мувофиқ равища стандарт қогозда бажарилиши керак.

5. Битирув ишининг барча қисмлари мавзуу ва режага мос равища ўзаро мантиқий боғлиқликда бўлиши лозим. Иш фойдаланилган адабиётлар рўйхати билан якунланади.

6. Битирув ишини расмийлаштиришда қўйидаги талабларга жавоб бериш зарур:

- матнда ишнинг тузилиши аниқ белгиланади: режага мувофиқ унинг асосий бўлимлари ажратилади, режадаги барча масалалар чуқур ва тўлиқ ёритилади, фикрлар илмий услубда баён этилади;

- фойдаланилган адабиётлар рўйхати иловадан олдин берилади;
- манбаларга ҳаволалар (манбанинг муаллифи, номи, нашр жойи, йили, саҳифа) ва ракнинг қўйи қисмида ёки квадрат қавсада кўрсатилади;

- битирув ишининг саҳифалари тикилади ва маҳсус жилдга йигилади, жилднинг муқоваси иш титул варагининг айнан нусхаси бўлиши лозим.

Тугалланган битирув иши муаллиф ва маслаҳатчи (ёки маслаҳатчилар, агар улар талабанинг ишига раҳбарлик қилган бўлсалар) томонидан имзоланади ҳамда раҳбарга тақдим этилади. Иш раҳбарга давлат аттестацияси бошланишвдан уч ҳафта олдин берилгани маъқул.

Ўн кун ичida раҳбар битирув ишига тақриз ёзади. Такризда ишнинг барча бўлимлари тавсифланади. Унда ижобий жиҳатлар, камчиликлар, муаллифнинг мустақил фикрлаш даражаси, талабада илмий адабиёт билан

ишлиш ва тажриба-синов тадқиқотини ташкил этиш кўникмасининг мавжудлиги, олинган натижаларнинг аҳамияти ва асосланганлиги, уларни амалда қўллаш имкониятлари ҳамда битирув ишини ҳимояга тавсия этиш ҳақидаги хулоса.

Битирув иши раҳбарнинг тақризи билан бирга кафедра мудирига тақдим этилади. Кафедра мудири битирув ишини ҳимояга тавсия этиш масаласини ҳал этади ва ишнинг тегишли жойига имзо чекади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 1998 йил 31 декабрь 362-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом”, “Олий ўқув юртлари бакалавр битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талаблар”да таъкидланишича, йўналиш (мутахассислик) бўйича якуний фанлараро давлат-аттестациясига ва битирув малакавий ишининг ҳимоясига дастурлардан бири бўйича тўлиқ таълим курсини тугатган ва режада кўзда тутилган барча синовлардан ўтган шахслар қўйилади.

Кафедра барча талабларга жавоб берадиган, якунланган битирув малакавий ишини тақдим этган талабаларни ҳимояга тавсия этади. Агар ишнинг сифати билан боғлиқ эътиrozлар мавжуд бўлса, уни ҳимояга қўйиш масаласи илмий раҳбар иштирокида ўтадиган кафедра мажлисида ҳал этилади.

Битирув малакавий иши белгиланган муддатда тайёр бўлмаган ёки унинг сифати талабга жавоб бермагани учун ҳимояга қўйилмаган холларда талаба тегишли фан бўйича давлат аттестациясини топширишга ҳақли.

Мутасадди кафедра томонидан ҳимояга тавсия этилган битирув малакавий иши факультет декани (ёки у билан келишилган ҳолда кафедра мудири) томонидан тақризга юборилади. Тақризчилар таркиби битирув малакавий ишига раҳбарлик қилган кафедранинг мудири тавсияси бўйича декан томонидан тасдиқланади.

Имкон қадар битирув ишларини ташқи тақризга юбориш лозим. Бунда тақризчилар сифатида малакали мутахассисларни-мактаб, илмий ва таълимий

муассаса, таълимни бошқариш идораларининг ходимларини, шунингдек, бошқа олий укув юртларининг профессор-ўқитувчиларини жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга битирув малакавий иши бажарилган олий укув юртида фаолият юритувчи, мазкур ишни химояга тайёрлаган (химояни ўтказадиган) кафедра аъзоси бўлмаган профессор-ўқитувчилар ҳам тақризчи бўлишлари мумкин.

Битирув малакавий ишига берилган тақризда қуйидагилар акс этиши керак:

1. Битирув малакавий ишининг умумий тавсифи:
  - мавзунинг долзарблиги ва унинг муаллиф томонидан асосланганлиги;
  - талаба томонидан мазкур мавзуни танлашдаги ижтимоий-педагогик сабабларнинг асосланганлиги,
  - битирув малакавий ишида кўриб чиқиш учун қўйилган масалаларнинг тўғрилиги ва мантиқийлиги;
  - мавзуни ёритиш учун фойдаланилган манбаларнинг микдор ва сифат нуқтаи назаридан баҳоланиши;
  - педагогик амалиётни таҳлил қилиш, тажриба ўтказиш сифати, уни назарий идрок этиш даражаси;
  - бигирув малакавий ишининг тузилиши, мазмuni ва расмийлаштирилишига қўйилган талабларнинг бажарилганлиги.

2. Асосий қисмнинг тавсифи:
  - адабиётларни таҳлил қилиш сифати, муаммонинг назарий асосларини ёритишнинг қамрови;
  - ишда амалий тажрибанинг, тажриба-синов материалларининг тўлиқ ва чуқур тақдим этилиши; уларнинг назарий жихатдан баҳоланиши, ишни такомиллаштириш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш қўнимасининг мавжудлиги;
  - мактабгача, умумий ва ўрта маҳсус касб-хунар таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш ва уни бошқарув сифатини яхшилаш учун тавсия этилган тадбирлар тизимининг баҳоси;

- мавзуни баён этиш услуби ва унинг муаллиф томонидан белгиланган масалалар доирасининг назарий-амалий йўналишига мантиқан мос эканлигини;
- муаллифнинг кўриб чиқилаётган масалаларга бўлган муносабати, ўрганилган мавзу бўйича фикрларнинг янгилиги.

### 3. Битирув ишининг натижалари ва сифатини баҳолаш:

- мавзуни ёритиш даражаси ва сифати.

Факультет декани кафедра мудирини ва талабани тақриз билан таништиради, ишни раҳбар хulosаси ва тақриз билан бирга химоя учун давлат аттестация комиссиясига юборади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 1998-йил 31-декабрь 362-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат атГЕСтацияси тўғрисидаги Низом"да таъкидланишича, битирув малакавий ишларининг ҳимояси давлат аттестацияси комиссиясининг учдан икки қисмидан ҳам бўлмаган таркиби иштирокидаги очиқ мажлисида ўтказилади. Ҳимояда ишнинг раҳбари ва тақризчи маслаҳат овози хукуқидан фойдаланиши мумкин. Тақризчининг ҳимояда қатнашиши шарт эмас.

Битирув малакавий ишининг ҳимояси қуйидаги тартибда ўтади:

Битирувчи қисқа ахборот беради (10 минут).

Ахборот қуйидаги тахминий режа асосида тузилиши мумкин:

#### 1. Битирув ишининг умумий тавсифи:

- мавзу;
- мавзу танланишининг сабаблари;
- ёритилган асосий масалалар доираси;
- битирув ишининг режаси;
- мавзуни ёритишда фойдаланилган асосий адабий манбалар;
- битирув ишида келтирилган ва баҳолангандан тажриба-синов ишийнинг қисқача мазмуни.

#### 2. Асосий қисмнинг тавсифи:

- мавзуда акс этган педагогик муаммонинг моҳияти;

- асосий масалалар бўйича олймларнинг қараашлари ва муаллифнинг уларга берган баҳоси, таҳлили;
- масала назарияси жиҳатидан муаммо ечимини топиш тажрибасининг таҳлили ва баҳоси;
- ўқувчилар билан ишлаш усулларини ёки бошқарувни такомиллаштириш йўллари, ўрганилганларни амалда самарали қўллаш бўйича истиқболли йўналишиларни белгилаш;

3. Талабанинг ўзи бажарган битирув ишига, эришган натижалари ва иш сифатига берган баҳоси:

- мавзу бўйича ишлаш давомида қандай вазифалар қўйилган эди ва улар қай тарзда бажарилди;
- бажарилган иш натижалари билан қониқиши даражаси;
- мавзунинг қайси қирралари бўйича тадқиқот давом эттирилади.

Ахборот берилганидан сўнг талаба саволларга жавоб беради. Битирув иши мазмуни бўйича нафақат комиссия аъзолари, балки ҳимояда иштирок этувчи исталган шахс савол берилиши мумкин.

Сўнгра илмий раҳбар хulosаси ва тақризчининг хulosаси ўқиб эшиттирилади.

Кейин иш муаллифи тақриз ва хulosаларда келтирилган эътиrozлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради ҳамда ҳимоя давомида берилган саволларга жавоб беради.

Шундан кейин ишнинг муҳокамаси бошланади, унда хоҳловчиларнинг барчаси иштирок этиши мумкин.

Ҳимоя якунида муаллифга эътиrozларга сабаб бўлган ўринларни изоҳлаш, тегашли маълумотлар келтириш, қўшимча материаллар билан қисқача таништириш имкони берилади.

Аттестация комиссиясининг қарорлари ёпиқ мажлисда қатнашчиларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенглиги ҳолатида раиснинг фикри ҳал қилувчи хисобланади.

Якуний давлат аттестациясига киритилган исталган синовнинг натижаси “аъло”, “яхши”, “қониқарли”, “қониқарсиз” баҳолари билан белгиланади ва шу куннинг ўзида имтиҳон комиссияси мажлисининг баённомаси тегишли тартибда расмийлаштирилгач эълон қилинади.

Химоядан кейин бити्रув иши олий таълим муассасасининг кутубхона фондида ёки тегишли кафедраларда сакланади. Ишлардан талабалар, бошқа таълим муассасалари ўқитувчилари фойдаланишлари мумкин.

Икки йил ўтгач бити्रув малакавий ишлари олий ўқув юрти архивига топширилади.

### **Назорат саволлар**

1. Бити्रув малакавий ишлари мавзуларини танлашга қандай талаблар қўйилади?
2. Бити्रув малакавий ишни тайёрлашга қўйиладиган талаблар.
3. Битириув ишини бажариш кетма-кетлигини айтиб беринг.
4. Битириув малакавий иш мазмуни ва унда қўйиладиган муаммоларни ҳал қилиш методикасини очиб беринг.

### **Адабиётлар рўйхати**

5. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни (Баркамол авлод -Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ нашриёт матбаа-концерни. 1997.-Б.20-29.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида битириув малакавий ишини тайёрлаш тартиби ҳақида НИЗОМ.-Т.: 2008.-20 б.
7. Олимов . Қ.Т. Касб таълими услубияти. ўқув қўлланма. –Т.: 2006. 164 б.
8. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А. Касб таълими методикаси” фанидан ўқув-методик мажмуа. Низомий номидаги ТДПУ, 2011.-20 б.
9. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А, “Касб таълими педагогикаси” фанидан ўқув методик мажмуа. Низомий номидаги ТДПУ, 2011.-20 б.
10. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А., Абдураимов Ш.С. Мехнат ва касбий таълим методикаси фанларидан курс ишлари. Методик қўлланма. –Т.: ТДПУ, 2009. - 38 б.
11. Қўйсинов О.А., Муллахметов Р.Г., Саттаров В.Н. Битириув малакавий ишларни тайёрлаш. Методик тавсиянома. –Т.: ТДПУ, 2011. - 80 б.

## АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1. машғулот. Мутахассислик фанларини ўқитиши жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш методикаси (2соат).**

|                |   |
|----------------|---|
| <b>1-МАВЗУ</b> | Мутахассислик фанларини ўқитиши жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш методикаси |
|----------------|---|

#### **Амалий дарсини олиб бориш технологияси**

|  |  |
|--|--|
| <i>Тингловчилар сони: 20</i>   | <i>Вақти -2 соат</i>   |
| <i>Дарс шакли</i>  | <i>Амалий дарси</i>  |
| <i>Семианаар режаси</i>  | <p>1. Мутахассислик фанларини ўқитиши жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш йўллари</p> <p>2. Ҳозирги кунда таълим жараёнида ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш</p>   |
| <i>Дарс мақсади :</i> Мутахассислик фанларини ўқитиши жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш методикасини йўритиш;   |  |
| <b>Педагогик вазифалар:</b><br>1.Мутахассислик фанларини ўқитиши жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш йўллари<br>2. Ҳозирги кунда таълим жараёнида ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш. | <b>Ўқув фаолият натижалари:</b><br>1. Мутахассислик фанларини ўқитиши жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш йўллари билан танишадилар;<br>2. Ҳозирги кунда таълим жараёнида ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллашни ўрганадилар. |
| <i>Ўқитишининг усул, техникаси:</i>  | сухбат, баҳс-мунозара<br>муҳокама қилиш, фикр алмашиш,<br>синквейин  |
| <i>Ўқитиши воситалари:</i>   | Тарқатма материаллар, слайдлар   |
| <i>Ўқитиши шакли:</i>  | Фронтал, кичик групкаларда ҳамкорликда ишлаш технологияси.   |
| <i>Ўқитиши шарт – шароитлари:</i>  | Техник воситаларни қўллашга мўлжалланган аудитория. Проектор   |
| <i>Мониторинг ва баҳолаш:</i>  | Оғзаки сўроқ, савол-жавоб, таҳлил натижалари.  |

### Амалий машғулотининг технологик харитаси

| Иш босқичлари ва вақти                             | Фаолият мазмуни   |   |
|--|---|---|
|  | Ўқитувчи  | Тингловчи   |
| <b>1-босқич ўқув машғулотига кириш (10 дақиқа)</b> | <p>1.1. Аудиториянинг ва тингловчиларнинг дарсга тайёрлик даражаси текширилади, мавзу эълон қилинади.</p> <p>1.2. Фаоллаштирувчи саволлар билан талабаларга мурожат этади (1- илова).</p>   | <p>3.1. Ешитади, ёзиб олади</p> <p>3.2. Саволларга жавоб берадилар</p>  |
| <b>2 – босқич. Асосий (60 дақиқа)</b>              | <p>2.1. Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш йўллари (Бошланғич синфнинг 1-2-синфларнинг Ўқиши, Она тили фанлари учун тайёрланган мультимедиали иловалари мисолида) намойиш этилади.</p> <p>2.3. Ахборот коммуникация технологияларини таҳлил қилиш вазифаси берилади. (2-илова)</p> <p>2.4. Педагогик технологиялар ва Ахборот технологияларнинг хусусиятларини жадвал асосида таққослаш фаолиятини ташкил этади (3-илова).</p> | <p>2.1. Эшитади, тинглайдилар, намойишни ко‘радилар.</p> <p>2.2. Таҳлил қиласидилар. Тингловчилар ўзларининг фикрларини баён этадилар, ва бир бирларининг фикрлари билан таққослаштирилар</p> <p>2.3. Ҳар бир саволга Тингловчилар ўзларининг фикрларини баён этадилар.</p> |
| <b>3- босқич. Якуний босқич (10 дақиқа)</b>        | <p>3.1. Мавзу бўйича якуний хуносаларни айтиб ўтади.</p> <p>3.2. Талабаларнинг дарс давомидаги фаолиятини таҳлил этади ва баҳолайди.</p>  | <p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>3.2. Топшириқни ёзиб олади.</p>  |

1-илова

#### **Фаоллаштирувчи саволлар:**

1. Ахборот технологияларига таъриф беринг?
2. Ахборот технологияларининг ривожланиши ҳақида фикр билдиринг?
3. Ўқитиш воситаларига нималар киради?
4. Ҳозирги замон ўқув воситаларига мисоллар келтиринг?

**Ахборот технологияларини таҳлил қилинг.**

| № | Авзалликлари | Камчиликлари |
|---|--------------|--------------|
|   |              |              |
|   |              |              |
|   |              |              |

3-илова

**Жадвални тўлдиринг**

| № | Педагогик<br>технологияларнинг<br>ўзига хос жиҳатлари( П/Т) | Ахборот<br>технологияларнинг<br>ўзига хос жиҳатлари<br>(А/Т) | П/Т ва А/Тнинг<br>ўхшаш томонлари |
|---|---|--|-----------------------------------|
| 1 |   |  |                                   |
| 2 |   |  |                                   |
| 3 |   |  |                                   |

**2-Машғулот. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ  
ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ  
МЕТОДИКАСИ (2соат).  
(Мехнат методикаси фанидан)**


**Қоғоздан мозаика усулида мевалар шаклини ясаш технологияси  
тақдимоти Саволлар**

1. Аппликация қандай саънат?
2. Аппликация сўзининг маъноси?
3. Аппликация қаерларда ишлатилади?
4. Аппликация қаерда ва қайси халқлар орасида пайдо бўлган?
5. Аппликациянинг асосий материаллари

- Predmetli applikatsiya va geometrik figuralar xaqida bilimga ega bo’ladi;
- Geometrik figuralardan predmetli applikatsiya yasash haqida o’rganadi;
- Geometrik figuralardan predmetli applikatsiya yasash texnologiyasini o’rganadi;
- Amaliy ishini taqdimot qiladi, xato va kamchiliklarni to’g’irlaydi, baholanadi;

| Гурұхла<br>р   | <i><b>Баҳолаш күрсаткичлари ва мезонлари</b></i>        |  |   |                      |
|----------------|---|--|---|----------------------|
|                | <i><b>Ии жойини<br/>түгри<br/>ташил<br/>этимиши</b></i> | <i><b>Саволларга<br/>жавоб бериш</b></i> | <i><b>Геометрик<br/>фиг.пред.<br/>аппликация ясаш</b></i> | <i><b>Жами</b></i>   |
|                | <i><b>0,5-балл</b></i>                                  | <i><b>0,5-балл</b></i>                   | <i><b>2-балл</b></i>                                      | <i><b>3-балл</b></i> |
| <b>1-гурұх</b> |   |  |   |                      |
| <b>2-гурұх</b> |   |  |   |                      |
| <b>3-гурұх</b> |   |  |   |                      |
| <b>4-гурұх</b> |   |  |   |                      |
| <b>5-гурұх</b> |   |  |   |                      |

### **Тақдимотни баҳолаш мезонлари ва күрсаткичлари**



### **Геометрик фигуралардан предметли аппликация ясаш технологияси**

Иш мавзуу ва фикрни танлашдан бошланади;

- Очиқ тондаги қофоз ва фон танланади;
- Аппликация мўлжалланган тасвир ва элементлар миқдори қофозни танлашни белгилайди;

- Тасвир устида ишланганда асосий эътибор танланган мавзунинг мазмунига, керакли материаллар, уларнинг ўлчамлари, рангларини танлашга қаратилади.
  - Тасвир ҳажмига кўра энг катта элемент асосий мавзуга мос элемент бўлиши керак.
    - Тасвирлаш лозим бўлган материаллар ёрдамида фигура ва предметларнинг ҳолати аниқланади;
    - Тасвирланган ҳодисаларнинг уйғунлигига эришилади;
    - Тасвирнинг барча деталлари, ҳатто энг кичиклари ҳам қофоздан қирқилади, уларни чизмаслик керак;
    - Тайёрланган деталлар елимланадиган сатҳ, яъни фонга жойлаштириллади ва ўйланган тасвир ҳосил қилинади;
    - Агарда бу тасвир маъқул бўлмаса деталлар бошқача жойлаштириллади;
    - Деталларни ёпиштиришда жойни адаштирмаслик учун уларнинг ўрнини қалам билан белгилаб қўйилади;
    - Мисол тариқасида энг оддий геометрик шакл – квадратни олиб, унинг алмашинишини ҳосил қилиш учун турли ҳолатларда жойлаштириб қўрамиз.
    - Ишни бошлаш учун марказни топиш, симметрия ўқини ўтказиш ва элементларни шунга кўра жойлаштириш лозим.



## Таркатма материаллар

## **1. Предметли апликациянинг асосий материали**

#### **4. Кесувчи асбоб номини топинг?**

### **Мустақил иш топшириқлари**

1. Картондан геометрик шаклларни ясанг
2. Геометрик фигуралар асосида табиат мавзусида аппликация ясаш  
**Аппликация усулида мева ясаш**

1.Рангли қоғозни бўлакларга бўлиб оламиз.




2.Қоғоз бўлагини майда қилиб учбурчак, тўртбурчак доира шаклларда кесиб оламиз.

3.Нокнинг расмини чизиб оламиз.

4.Майдаланган қоғоз бўлакларини расмга ёпиштириб чиқамиз

Ўқитувчи дарс жараёнида парталарни оралаб юриб, ўқувчиларга керакли кўрсатмаларни бериб боради. Яхши ва ёмон бажарилаётган ишлардан намуналар кўрсатиб тегишли амалий ёъл-ёъриқлар беради.

### **Қоғоздан мозаика ишларидан намуналар**



### **Мустақил иш топшириқлари**

1. Мозаика усулида мевалар шаклини ясанг.
2. Мозаика усулида ясалган мевага оид топишмоқлар тузинг.

**З-машғулот. Мутахассислик фанларини ўқитиш шакли, метод ва воситалари, мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш методикаси (2соат).**

**(Табиатшунослик ўқитиш методикаси фани бўйича)**

Тингловчиларни фаолаштриувчи саволлар?

1. Ахборот нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
2. Қандай ахборотлар ички ва ташқи ахборот дейилади?
3. Ахборотлар билан ишлашда қандай муаммоларни ҳал этиш лозим?
4. Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари нималардан иборат?
5. Мутахассислик ўқитишда интернет манбаларидан фойдаланиш имкониятлари изоҳланг?

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (Тингловчининг вазифалари). Тингловчи бу мавзуни ўзлаштиргандан сўнг куйидагиларни билади:

- Таълим жараёнидаги ахборотлар тўғрисида тушунчага эга бўлади;
- Таълим жараёнини ахборот билан таъминлашни ўрганади;
- Ахборотдан фойдаланиш турлари ва уларнинг классификациясини ўрганади, ҳамда уларни таҳлил қиласди.
- Мавзуга тааллуқли бўлган хуқукий-меъёрий хужжатларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунчага эга бўлади.

**Таянч иборалар:**

Ахборот, коммуникация. Коммуникацион жараён, бошқариш техникаси, вертикал коммуникация. Горизонтал коммуникация, ахборотни алмасиши жараёни, ахборотни узатиш каналлари, фильтраци, кайта алоқа.

**Таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш.**

“Информация” ахборот - атамаси лотинча сўз бўлиб, хабардорлик, бирор ҳодиса ёки бирор киши фаолияти ҳақида хабарга эга бўлиш маъносини билдиради. Ахборот бошқарув тизимида уни ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида фаол таъсир этиш учун зарур маълумотлар йиғиндисидан иборатдир. Етарли ва аниқ ахборотга эга бўлмай бошқариш мумкин эмас.

Ишлаб чиқариш ахбороти бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлар ўртасида алоқа усулидир. Бошқарувчи тизим бошқариладиган тизимдан ишлаб чиқариш холати ва унинг хўжалик фаолияти тўғрисида ахборот олади. Бошқарувчи тизим олинган ахборот асосида бошқарилувчи тизим фаолиятига баҳо беради, бошқаришни янада такомиллаштириш мақсадида кўрсатма, фармойишлар чиқариб, бошқарилувчи тизимга ижро учун юборади.

Ахборот бошқарув тизимида алоҳида бўғин бўлиб ҳисобланади. Унга қатор ўзига хос хусусиятлар мансуб бўлиб, улар ахборот бошқарувининг барча бўғинлари, барча вазифаларини қамраб олишига боғлиқдир. Ахборот - бу бошқарув аппарати фаолиятининг ҳам дастлабки нуқтаси, ҳам натижасидир, шунингдек, амалга оширилаётган ҳаракатлар мавжудлиги шарти,

мустақкамлаш усулидир. Ахборот хажми ортиши билан бошқарув ахборотининг сифат кўрсаткичларига бўлган талаб ҳам ортиб боради.

Бошқариш жараёни бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида ахборот тўплаш, узатиш ва қайта ишлаш, бошқарув буйруқлари кўринишида ахборот бериш ва уни ижро чиларга етказишдан иборат.

Ахборотнинг қўйидаги турлари мавжуд: статистик, оператив, иқтисодий, ҳисоб, молия, таъминот, кадрлар бўйича, технологик, конструкторлик, маркетинг, ижтимоий ва бошқалар.

Ишлаб чиқаришни бошқаришда иқтисодий ахборот алоҳида ўрин эгаллайди, чунки у кишиларнинг моддий бойликларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлиш ва истеъмол қилиш жараёнидаги мносабатларини акс эттиради. Шу билан бирга фан-техника тараққиёти асосида ишлаб чиқариш ривожланишини акс эттирувчи илмий-техникавий ахборот аҳамиятини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Келиб чиқиш манбаасига боғлиқ равишда ахборот ташқи ва ички ахборот турларига бўлинади. Ташқи ахборот ташқи муҳитдан олинадиган хабарлардан иборат бўлади. Булар жумласига юқори ташкилотлар фармойишлари, режа топшириқлари, маҳсулотни сотиш шартлари ҳақида ахборотлар киради. Ички ахборот корхона ёки унинг бошқарув бўғинида шаклланиб, истеъмол қилинади. Корхона миқёсида улар жумласига цехлар томонидан режанинг бажарилиши, моддий-техникавий таъминот, маҳсулот таннархи, кадрлар, меҳнат унумдорлиги ҳақида ахборотлар киритилиши мумкин.

Йўналиши бўйича ахборот - бошланғич ва бошқарувчи (раҳбарлик) ахбороти турларига бўлинади. Раҳбарлик ахбороти бошланғич ахборотни қайта ишлаш асосида қарор қабул қилиш натижасидир. Бошланғич ахборот доимо бошқарув тизимининг қўйи даражасидан юқорироқ даражага қараб ҳаракат қиласи, раҳбарлик ахбороти эса тескари йўналишда ҳаракатланади.

Ахборот вақт ўтиши билан турли аҳамият касб этади. Барқарорлик даражаси бўйича уни барқарор шартли-барқарор, ўзгарувчан турларга бўлиш мумкин. Барқарор ахборот узоқ муддат давомида ўз аҳамиятини ўзгартирмайди (корхона, унинг бўлинмалари номи, маҳсулот тури). Шартли-барқарор ахборот аҳамияти маълум муддат давомида сақланиб туради. Корхона миқёсида бундай ахборотга турли меъёр ва меъёрий хужжатларни (моддий, меҳнат сарфи, тарифлар меъёрлари)ни киритиш мумкин. Ахборотнинг бундай тури корхона бўйича умумий ахборотнинг 35% дан кўпини ташкил этади. Ўзгарувчан ахборот бошқарув обьекти фаолияти ва унга мос ҳолда бошқарув жараёнлари ўзгарувчанлигини акс эттириб, қарор қабул қилиш учун тез қайта ишлашни талаб этади.

Бошқарув фаолиятида шунингдек, бошланғич ахборотни қайта ишлаш натижасида олинган хосила (иккиламчи) ахборотдан ҳам фойдаланилади.

Ахборотни рўйхатга олиш ва сақлаш мақсадида уни сақловчи турли воситалар инсон хотираси, хужжат, перфорация карталари, магнит ленталари, барабан диск, электр импульслар комбинациясидан фойдаланилади.

Ахборот йигиндиси бошқарувнинг ахборот тизимини ташкил этиб, у бошқарув жараёнини ахборот билан таъминлаш шаклида намоён бўлади.

Ахборот тўғри, аниқ, ўз навбатида, объектив. Мазмунли ва қарорларни қабул қилиш учун тушунарли бўлиши керак. Ахборот хажми жиҳатидан кичик, мазмун жиҳатидан чуқур, унинг матни тушунарли ва содда бўлиши лозим. Корхонани ахборот билан тўғри алоқалар кўринишидаги турли-туман ахборот оқимлари воситасида таъминланиб, улар аниқ ишлаб чиқариш вазифасини хал этиш имконини беради.

Замонавий йирик корхоналарда ахборот хажми миллион хужжат сатригача этади, бу ўринда барча ахборот тез қайта ишланиши зарурлигини ҳам инобатга олиш зарур. Масалан, Тошкент авиация заводида қундалик бирламчи ахборот миллион кўрсаткични ташкил этади. Бундай шароитда ахборот билан ишлашни ташкил этиш бўйича қуйидаги қатор муаммоларни хал этиш лозим бўлади:

- мақбул ахборот тизимини ишлаб чиқиши;
- ахборот ақимларини шакллантириш усулларини ишлаб чиқиши;
- ахборот қабул қилиш ва юборишнинг мақбул усулларини танлаш;
- ахборотни сақлаш ва излашни ташкил этиши;
- ахборотни қайта ишлаш жараёнини механизациялаш ва автоматлаштириш.

Бу йўналишда олиб бориладиган барча ишлар ахборотни йиғиш ва қайта ишлашнинг ягона умумдавлат тизимини яратишни таъминлаши зарур. Ахборотлар йифиндиси бошқарувнинг ахборот тизимини ташкил этади. Ахборот тизими - хужжатлар ахборот оқимлари, алоқа каналлари ва бошқарув объектининг техникавий воситаларини қамраб олувчи мураккаб ахборот мажмуудир. Бошқарув объектининг қандайдир бир қисми бўйича ахборот йифиндиси кичик тизимни ташкил этади. Мақбул ахборот тизимини ташкил этиш бошқарувнинг у ёки бу ташкилий тизимини лойихалаштириш ва унинг самарали фаолият юритишининг муҳим шартларидан бўлиб ҳисобланади.

Ахборот тизимлари оддий ва мураккаб тизим бўлиши мумкин. Оддий ахборот тизими уни қайта ишлашни талаб этмайди, ахборот манбасидан у истеъмол қилиниши жойигача етказишида ўзгариш юз бермайди. Бундай ахборот телефон ёки бошқа хабар бериш воситалари ёрдамида бир марта берилувчи хабар сифатида етказилади. Мураккаб ахборот тизимлари ахборотни қайта ишлашнинг механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражаси бўйича турларга ажратилади. **Биринчи** гурухга қўлда ёки энг оддий механизмлар ёрдамида қайта ишланувчи ахборот тизимлари киради.. **Иккинчи** гурухга ахборотни тўплаш, қабул қилиш ва қайта ишлашда механизация кенг қўлланиладиган ахборот тизимлари киради. **Учинчи** гурухга маълумотларни комплекс механизация воситаси билан бирга автоматлаштириш элементларини қўллаб қайта ишлаш ва тўплаш қўлланилган ахборот тизимлари киради. Ахборот қабул қилиш, узатиш ва қайта ишлаш цикли автоматлаштирилган ахборот тизими тўртинчи гуруҳни ташкил этади.

Ахборотни қайта ишлашда ЭҲМлар қўлланиладиган бошқарув тизимлари автоматлаштирилган бошқарув тизими (АБТ) номини олган. АБТ қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ахборот қабул қилиш;
- ахборотни қайта ишлаш;

- ахборотни сақлаш, йиғиш;
- бошқарув ташкилотига ахборот бериш;
- ижрочиларга буйруқ узатиши.

Илғор ахборот тизимини лойихалаштириш жараёни қуидаги вазифаларни амалга оширишга асосланиши лозим:

- корхонада мавжуд ахборот тизимини тахлил қилиш, ахборотнинг асосий йўналишларини ўрганиш;
- ахборот тизимининг иқтисодий-моделини ишлаб чиқиши; зарур ахборот хажми ва мазмунини аниқлаш;
- ахборот тўплаш ва қайта ишлаш учун техникавий воситаларни аниқлаш;
  - ахборотни қайта ишлаш технологиясини яратиши;
  - ахборот вужудга келиши ва фойдаланиш даврийлигини белгилаш;
  - корхонада қўлланиладиган ахборот учун шифрлар тизимини яратиши;
  - ахборотни узатиши ва қайта ишлашни автоматлаштириш ва механизациялаштириш қулай бўлиши учун стандарт маълумотларни лойихалаштириш;
- лойихалаштириш жараёнида олинган барча материалларни тартибга солиш ва расмийлаштириш.

Бозор шароитида ишлаб чиқариш ахборот тизимларини улар ривожланиши ва лойихалаштиришга тизими ёндашиш асосида комплекс ташкил этишини талаб этади. Бу талабларга маълумотларни қайта ишлашнинг интеграцион тизими жавоб беради. Уни турли даражадаги замонавий ҳисоб машиналари, ЭҲМ, инсон машина тизимини ҳар томонлама қўллаш асосида лойихалаштириш мумкин

Таълим ахборот техникаси - бу ақлий меҳнат техникаси, бошқарув тизимида ахборотни қайта ишлаш техникаси, бошқарув тизимида ахборотни қайта ишлаш техникаси. Техника воситалари қанчалик такомиллашган бўлса бошқарув технологияси, бошқарув меҳнатини ташкил этиш ва бутун бошқарув жараёни шунчалик самарали бўлади. Ҳисобларга асосан мамлакат иқтисодиётини мақбул бошқариш учун йил давомида 10 та элементар арифметик операция бажариши зарур бўлса, бошқарув аппарати ходимлари 10 та, яъни 10 минг марта кам операция бажариш қобилиятига эга эканлар. Бу муаммони муваффақиятли хал этиш учун бошқарув меҳнатини такомиллаштириш, ахборот тўплаш ва қайта ишлашни механизациялаш ва автоматлаштириш зарур. Бошқарув техникасини фақат ҳисоблаш машиналари билангина боғлаш нотўғридир. Дастреблабки техника воситалари 100 йил бурун пайдо бўлган ручка, чизғичдан тортиб ЭҲМ ва компьютергача бўлган техника воситаларини қуидаги икки гурӯҳга ажратиш мумкин: оргтехника ва ҳисоблаш машиналари.

Оргтехника воситаларига жуда турли-туман ускуна ва қуроллар (оддий қурол ва восита, ахборот олиш ва қайта ишлаш, кўчириш, кўпайтириш, алокা воситалари ва ахборот узатиши, хизмат кўрсатиши, хизмат хоналари ускуналари) киради. Бошқарув меҳнати турли оддий қурол ва ускуналардан (қалам, ручка, идора дафтарлари, жадвал, график ва бошқалар) фойдаланишга асосланади. Энг

сүнгги авлоддаги ЭХМ ва компьютерлар оддий техника воситалари (қалам ва чизгич) ўрнини тўлиқ боса олмайди. Қулай, оддий чидамли бу воситалар техника воситалари сингари жуда муҳимдир. Оддий қурол ва ускуналарни ахборотни қайта ишлаш босқичлари бўйича гурухларга ажратиш мумкин. Бу аввало ёзув воситалари (қалам, ручка, мўйқалам, трафарет), тасвир воситалари (график, диаграмма, назорат ва нозирлик ойналари, маршрут схемалари), хужжатлар сақлаш воситалари (токча, конверт, картотека, пефокарта ва х.к.), ахборот қабул қилиш ва мустаҳкамлаш воситалари (тарози, соат, ҳисоб машинаси, ўлчов воситалари, кўчирувчи машиналар), алоқа воситалари (телефон, АТС, раҳбар ва диспетчер коммутатори, радио алоқа, радиофон, сигнал ускуналари, овоз бериш ускуналари), ахборот узатувчилар (овоз, нур, карточка, ойна, металл), бошқарув машиналарида қўлланиладиган ахборот узатувчилар (магнит ленталари, дисклар, қофоз).

Ахборот - бошқарув учун зарурий хабар ва маълумотлар мажмуидир. Ахборотсиз бошқарув бўлмайди. Бошқарувчи ва бошқарилувчи системалар ўртасидаги боғлиқлик шакллари ишлаб чиқариш ахборотларидир. Иқтисодий ахборот - менежментда асосий роль ўйнайди. Ахборот системалари мураккаб ахборот тузилмалари бўлиб, у турли хужжатларни, ахборот оқими, алоқа каналлари, техник воситалар, автоматлаштирилган бошқарув системаларини ўз ичига олади. Раҳбар қабул қилган бошқарув қарорлар ва унинг маъноси ахборот хизматларига боғлиқ.

Коммуникация жараёни - бу икки ва ундан ортиқ одамлар ўртасидаги ахборот алмашиш жараёнидир. Компьютерлар нафақат ишлаб чиқаришни бошқариш учун, балки иқтисодиётнинг барча жабҳаларига керак

### **ИНТЕРНЕТДА ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР**

- Интерактивлик тушунчаси;
- Интерактив хизматлар тушунчаси;
- Интернет тармоғи орқали кўрсатиладиган интерактив хизмат турлари;
- Об-ҳаво маълумотлари, Янгиликлар;
- Теледастурлар ва радиоэшиттришлар дастури;
- Давлат бошқарув ва хўжалик юритувчи органларнинг веб сайtlари орқали кўрсатиладиган интерактив хизматлар.

**Интерактивлик тушунчаси.** Интерактивлик деганда биз, фақатгина, биз ўрганаётган фан кесимида техник воситалар, компьютер, уларнинг дастурлари ҳамда фойдаланувчилар орасидаги ўрнатилган мулоқатни ташкил этиш тушунилади. Демак, Компьютер дастурлари шундай яратилганки, Биз у ёрдамида компьютер билан мулоқат ўрнатамиз.

Умуман олганда интерактивлик бу мулоқат тизимини ташкил этиш билан боғлиқ. Яъни, мақсадга кўра тизим элементлари орасидаги ахборий маълумотлар алмашинуви. Ушбу тушунча ахборот назарияси, информатика ва дастурлаш, телекоммуникация тизимлари, социология ва бошқа соҳаларда қўлланилади.

**Интерактив хизматлар тушунчаси.** Интерактивлик орқали фойдаланувчи моддий, маънавий, ижтимоий, иқтисодий, ахборий ва ишлаб


чиқаришнинг турли манбаларидан қўриладиган манфаат мавжуд бўлса, унга интерактив хизмат қилинган деб тушунилади. Яъни, компьютер дастурлари орқали фойдаланувчига интерактив хизмат ташкил этилган деб тушунилади.

**Интернет тармоғи орқали қўрсатиладиган интерактив хизмат турлари.** Ҳозирги вақтда, Хукуматимиз томонидан интерактив хизматларни шакллантириш, ташкил этиш ва уларни бошқаришга катта эътибор берилмоқда. Интерактив хизматларни ташкил этишнинг энг тез ва яхши йўли, бу, уларни интернет тармоқлари орқали амалга ошириш хисобланади.

Интернет тармоғи орқали қўрсатиладиган интерактив хизмат турларига қўйидагилар киради:

**Об ҳаво маълумотлари.** Республика барча вилоятлари ва Тошкент шахри хамда ҳалқаро миқёсда об - ҳаво ҳақидаги маълумотларни қўйидаги, Ўзбекистонда яратилган веб саҳифалардан аниқлаш мумкин. [ob-havo.uz](http://ob-havo.uz); [www.pogoda.uz](http://www.pogoda.uz) ; [www.meteoprog.uz](http://www.meteoprog.uz).

Об-ҳаво прогнози бўйича энг тўлиқ маълумотларни [www.meteoprog.uz](http://www.meteoprog.uz) веб саҳифасидан олиш мумкин. Саҳифа дизайнни ҳам фойдаланувчилар учун жуда кулай.



**Янгиликлар.** Ўзбекистон Республикасида фаолиятлари дорасида олиб борилаётган асосий янгиликлар мажмуасини [iza.uz](http://iza.uz), [gov.uz](http://gov.uz) ҳамда [desk.uz](http://desk.uz) веб сайтлари орқали топиш мумкин. Ушбу веб саҳифаларда Давлат бошқарув ва хўжалик юритувчи органлар веб саҳифалари орқали қўрсатиладиган интерактив хизматлари, улар фаолияти ҳақидаги янгиликлар, хабарлар мавжуд.

**Теле ва радиоэшиттириш дастурлари.** Ўзбекистон миллий телерадио компанияси маълумотлари ва теледастурлар жадвалини ҳамда уларнинг

фаолияти билан боғлиқ бўлган маълумотларни қуидаги веб саҳифалардан олишингиз мумкин. [www.mtrk.uz](http://www.mtrk.uz)

|   |  |
|---|--|
| <b>4-МАШГУЛОТ</b>   | <b>Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида педагогик технологияларидан фойдаланиш методикаси</b>  |
| <b>Амалий машғулотини таълим технологияси</b>   |  |
| <b>Вақт: 2 соат</b>   | Тингловчилар сони 20 нафар   |
| <b>Ўқув машғулотининг шакли</b>   | Амалий машғулот  |
| <b>Ўқув машғулотининг режаси</b>  | <ol style="list-style-type: none"> <li>Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида педагогик технологияларнинг максади, мазмуни ва вазифаларини таҳлил қилиш.</li> <li>Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида “Педагогик технологиялар” мавзусига тақдимот тайёрлаш</li> <li>Педагогик технологияларни ва анъанавий таълимни хусусиятларини ўзаро таққослаш.</li> </ol>                 |
| <b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида педагогик технологияларидан фойдаланиш методикасини йўритиш;  |  |
| <b>Педагогик вазифалар:</b>   | <b>Ўқув фаолият натижалари:</b>  |
| <ol style="list-style-type: none"> <li>Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида педагогик технологияларнинг максади, мазмуни ва вазифаларини таҳлил қилиш.</li> <li>Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида “Педагогик технологиялар” мавзусига тақдимот тайёрлаш</li> <li>Педагогик технологияларни ва анъанавий таълимни хусусиятларини ўзаро таққослаш</li> </ol> | <ol style="list-style-type: none"> <li>Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида педагогик технологияларнинг максади, мазмуни ва вазифаларини таҳлил қиласидилар.</li> <li>Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида “Педагогик технологиялар” мавзусига тақдимот тайёрлайдилар</li> <li>Педагогик технологияларни ва анъанавий таълимни хусусиятларини ўзаро таққослайдилар.</li> </ol> |
| <b>Таълим усуллари</b>  | сухбат, баҳс-мунозара, муҳокама қилиш, фикр алмашиш  |
| <b>Таълимни шакллантириш шакли</b>  | Оммавий ва гхурух билан ишлаш  |
| <b>Таълим воситалари</b>  | Проектор, қоғоз, маркер, доска, бўр  |
| <b>Таълим бериш шароити</b>   | Жиҳозланган аудитория  |

## Амалий машғулотнинг технологик харитаси


| Фаолият босқичлари                        | Фаолият мазмуни  |  |
|---|--|--|
|   | педагог  | тингловчи  |
| 1-босқич.<br>Кириш<br>(10 дақиқа)         | <p>1.1. Аудиториянинг ва тингловчиларнинг дарсга тайёрлик даражаси текширилади.</p> <p>1.2. Фаоллаштирувчи саволлар билан талабаларга мурожат этади (1- илова).</p>  | Саволларга жавоб берадилар.  |
| 2-босқич.<br>Асосий босқич<br>(55 дақиқа) | <p>2.1. Педагогик технологияларнинг шаклланиш босқичларини кетма-кетлигини жуфтликларда фаолият кўрсатган холда ўрнатишни ташкил этади ( 2-илова)</p> <p>2.2. Бажарилган топшириқни тақдимотини ташкил этади.</p> <p>2.3. Педагогик технологияларнинг хусусиятларига бағишлиланган кластерни тўлдирадилар (3-илова)</p> <p>2.4. «Педагогик технология» тушунчасига синквейн усули асосида кичик гурӯҳларда характеристика беради. (4- илова)</p> <p>Берилган вазифани таҳлил қиласидан ва энг яхши синквейн тузган тингловчилар рағбатлантирилади.</p> | <p>2.1. Жуфтлик-да фаолият кўрсатадилар.</p> <p>2.2. Тақдимот қиласидилар.</p> <p>2.3. П/Т нинг хусусиятларига бағишлиланган кластерни тўлдирадилар.</p> <p>2.4. Синквейн асосида фаолият кўрсатади.</p> |
| 3-босқич<br>Якуний.<br>( 10 дақиқа)       | <p>3.1. Мавзу бўйича якуний хуносаларни айтиб ўтади.</p> <p>3.2. Тингловчиларнинг дарс давомидаги фаолиятини таҳлил этади ва баҳолайди.</p>  | <p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>3.2. Топшириқни ёзуб олади.</p>   |

1-илова


### **Фаоллаштирувчи саволлар:**

1. Сиз технологияларнинг қайси турларини биласиз?
2. Интерфаол методга мисол келтиринг?
3. Замонавий ўқитиш технологияларининг аҳамиятини тушунтиринг?
4. Нима учун педагогик технология лойиҳаланади, мисоллар асосида асослаб беринг?

**Педагогик технологияларни шаклланиш босқичларини тартиб рақамларга мос ҳолда ёзинг ва изоҳ беринг.**



**Педагогик технологияларнинг хусусиятларини бўш доирачалар ичига ёзинг**



**“Педагогик технологиялар” тушунчасини синквейн технологияси асосида тавсифланг.**

«Синквейн» тушунчаси бешлик деган маънони билдиради ва ўрганилаётган тушунчани ҳар томнлама ифодалашни тақазо этади.

**Синквейн тузиш қоидаси**

1. Бир сўздан иборат от( тушунча берилади)
2. Тушунчани икки сўздан иборат гап билан сифатлаш талаб этилади.
3. Тушунчани уч сўздан иборат феъл билан ифодалаш талаб этилади.
4. Тушунчага нисбатан ўз муносабатингизни билдиринг.
5. Тушунчани бир сўздан иборат бўлган синоним билан ифодаланг.

|                     |   |
|---------------------|---|
| <b>5-6-МАШГУЛОТ</b> | <b>Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида педагогик технологияларидан фойдаланиш методикаси</b> |
|---------------------|---|

**Амалий машғулотини таълим технологияси**

|                                    |  |
|------------------------------------|--|
| <b>Вақт: 4 соат</b>                | Тингловчилар сони 20 нафар   |
| <b>Ўқув машғулотининг шакли</b>    | Амалий машғулот  |
| <b>Ўқув машғулотининг режаси</b>   | <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида педагогик технологияларнинг максади, мазмуни ва вазифаларини таҳлил қилиш.</li> <li>2. Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида “Педагогик технологиялар” мавзусига тақдимот тайёрлаш</li> <li>3. Педагогик технологияларни ва анъанавий таълимни хусусиятларини ўзаро таққослаш.</li> </ol>  |
| <b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> | Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида педагогик технологияларидан фойдаланиш методикасини йўритиш;  |
| <b>Педагогик вазифалар:</b>        | <p><b>Ўқув фаолият натижалари:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида педагогик технологияларнинг максади, мазмуни ва вазифаларини таҳлил қилиш.</li> <li>2. Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида “Педагогик технологиялар” мавзусига тақдимот тайёрлайдилар</li> <li>3. Педагогик технологияларни ва анъанавий таълимни хусусиятларини ўзаро таққослайдилар.</li> </ol> |

|  |          |   |
|--|----------|---|
| анъанавий хусусиятларини ўзаро таққослаш | таълимни |   |
| <b>Таълим усуллари</b>                   |          | сухбат, баҳс-мунозара, муҳокама қилиш, фикр алмашиш |
| <b>Таълимни шакллантириш шакли</b>       |          | Оммавий ва гхуруҳ билан ишлаш                       |
| <b>Таълим воситалари</b>                 |          | Проектор, қофоз, маркер, доска, бўр                 |
| <b>Таълим бериш шароити</b>              |          | Жиҳозланган аудитория                               |

### **Амалий машғулотнинг технологик харитаси**

| Фаолият босқичлари                        | Фаолият мазмуни  |   |
|---|--|---|
|   | педагог  | тингловчи   |
| 1-bosқич.<br>Кириш<br>(10 дақиқа)         | 1.1. Аудиториянинг ва тингловчиларнинг дарсга тайёрлик даражаси текширилади.<br>1.2. Тингловчиларни фаоллаштириш мақсадида “Тушунчалар таҳлили” методидан фойдаланилади. (1- илова). | Саволларга жавоб берадилар.   |
| 2-босқич.<br>Асосий босқич<br>(55 дақиқа) | 2.1. Кичик гурӯҳларда педагогик технологияларни амалда қўллашга оид топшириқ берилади. ( 2-илова)<br>2.2. Бажарилган топшириқни тақдимоти ташкил этилади.                            | 2.1.Кичик гурӯҳларда фаолият кўрсатадилар.<br>2.2.Тақдимот қиласилар. |
| 3-босқич<br>Якуний.<br>( 10 дақиқа)       | 3.1. Мавзу бўйича якуний хуносаларни айтиб ўтади.<br>3.2. Тингловчиларнинг дарс давомидаги фаолиятини таҳлил этади ва баҳолайди.   | 3.1. Эшитади, аниқлаштиради.<br>3.2. Топшириқни ёзиб олади.           |

#### **1-илова**

##### Тушунчалар таҳлили

|                      |         |
|----------------------|---------|
| Тушунчалар           | Мазмуни |
| Тадқиқот             |         |
| Методика             |         |
| Педагогик технология |         |
| Инновация            |         |

|                    |  |
|--------------------|--|
|                    |  |
| Маъруза            |  |
| Семинар            |  |
| Амалий<br>машғулот |  |

### Текшириш учун жавоблар:

| Тушунчалар           | мазмуни   |
|----------------------|---|
| Тадқиқот             | бу «жамият учун аҳамиятли маълумотларни олишга қаратилган илмий фаолият натижалари ва жараёни»  |
| Методика             | Маълум ўқув фанини ўқитиш ҳамда тарбиявий ишлар қонуниятларини тадқиқ қиласи.   |
| Педагогик технология | Ўқувчини мустақил ўқишига, билим олишга, фикрлашга ўргатишини кафолатлайдиган жараён  |
| Инновация            | (инглизча инноватион) – янгилик киритиш, янгиликдир   |
| Маъруза              | Ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий шаклларидан бири бўлиб, ўқитувчининг слайдшоу ва фильмлар намойиши билан бойитилган таълим материалларнинг оғзаки, монолог, тизимли, изчил тақдимоти  |
| Семинар              | Ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий шаклларидан бири бўлиб, талабаларнинг ўқитувчи раҳбарлигига назарий масалаларни жамоавий мунозара этиш  |
| Амалий машғулот      | Ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий шаклларидан бири бўлиб, ўқитувчи раҳбарлигига талабалар томонидан фаннинг илмий-назарий асосларини ўзлаштириш, ижодий фаолияти қўникмасини шакллантириш ва тажриба орттириш, техник воситаларидан фойдаланиш бўйича амалий ишларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш мақсадида ўқув вазифаларни бажаришдан иборат |

**Кичик гурухлар учун топшириқлар:****1- Топшириқ.****2- «ПЛЮС, МИНУС, ҚИЗИҚ» усулида топшириқ тайёрланг.**

«Плюс, минус, қизиқ» усули – фикрловчини дастлаб вазиятнинг барча деталларини ўрганиб, факат шундан кейингина хulosалар чиқаришга ўргатади. Ушбу метод орқали муаммонинг ечимини топишда аввал вазиятнинг барча ижобий томонлари ўрганилади, сўнг эса барча салбий томонлари баҳоланади ва ниҳоят унинг қизиқ томонларига эътибор берилади. Метод бир вақтда ҳам ўрганиш, ҳам баҳолаш усули ҳисобланади.

**Технологиянинг бориши:** ўқувчи (талаба) ларни гурухларга бўлиб, ҳар бир гурухга муайян муаммо юзасидан вазиятлар ёзилган карточкилар тарқатилади. Ўқувчи (талаба) лар вазиятни диққат билан ўрганиб, сўнг уни аввал фақат «+» ижобий томонларини, кейин фақат «-» салбий томонларини ва ниҳоят фақат «қизиқ» томонларини яъни на ижобий ва на салбий деб аташ мумкин бўлмаган томонларини ажратиб ёзадилар. Технология сўнггида ҳар бир гурухнинг чиқарган хulosаси ўқиб эшиттирилади.

**2-топшириқ****Сўз ва иборалар устида ишлашда ўйинлардан фойдаланиш****“Сканердан маънодош сўзларни топ” ўйини**

1-топшириқ. Сканердан маънодош сифатларни, отларни, феълларни топинг.

| т | й | р | а | к | қ | у | о | п | х |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| з | ч | п | е | у | у | и | д | а | с |
| ҳ | ў | е | қ | н | й | т | н | й | т |
| а | ч | й | л | е | о | ф | т | о | б |
| й | и | с | ж | б | ш | д | қ | р | р |
| и | м | а | с | м | а | с | а | п | н |
| қ | о | о | е | н | е | з | м | е | е |
| м | қ | у | з | и | й | р | а | к | б |
| о | е |   | г | и | р | ф | р | е | м |
| қ | ў | р | қ | м | о | қ | й | у | н |

2-топшириқ. Маънодош сифатларни, отларни, феълларни қатнаштириб гаплар тузинг.

3-топшириқ. Тузган гапларингиз иштирокида матн тузинг.

Топшириқнинг жавоби: Маънодош сифатлар учта; маънодош отлар 5 та; маънодош феъллар 3 та. *Сезгир, зийрак, тийрак; қуёш, шамс, қамар, офтоб, кун; қўрқмоқ, ҳайиқмоқ, чўчимоқ*

**3-топшириқ****Мавзу ёки бўлим юзасидан билимларни жадвалга жойлаштириш.****“Сўзсиз жадвал”ни тўлдиринг**

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|  |  |  |  |  |

**Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида педагогик****технологиялардан фойдаланиш методикаси.**

(Табиатшунослик ўқитиш методикаси фани бўйича)

**Максад:** Табиатшуносликни ўқитишда фойдаланиладиган дарс турлари билан таништириш. Янги педагогик технология ва фаол педагогик методлар асосида дарс ишланмаларини тузиш ва амалиётда қўллаш.

**Жиҳозланиши:** Дидактик материаллар, тарқатма материаллар.


**Машғулот режаси:**

1. Ташкилий кисм.
2. Ўтилган мавзу юзасидан сухбат.
3. Амалий иш.
4. Тингловчилар билан тажриба алмамшиш
5. Машғулотга якун ясаш.

**Машғулот мазмуни**

1. **Ташкилий кисм.**
2. **Ўтилган мавзу юзасидан сухбат.**

### Кластер түзиш.



Табиатшunosлиkeni ўқитищда дарс турлари. Янги билим бериш, мустаҳкамлаш, аралаш дарсларда фаол методларни қўллаш.

Муаммоли изланиш (муаммоли сұхбат, муаммоли хикоя, муаммоли маъруза, ақлий хужум) методлар гурухи. Мантиқий (индуktiv, дедуктив, таҳлил, қиёслаш, асосий ғояни ажратиш, умумлаштириш) методлар гурухи. Мустақил (дарслик, илмий-оммабоп манбалар, ЭХМнинг таълимий, моделлаштирилган дастурлар, мультимедиалар устида) ишлаш методлар гурухи. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини рағбатлантириш ва асослаш (ўқишига бўлган қизиқишлирини орттириш, дидактик ўйин, ўқув мунозаралари, бурч ва маъсулиятини шакллантириш) методлари гурухи. Назорат ва ўз-ўзини назорат (оғзаки ва ёзма) лабаратория ва амалий иш ўзаро назорат варағи ёрдамида, ЭХМнинг назорат дастурлари воситасида) методлар гурухи.

#### **Амалий иш бажариш.**

Янги педагогик технология ва фаол педагогик методлар асосида дарс ишланмаларини түзиш.

**КЕЙС: Табиатшунослик дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишга оид 15 та маколани ўрганиш ва тахлил қилиш.**

**Кириш.** Табиатшунослик ўқитиши методикаси курсининг асосий мақсади бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларни болаларни табиат билан таништиришда самарали усул, шакл ва воситаларни танлашга, табиат жисмлари ва ходисалари хақида тўлиқ маълумот бериш ва моддий дунёкараш асосларини сингдиришdir.

Фан ва техника ривожланаётган бир вақтда бўлажак ўқитувчилар турли манбаалардан янги маълумотларни мустақил равишда олиш, тахлил қилиш, ўз муносабатини билдириш қўнималарига эга бўлишлари керак. Замонавий таълим технологияларни табиатшунослик дарсларида қўллаш учун, уларни таснифини билиш, янги маълумот топиш ва изланиш мухум яхамиятга эга.

Ушбу технология талабаларни айнан шу мавзуда мустақил иш бажаришда ёрдам беради. “Кейс стади” топшириқни бажаришда талабаларга босқич ма босқич кўрсатмалар беради ва вазифани тўлиқ бажаришини таъминлайди.

**Тавсия этилаётган кейсни ечиш қўйидаги натижаларга эришишга имкон беради:**

- 1) мустақил равишда турли манбалардан мақолаларни тахлил қилиш қўнималарини эгаллаш
- 2) педагогик технология ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш;
- 3) топширикларни ҳал этиш орқали табиатшунослик дарсларида турли стратегияларни қўллашни ўзлаштириш;
- 4) ноанъанавий дарсларни ўтказишни ўрганиш;
- 5) мустақил равишда мақола (эссе) ёзиш қўнимасини эгаллаш.

**МУАММОЛИ ТОПШИРИҚЛАРНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ТАҲЛИЛ  
ЭТИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ БҮЙИЧА ТИНГЛОВЧИЛАРГА УСЛУБИЙ  
КЎРСАТМАЛАР**

| Иш босқичлари   | Маслаҳат ва тавсияномалар  |
|---|--|
| 1.Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш                         | Келтирилган адабиёт ва методик журналлардан илғор педагогик технологиялар билан танишинг ва уларнинг мазмунини ўрганинг. Ўрганиб чиқиш вақтида хар бир ўқилган мақолани тахлил қилинг, конспектулаштириб олинг.  |
| 2.Муаммоли топшириқлар билан танишиш                                    | Тақдим этилган турлар мазмуни билан яна бир маротаба танишиб чиқинг. Мақолаларда келтирилган тушунчалар ва жумлаларга диққатингизни жалб қилинг. Турли адабиётларда стратегияларнинг турлари дарснинг қайси босқичида фойдаланишга тавсия этилганлигини, бошланғич синф ўқувчилар ёшига мўлжалланганини аниқланг.  |
| 3.Муаммоли топшириқни тахлил этинг.                                     | Асосий муаммо ва кичик муаммоларга диққатингизни жалб этинг.<br>Асосий муаммо: табиатшунослик дарсларида пед. технологиялардан фойдаланиш.<br>Қуйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қўилинг:<br><ol style="list-style-type: none"> <li>1. Педагогик технология термини нима англатади?</li> <li>2. Анъанавий ва ноанъанавий дарсларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари қандай?</li> <li>3. Технологизация нима?</li> <li>4. Замонавий педагогик технологияларнинг қўллаш қандай шароитда эффектив хисобланади?</li> </ol> Педагогик технологияларни таснифланг, тахлил этинг ёзинг. Бошланғич синф табиатшунослик дарсларида илғор педагогик технологияларни қўллаб дарс ишланма ёзинг. |
| 4.Муаммоли топшириқларни ечиш усул ва воситаларини танлаш хамда асослаш | Педагогик технологияларни таснифлаш учун “Т жадвал”ини тўлдиринг. Тавсифномаларни ёзишда аниқ хусусиятларни белгилаб олишга ҳаракат қилинг. Жадвални тўлдиринг.<br>Танланган мавзуга ишланма ёзишда ананавий дарс конспектини тузиш талабларига риоя қилинг. Тўплаган билимларингиз асосида мақола (эссе) ёзишга ҳаракат қилинг.   |

### “Т” жадвалини тўлдиринг

| Стратегиялар | + | - |
|--------------|---|---|
|              |   |   |

### Кейс билан ишлаш жараёнини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

|                      |  |  |   |                       |
|----------------------|--|--|---|-----------------------|
| Талабалар<br>рўйхати | Стратегияларнинг<br>таснифи тўлиқ<br>келтирилган.<br>мак.2 балл. | Дарс<br>ишланма<br>ишлаб<br>чиқилган.<br>мак.1 балл. | Мавзуга<br>ойид мақола<br>ёзилган.<br>мак.2 балл. | Жами. мак.<br>5 балл. |
|                      |  |  |   |                       |

Эслатма: гурухлар фаолиятини баҳолаш учун юқоридаги жадвалнинг биринчи устунига “гурухлар рўйхати” жумласи қўйилади. Бироқ гурухнинг тўплаган баллари талабаларнинг рейтинг бали ҳисобига киритилмайди. Сиз талабага ҳамкорликда ишлаш унинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қилишини тушунтиришга тайёр бўлинг.

**Умумий ўрта таълим мактаб дарс ишланмаси педагогик  
технологиялардан фойдаланиш методикаси бўйича тақдимоти ва  
муҳокамаси**

**МАВЗУ: “ФАРГОНА ВОДИЙСИ ТУПРОҚЛАРИ, ЎСИМИК ВА  
ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ”**

**Дарснинг таъилмий мақсади:**

Фарғона водийси ва ўз тупроқлари, ўсимиик ва ҳайвонот дунёси ҳақида мъалумот бериш, табиат унсурларини ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш, инсонлар ҳаётида тупроқ, ўсимиик ва ҳайвонот дунёсининг ўрни ҳақида тушинчалар бериш. Тупроқ типлари, ўсимиик ва ҳайвонларнинг ноёб турлари ҳақида маълумот бериш.

### **Дарснинг тарбиявий мақсади:**

Болаларни гурух - гурух бўлиб ишлашга ўргатиш, гулларга, табиатга бўлган меҳрни ошириш, ватанпарварлик, эстетик ва экологик тарбия бериш.

### **Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:**

Илмий асосланган ахборотни ўрганиш ва уни тахлил қилиш. Кўникмаларини ривожлантириш.

### **Дарснинг босқичлари жадвали:**

| <b>№</b> | <b>ДАРСНИНГ БОСҚИЧЛАРИ</b>                             | <b>ВАҚТИ</b>     |
|----------|--|------------------|
| 1        | <i>Ташкилий қисм</i>                                   | <i>2 дақиқа</i>  |
| 2        | <i>Дарс режаси ва баёни</i>                            | <i>20 дақиқа</i> |
| 3        | <i>Ақлий ҳужум</i>                                     | <i>5 дақиқа</i>  |
| 4        | <i>Хулоса</i>  | <i>3 дақиқа</i>  |
| 5        | <i>Ўтилган мавзуларни эслаш</i>                        | <i>10 дақиқа</i> |
| 6        | <i>Уйга вазифа : Кейинг! мавзуга тайёрланиш бўйича</i> | <i>5 дақиқа</i>  |

### **Дарснинг асосий қиснида ўқитувчи ҳар бир гурухлар учун тайёрлаган саволларни тарқатиб чиқади.**

1-гурух саволи: Фарғона водийсида тарқалган тупроқлар ва улар турлари ҳақида маълумот бериш . Сиз яшаётган жойда қандай тупроқлар тарқалган.

2-гурух саволи: Водийдаги хилма - хил ўсимликлар олами ҳақида маълумот беринг.

3-гурух саволи: Фарғна водийсида яшайдиган ҳайвон турлари ҳақида нимаиарни биласиз ?

4-гурух саволи: Водийнинг экологик ҳолати қандай ? Сизнинг фикрингиз?

### **1- ГУРУХНИНГ ЖАВОБИ:**

Фарғона водийси ер шарининг ҳамма жойида тупроқ бир хилда ҳосил бўлган эмас. Бунга ернинг ички ва ташқи кучлари сабаб бўлади, водийда кўпроқ бўз тупроқлар тарқалган. Бу тупроқ водийнинг 1400 м. баландликкача бўлган жойларида тарқалган.

Водийда асосан оч тусли ва оддий бўз тупроқлар, шу билан бирга ўтлоқ тупроқлар кўпроқ учрайди. Оч тусли бўз тупроқлар океан сатҳидан 300-500 м.

баландликларда тарқалган. 600-800 м баландликда оддий бўз тупроқлар улардан юқорида 800-1400 м. жойларда тўқ тусли бўз тупроқлар таркиб топган.

Водий текисликларида ўтлоқ бўз тупроқлар, адирликда ўтлоқ тупроқлар ҳам учрайди. Водийнинг марказий қисмидаги чўлларда сурқандиз тупроқлар билан тақирлар ҳам тарқалган . Дарё водийларининг энг пастқам жойларида, қайирларида ўтлоқъва бўтқоқ тупроқлар учрайди . Бундан ташқари водийда шўрхок тупроқлар ҳам учрайди.



## **2-ГУРУХНИНГ ЖАВОБИ:**

Фарғона водийси ўсимликларга бой бўлиб уларнинг хилма - хил турлари учрайди. Марказий Фарғнанинг дарё соҳилларида ва ер ости сувлари ер юзасига яқин жойларда тўқай ўсимликлари ўсади. Булардан қўға қамиш чирмовуқлар ўт ўсимлик бўлса, буталардан юлғун, чингил, дараҳтлардан тол важийдалар учрайди.

Қумли жойларда юлғун ва сансабенлар учрайди. Текисликларида эса шўра ва шувоқ ўсимликлари учрайди.

Водий атрофидаги адирлар чўлга нисбатан ўсимикларга бойроқдир. Адирларда шувоқ, қўнғирбош, чан бефага, чалов ва буғдойиклар учрайди. Тоғ этакларида эфимирлар кўп тарқалган. Тоғ минтақаси ўсимикларга анча бой бўлиб дўлана ёввойи бодом, ҳандон пистаси ва бошқа мевали дараҳтлар учрайди. Фарғона тизмасининг ғарбий ёнбағирлари ўзининг ёнғоқзорлари, Олой Туркистон тизмалари арчазорлари билан машҳурдир. Тоғнинг баланд жойларида алп ўтлоқлари учрайди.

Водийнинг суғориб дехқончилик қиласиган ерларида мевали боғлар, токзорлар, сабзавот экинлари, полиз пайкаллари ва пахта далаларидан иборат.



#### **4- ГУРУХНИНГ ЖАВОБИ:**

Водийнинг ҳайвонот дунёси марказдан тоғларга қараб ўзгариб боради. Чўлларда ҳар хил ҳашоротлар, илон, юмронқозик, қўшоёқ учрайди. Қушлар ҳам тарқалган. Адирларда илон ва тошбақалар, бўрсиклар учрайди. Аммо чўлларга нисбатан кўпроқ. Тоғларда тулки, бўри, йввойи мушук каби ҳайвонлар учрайди. Қушлардан тўрғай бедана, каклик, бойқуш, булбул ва бургутлар яшайди.

Тўқайларда чиябўри, қирғовул учрайди. Дарё ҳавзаларида зоғорабалиқ, лаққа, чўртсан балиқлар, тоғ дарёларида қорабалиқлар яшайди.



## 4- ГУРУХНИНГ ЖАВОБИ:

Водий ер юзасининг жуда катта қисми маданийлашиб кетган. Бунга сабаб ахолини анча ич жойлашганлигидир. Водийнинг тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига инсоният таъсири жуда катта бўлди.

Водий қирғоқларини жуда кўп, жойларини таркиби бузилиб экологик ҳолати ёмонлашмоқда. Бундан ташқари шўрхок ерлар микдори кўпаймоқда. Буларни албатта олдини олиш чора–тадбирлари ўрганилмоқда. Ўсимликлар оламининг айрим турлари ҳам камайиб кетган. Уларни айримларини муҳофаза остига олинган.

Ноёб ҳайвонларни асрар мақсадида Сирдарё соҳилида 1978- йилда Абдусамат буюртма маскани ташкил этилди. Бу ерда қирғовуллар ва бошқа ҳайвонлар муҳофаза остига олинган.

Ўқувчилар биргаликда гурухлар бўйича тайёрлаган жавобларни бериб бўлганларидан сўнг ўқитувчи улами ютуқ ва камчиликларини ифодалаб тушинтириб беради.

### Ўқувчиларга кейинги топшириқ берилади.

1-гурух учун Фарғона водийси контурини чизиб уни

ўраб турган тоғлар номини ёзиш.

- гурух учун Фарғона водийси контурини чизиб водийни қамраб шарққа узунлигини аниқлаб контурда кўрсатиш.

- гурух учун Водийнинг Фарғона водийси контурини вилоятларга ажратиш.

- гурух учун Фарғона водийси дарёларини контурга тушириш .

Ҳар бир гурух ўқувчилари контур харитага ишлашда қизиқиши, бир-бирлари билан ўзаро мулокотда бўлиб иш бажарадилар. Ўқитувчи ҳар бир гурухларни 1-ёки кейинги ўринда бажарганликларини ҳисобга олиш билан бирга сифатли ва чиройли иш бажарганликларини ҳам эътиборга олади. Гурухлар ишига алоҳида тўхталиб, улар рағбатлантирилади.

Үқувчилар жавоблари тингланиб ҳар бир гурухга алоҳида рағбат берилади, сўнгра кейинги топшириққа ўтилади.

*1-гуруҳ учун: Қуидаги жадвални тўлдиринг. Унда геологик эра ва даврларда водийда қандай жараёнлар содир бўлганини акс эттиринг.*

| Герсин бурмаланиши | Месазой эрасила | Палеоген лаврила | Неоген лаврила |
|--------------------|-----------------|------------------|----------------|
|                    |                 |                  |                |

*2-гуруҳ учун: Чотқол-Қурама тизма тоғларидан бошланувчи оҳирги ҳавзалари сой билан туговчи қуидаги дарёлар номини ёзинг.*

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|  |  |  |  |  |  |  |  |

*3-гуруҳ учун : Водий иқлимига оид қуидаги жадвални тўлдиринг .*

| Ҳаво массалари | Асосий шамоллар | Ёғин миқдори | Самарали ҳарорат |
|----------------|-----------------|--------------|------------------|
|                |                 |              |                  |

*4-гуруҳ учун: Қуидаги жадвални тўлдиринг . Бунда водий тупроқлари, қазилмабойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини акс эттиринг.*

| Тупроқлари | Фойдали қазилмалар | Ўсимликлари | Ҳайвонот дунёси |
|------------|--------------------|-------------|-----------------|
|            |                    |             |                 |

## ДАРС ЯКУНИ:

Ўқувчиларнинг бажарган ишлари таҳлил этилган ҳолда хар бир гуруҳ ўқувчилари ўз фикрларини тушунтириб берадилар. Ўқувчиларнинг дарсга қатнашиши, уларнинг топқирлиги, чаққонлиги эътиборга олинади.

Ғолиб гуруҳ, энг яҳши қатнашган аниқланади, ҳамда уларнинг йўл қўйган камчиликлари ҳам ўқитувчи томонидан кўрсатиб берилади.

Хар бир ўқувчи дарсга қатнашишига қараб алоҳида баҳоланади, ҳамда рағбатлантирилади. Дарс сўнгида уйга вазифа эълон қилинади. “Мирзачўл табиий географик ўлкаси эр юзаси, геологик тузилиши, фойдали қазилмалари”.

Ўқитувчи ўқувчиларни кейинги мавзуга қандай тайёрланишлари ҳақида тушунча беради. Ўтилган мавзу юзасидан қуйидаги фазифа берилади. Ўз яшаётган жойингизда қандай тупроқ турлари учрайди. Ёзувсиз харита билан ишлаш.

### **Таянч сўзлар билан ишлаш.**

**“Технология”** юононча сўздан келиб чиққан бўлиб “*течне*” - маҳорат, санъат, малака ва “*логос*” - сўз, таълимот маъноларини англатади.

**Таълимни технологиялаштириш** бу ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш асосида таълим мақсадларига эришишнинг энг мақбул йўллари ва самарали воситаларни тадқиқ қилувчи ва қонуниятларни очиб берувчи педагогик йўналишдир.

**Графикли органайзерлар (ташкил этувчи)** – фикрий жараёнларни кўргазмали тақдим этиш воситаси.

**КЛАСТЕР** (Кластер-тутам, боғлам)-ахборот харитасини тузиш йўли-барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йигиши.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очиқ жалб қилишга ёрдам беради.

**Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ-** Биламан/ Билишни ҳоҳлайман/ Билиб олдим. Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўнимкамларини ривожлантиради.

**ИНСЕРТ” жадвали** Мустақил ўқиши вақтида олган маълумотларни, эшитган маърузаларни тизимлаштириши таъминлайди; олинган маълумотни тасдиқлаш, аниқлаш, четга чиқиш, кузатиш. Аввал ўзлаштирган маълумотларни боғлаш қобилиятини шакллантиришга ёрдам беради.

**Т – жадвал** - бита концепция (маълумот)нинг жиҳати ўзаро солишириш ёки уларни (ҳа/йўқ, ҳа/қарши) учун.

Танқидий мушоҳада ривожлантиради

**Эссе** – бу муаллифнинг таъкидлаб ўтадиган индивидуал позициясидаги эркин ифода этиши шакли; қандайdir предмет бўйича умумий ёки дастлабки дунёқарашни ўз ичига олади

### **Табатшунослик дарсларида таълимнинг интерфаол методларидан фойдаланиш.**

**Эшитсам-унутаман.**

**Кўрсам – эслаб қоламан,**

**Амалда бажарсам – англаб етаман.**

**Конфуци**

Табатшунослик фанида билим олишда “Блум таксономияси” фойдаланмиз. Бу таксономия қуйидаги асосий босқичлардан иборат:

*Билим олиш* – Асосий далилларни қидириш ва топиш, хотирада сақлай олиш, тавсифлаш, таниш, қайта жонлантириш, номини айтиш, изланиш, тузилишини билиш ва қўрсатиш кабилар орқали амалга ошади.

*Тушуниш* – қайта сўзлаш, моҳиятини тушуниш, тушунтириш, тасвирлаш ва бошқача усулда ҳамда бошқача сўзлар билан таърифлай олиш натижасида эришилади.

*Ишлатиш (қўллаш)* – олинган билимни бошқа шароитларда қўл-лаш (ишлатиш, ечиш, тажриба ўтказиш, қўллаш, кузатиш, олдиндан башорат қилиш, бирор-бир муаммони ҳал қилиш)ни ўз ичига қамраб олади.

*Таҳлил (Анализ)* – тушунчалар орасидаги асосий муносабатларни аниқлаш ва уларнинг моҳиятини тушуниш – соҳа материалини (билимни, ҳодисани, машинани, маълумотни) ташкил этувчиларга (таркибий қисм-ларга) бўлиб чиқиш ва уларнинг ҳар бирининг вазифасини тушуниб чи-қишиш.

Оддийдан мураккабга ва мураккабдан оддийга йўналишида таҳ-лил қила олиш (қисмлар орасидаги муносабатларни аниқлаш, бир-бирига улаш, бирлаштириш, бўлиб чиқиш, туркумларга ажратиш, гурухларга ажратиш, умумий қонуниятларни топиш, тоифаларга бўлиб чиқиш).

*Синтез* – янги нарсани (билимни, предметни, машинани) унинг бир қанча қисмларидан (бўлакларидан) ва уларнинг хоссаларидан фойдаланган ҳолда ташкил қилиш (тузиш, конструксия йиғиш, комбина-сиялаш, янги фикр яратиш, янги фаразларни таклиф қилиш), уларни синашни амалга ошириш ва натижа асосида янгиларини мавжудларига ра-қобатчи сифатида ишлаб чиқиш.

*Баҳолаш* – эришилган натижани аниқлаш, қарор қабул қилиш ёки ечим топиш (баҳолаш жараёнини амалга ошириш, ҳал қилиш, сабаб ва оқибат занжиридаги алоқаларини аниқлаш, тоифаларга бўлиш ва уларни аниқлаш).

## **2. Таълимнинг айрим интерфаол методлари.**

Интерфаол сўзининг луғавий маъноси инглиз тилида “интеракт” сўзидан олиган бўлиб, биргаликда харакат маъносини билдиради.

|         |           |          |         |
|---------|-----------|----------|---------|
| Тошкент | Самарқанд | Айдарқўл | Тўйтепа |
| Қарға   | Дельфин   | Калхат   | Чумчук  |
|         |           |          |         |
|         |           |          |         |
|         |           |          |         |

## **«СИНКВЕЙН» УСУЛИ**

Синквейн – французча сўз бўлиб «беш» деган маънони билдиради. Бу усул қаторлар усули бўлиб беш қатордан иборат. Ҳар бир қаторга ёзилган сўзлар битта гап ҳисобланиб у кенг маънони ўзига қамраб олади.

- |         |   |
|---------|---|
| 1-қатор | Мавзу битта сўз билан ифодаланади.                                |
| 2-қатор | Иккинчи сўз қўшилиб мавзу мазмуни кенгайтирилади.                 |
| 3-қатор | Учинчи сўз киритилиб воқелик очиб берилади.                       |
| 4-қатор | Тўртинчи сўз киритилиб воқеликка шахснинг муносабати билдирилади. |
| 5-қатор | Битта сўз билан умумлаштирилади.                                  |

Масалан:

- |         |                               |
|---------|-------------------------------|
| 1-қатор | Мақол                         |
| 2-қатор | Халқ мақоллари.               |
| 3-қатор | Халқ тафаккурнинг қаймоғидир. |

|         |                                    |
|---------|------------------------------------|
| 4-қатор | Инсон нутқининг жилоси.            |
| 5-қатор | Ибрат.                             |
| 1-қатор | Атом. (1)                          |
| 2-қатор | Кичик зарача. (2)                  |
| 3-қатор | Кичкина Күёш системаси. (3)        |
| 4-қатор | Битмас туганмас энергия манбаи.(4) |
| 5-қатор | Бўлинувчи.(1)                      |

### **ЗАНЖИР МАШҚИ**

Ўқувчиларнинг дарсда ўрганилган мавзуни қисмларга бўлиб, навбатманавбат баён этишлари орқали яхлит бир кўринишда умумлаштириш усули. Масалан:

- 1- Ўқувчи: кислород-оддий модда.
- 2- Ўқувчи: у рангиз, ҳидсиз.
- 3- Ўқувчи: у-218 даражада суюқланади.
- 4- Ўқувчи: у-183 даражада қайнайди.
- 5- Ўқувчи: сувнинг таркибида 2 та атом кислород бор.
- 6- Ўқувчи: 1774 йилда инглиз олими Жозеф Пристал симоб оксидини парчалаб кислород олди.

Ўқувчи: кислород нафас олишда организмда кечадиган моддалар алмашинуvida муҳим аҳамиятга эга, ва ҳоказо давом этириш мумкин

### **«КИМ ОШДИ САВДОСИ ДАРСИ»**


«Ким ошди савдоси дарси» одатда, «аукцион дарс» номи билан ҳам юритилади. Бундай дарсларни умумлаштирувчи такрорлаш дарсларида қўллаш анча самарали ҳисобланади. Уни аниқ ва табиий фанларда қўллаш мумкин. Бундай дарсни ташкил этишда ўқитувчи ва ўқувчилар аукция қонун-қоидаларини яхши ўзлаштиришлари керак. Бундай дарсларни қўйидаги тартибда олиб борилади.

– Аукционга кириш, билет олиш учун ҳар бир ўқувчига шу ўқув фани бўйича ўтган мавзулар юзасидан аввал 1 та савол берилади. Аниқ жавоб бўлмаса, қўшимча яна савол берилади. Сўнгра ўқувчига аукционга қатнашиш хукуқи берилади.

– Аукционни олиб борувчи сифатида аълочи ўқувчилардан бири тайинланади. У гонг ва болға билан шу фанга зарур бўлган асбоблар қўйилади. Масалан, математикадан – геометрик фигуralар ёки уларга мос буюмлар қўйилади (гугурт, пирамида, консерва, копток, ва х.к.). Географиядан (глобус, компас, траспортир, чизғич ва х.к.) сотувга қўйилади.

Аукционга ўхшаб ҳар бир предмет учун 1 тадан 10 тагача шу фанга доир саволларга ўқувчи жавоб бериши керак. Масалан, глобус- 8, яъни уни ўқувчи қўлга киритиши учун 8 та саволга жавоб топиши керак. Агар бошқа иштирокчи глобус – 10 деса, унинг нархи ошган бўлади. Қайси аукцион иштирокчиси 3 гача санашда тўғри жавоб берса, у ютган ҳисобланади. Аукционда мусиқали танаффус эълон қилинади. Голиблар тақдирланади.

### 8. “Нима учун” методи.



### 9.“Тойифалаш” методи.

| Сув ҳавзалари  |  |   |
|--|--|---|
| Булоқ  | Сув омбори   | Дарё  |
| Булоқ - ер остидан сизиб чиқадиган сув. Кўрниши баъзан сокин, ёки фавворадек отилиб чиқади. Шифобахш минерал сув булоқлар ҳам бор. | Сув омборлар- инсонлар томонидан яратилган сув сунъий сув ҳавзалари. Дарё сувларини тартибга солиш, ёзда суғориш, баҳор, куз ва қишда сувларни тўплаш учун курилган. | Дарё бу – булоқ сувнинг бир томонга оқишида жилгалар ирмоқлар бир-бирига қўшилиб катта сув оқимини ҳосил қилиб юқоридан пастга оқадиган йирик сув оқими. Дарё инсонлар хаётида муҳим аҳамиятга эга таббий манбадир. |

### 10.«Муаммо» ёки (Панарама) тренинги

| Муаммо    | Юзага келиш сабаби  | Салбий оқибатлар                                      | Ҳал этиш йўллари   | Шахсан мен нима қилшим мумкин?  |
|-----------|---|---|--|---|
| Сувсизлик | Тоза ичимлмк сувидан тарбисиз фойдаланиш, корхоналарнинг кўпайши ва бошқалар. | Сувсизлик муаммоси касалликларнинг ортиши ва бошқалар | Тежамкорлик билан фойдаланиш сувга нисбатан бефарқ бўйласлик ва бошқалар | Сув жумракларини хар доим ёпман, бекорга ифлослантирмай ман ва бошқалар |

**Савол ва топшириқлар**

1. Табиатшунослик ўқитиш шаклларини очиб беринг.
2. Дарс турларини ёритиб беринг.
3. Бошлангич синф ўқувчиларига уй вазифасининг қандай турларини бериш мумкин?
4. Қурилган барглар ва мевалар апликацияларини таққосланг.
5. Тажриба, кўргазмали қуроллар, маъruzалар мазмуни ёритилган холда эрталик мавзусини танлаб режа тузинг.
6. Синфдан ташқари ўқиши учун ўзбек шоир ва ёзувчиларнинг табиат хақида китобларини рўйхатини тузинг.
7. Экологик мазмунли байрам ишланмасини тузинг.

**6-машғулот. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ҮҚИТИШ  
ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ  
МЕТОДИКАСИ**

**(Мехнат үқитиши методикасидан ҳажмдор гул күренишини ясаш.)**

Бу ишлар орқали ўқувчиларда тадбиркорликга хос бўлган ижодий изланиш, мустақил ишлаш, меҳнатсеварлик, вақтдан унумли фойдаланиш каби фазилатлар шаклланиб боради.

**Блиц-сўров саволлар**

**Қандай гулларни биласиз?**

**Биссерлардан нималар ясаш мумкин?**

**Гулларни қандай материаллардан тайёrlаш мумкин?**

**Биссерларнинг қандай турлари мавжуд?**

**Ҳажмдор гуллар деганда нимани тушунасиз?**

**Янги мавзу баёни**

Биссердан гулларни тўқишида керакли иш қуролларининг: игна, сим ва ип турлари; мунчоқлар тўплами: дур, тошлар, кўзлар, пистонлар, шиша мунчоқ турлари; ёрдамчи материаллар: клей турлари, қайчи хиллари, симлар ҳақида маълумот берилади.

Ўқувчиларга амалий ишни бошлишдан олдин “БББ” методи орқали мавзу бўйича нималарни билиши, қандай маълумотларни билишни хоҳлашлари ва ўқитувчи томонидан берилган маълумотлар умумлаштирилди.

| Биламан | Билишни ҳохлайман | Билиб олдим |
|---------|-------------------|-------------|
|         |                   |             |
|         |                   |             |
|         |                   |             |

**1. Намуна таҳлили;**

- а) Гул қандай қисмлардан ташкил топган?
- б) Гулнинг қисмлари қандай жойлашган?
- в) Гулни тайёrlашда қандай рангдаги биссерлардан фойдаланилган?
- г) Гулни ясашда қандай материаллар ишлатилган?

## **2. Ишни бажариш тартибини аниклаш:**

- а) Ясаладиган гул номини аниклаш;
- б) Гул рангига мос биссерларни танлаш;
- в) Биссер ранги ва ўлчамларини мослаштириш;
- г) Ишни амалий бажариш.

## **3. Амалий иш бўйича мустақил иш:**

### **Биссерлардан гул ясаш технологияси**

- маҳсус симни уч хил ўлчамда кесиб олинади ва биринчи симга 20 дона, иккинчи симга 15 дона рангли мунчоқлар териб чиқилади; симлар кетма-кет айлантириб ўраб олинади;



тайёр бўлган гул япроқларини бир-бирига симлар ўралади ва гул шаклига келтирилади;

- худди шундай гул доналарини 5 дона ясаш керак;
- гул шаклини ўртасига сариқ биссердан доира ясаш ва биритириш керак;



-гул баргларини ясаш учун симга яшил рангдаги биссерларни териб оламиз;  
-биринчи симга 40 дона, иккинчи симга 35 дона, учинчи симга 30 дона, тўртинчи симга 25 дона, бешинчи симга 20 олтинчи симга 5 дона биссерлар териб чиқилади;



-симга терилган биссерларни айлантириб ўраб барг шаклга келтирилади;  
 - тайёр бўлган гул ва баргларни гул танасига бириктириб чиқилади;  
 -гул танаси тайёр бўлгандан сўнг албастр қоришмаси тайёрланади ва тувакка солинади;  
 -бир қанча вақт ўтгандан сўнг гул танаси тувакдаги албастер қоришмасига ўтказилади ва қўшимча безак бериш ишлари бажарилади.

|                |   |
|----------------|---|
| <b>7-МАВЗУ</b> | <b>Маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар.<br/>Амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш технологияси</b> |
|----------------|---|

#### **Амалий машғулотини таълим технологияси**

|                                  |   |
|----------------------------------|---|
| <b>Вақт: 2 соат</b>              | Тингловчилар сони 30 нафар  |
| <b>Ўқув машғулотининг шакли</b>  | Амалий машғулот   |
| <b>Ўқув машғулотининг режаси</b> | 1. Маъруза ва унинг турлари.<br>2. Маърузаларга қўйиладиган талаблар.<br>3. Амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш технологияси. |

**Ўқув машғулотининг мақсади:** Маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар, амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш технологиясини йўритиш

|   |  |
|---|--|
| <b>Педагогик вазифалар:</b><br>1. Маъруза ва унинг турларини очиб бериш.<br>2. Маърузаларга қўйиладиган талаблар билан таништириш.<br>3. Амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш технологиясини ёритиш. | <b>Ўқув фаолият натижалари:</b><br>1. Маъруза ва унинг турлари билан танишадилар;<br>2. Маърузаларга қўйиладиган талаблар билан танишадилар;<br>3. Амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш технологияларини ўқув жараёнига кўллашни ўрганадилар. |
| <b>Таълим усуллари</b>  | сухбат, бахс-мунозара, муҳокама қилиш, фикр алмашиш  |
| <b>Таълимни шакллантириш шакли</b>  | Оммавий ва гхуруҳ билан ишлаш  |
| <b>Таълим воситалари</b>  | Проектор, қофоз, маркер, доска, бўр  |
| <b>Таълим бериш шароити</b>   | Жиҳозланган аудитория  |

### Амалий машғулотининг технологик харитаси

| Иш босқичлари ва вақти                             | Фаолият мазмуни   |  |
|--|---|--|
|  | Ўқитувчи  | Тингловчи  |
| <b>1-босқич ўқув машғулотига кириш (10 дақиқа)</b> | 1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутаётган натижалар маълум қилинади  | 1.1. Эшитади, ёзиб олади   |
| <b>2 – босқич. Асосий (60 дақиқа)</b>              | <p>2.1. Тингловчилар эътибъринин жалб этиш ва билим даражасини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказади. (1-илова)</p> <p>2.2. Кичик гуруҳлар учун топшириқлар берилади ва гуруҳларнинг тақдимоти ташкил этилади.</p> | <p>2.1. Эшитади.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- набат билан бир бирини тақрорламай саволларга жавоб беради.</li> <li>- тўғри жавобни эшитади.</li> </ul> <p>2.2. Хар бир саволга тингловчилар ўзларининг фикрларини баён этадилар, ва бир бирларининг фикрлари билан таққослайдилар.</p> |
| <b>3- босқич. Якуний босқич (10 дақиқа)</b>        | <p>3.1. Мавзуга якун ясайди ва Тингловчилар эътиборини асосий масалаларга қаратади. Фаол иштирок этган тингловчиларни рағбатлантиради.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифа: мавзуга оид мисолларни таҳлил қилиш.</p>  | <p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>3.2. Топшириқни ёзиб олади.</p>   |

#### 1- Илова

1. Нима учун маъруза ТТ элементи ҳисобланади? тушунтириб беринг.
2. Маърузага, таълим бериш усулларидек тавсиф беринг.
3. Маъруза усулининг самарадорлик шартларини айтинг ва уларнинг кенгайтирилган тавсифларини беринг.
4. Маърузага, таълим беришни ташкиллаштириш шаклларидек тавсиф беринг.
5. Маъруза шаклидаги таълим беришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида гапириб беринг.

#### 2-илова

##### Кичик гуруҳлар учун топшириқлар:

**1-Топшириқ.** Ўз соҳанинг оид бир мавзуда маъруза машғулоти ишланмаси ва педагогик технологиялардан мисол келтиринг.

**2-Топшириқ** Амалий машғулот учун ўз мутахассислигиниз бўйича

педагогик технологиялардан мисол келтириңг

**3-Топшириқ** Семинар машғулот учун ўз мутахассислигингиз бўйича педагогик технологиялардан мисол келтириңг

**4-Топшириқ** Лаборатория машғулот учун ўз мутахассислигингиз бўйича педагогик технологиялардан мисол келтириңг

## **8-Машағулот. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИДАН КУРС ИШИНИ ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИ.**

**Топшириқлар:**


**Саволларга қисқа жавоб қайтаринг.**

1. Мустақил таълим нима?
2. ДТС неча фоизи мустақил таълимга ажратилган?
3. Мустақил таълимнинг муаммолари нималардан иборат?
4. Мустақил таълимни кичик жамоаларда ташкил этишнинг афзалигини нимада?
5. Амалий машғулотлар жараёнида мустақил таълимнинг ўрни?

Олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия самарадорлигини ошириш ўқитувчиларнинг билим савиясига, дарсга тайёргарлик даражасига боғлиқ. Бироқ ўқувчи мустақил ҳолатда янги билим олишга интилса, ўқитувчи берган билимлар билан чекланиб қолмасдан ўз устида доимо изланишда бўлсагина ҳозирги замон талабига жавоб бера оладиган, давлатимиз равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшадиган етук, ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб етишиши мумкин. Мустақил таълим олиш ижодий ва масъулиятли бўлган ҳар бир ўкувчининг заруриятидир.

Педагогик луғатларда "Мустақил таълим олиш" тушунчаси қуйидагича изоҳланади:

**Мустақил таълим**



**Мустақил, онгли  
равишда билиш  
фаолиятига  
қаратилган жараёндир**

**Онгли равишда мақсадга  
йўналтирилган шахснинг ўзи  
томонидан бошқариладиган  
фаолият бўлиб, фан-техника,  
маданият, сиёсий ҳаётга оид  
тизимлаштирилган билимларни  
эгаллашга қаратилгандир.**

Мустақил таълим олишнинг асосида билим олувчининг қизиқишилари ва манбани мустақил ўрганиш ётади".

Мустақил таълим олиш жараёни инсоннинг ўз хоҳиши асосида, онгли равишда амалга оширилади ва шахснинг ўзи томонидан режалаштирилади, бошқарилади ҳамда назорат қилинади.

Давлат таълим стандартларида талабани малакасига қўйилаётган талабларнинг 45 фоиздан кўпроғи мустақил ишларга, мустақил фикрлашга, қарор қабул қилиш, ўз-ўзини назоратини ташкил этиш, ўз фаолиятини ўзи баҳолаш, ташҳис қилиш ва башорат қилиш, методлар моҳиятини ўзлаштириш, моделлаштириш ҳамда менежмент тамойилларининг асосига қурилади.

Жамият ҳар доим ёшларга нисбатан юқори талабни қўйиб келган ва бундан кейин ҳам қўяди. Ўқувчи нафақат фанни пухта билиши, балки фанига яқин бўлган соҳаларга доир бўлган билимларни эгаллаши, жамият ва сиёсий ҳаётга оид воқеалардан доимо хабардор бўлмоғи даркор. У доимо янгиликларни ўрганиб бориши лозим ва албатта бу янгиликларни таҳлил қилиб баҳолиқудрат ўзи ҳам бирор янгилик яратишга ҳаракат қилиши керак.

Ўқувчининг мустақил иши унинг аудиторияда ва ундан ташқарида, ўқитувчи раҳбарлигига ёки ўқитувчи иштирокисиз амалга ошириладиган мустақил иш мажмуини англатади. Лекин ҳамма ўқувчилар ҳам ўқитувчи иштирокисиз мустақил изланади деб айтмолмаймиз. Чунки ўқувчиларнинг аксариятида ўзига бўлган ишончнинг йўқлиги уларнинг мустақил билим олишларига тўсқинлик қиласи. Шундай экан, ўқувчиларнинг ўзига бўлган ишончини, ошириш учун мустақил таълимни якка ҳолда эмас балки кичик жамоа шаклида ташкил этиш мақсадга мувоғиқ бўлар эди.

“Кичик жамоа”ларда мустақил таълимни ташкил қилиш ҳозирда ўқувчилар орасида мустақил таълимни ташкил этишдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Ҳозирда ўқувчилар орасида мустақил таълимни ташкил этишдаги муаммолар қуйидагилар:

**2.Топшириқ:** Мустақил таълим муаммоларини “Кластер” усулида ёзинг.

Вазифаларни  
ҳамма  
ўқувчиларнинг  
бажармаслиги;

Ўқувчиларда ўзига  
бўлган ишончнинг  
йўқлиги;

Фанга бўлган  
қизиқишнинг  
сустлиги;

*Мустақил  
таълим  
муаммолари*

Ўқувчилар нутқ  
маданиятининг  
яхши  
ривожланмагани

Ўқувчиларга  
топшириқ  
берилаётганда  
темперамент  
хусусиятларига этибор

Ўқувчилар  
орасида илмий  
мулоқотнинг

Ўқувчиларни  
баҳолашда  
вақтнинг  
етишмаслиги;

Юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш учун “Кичик жамоа”ларда мустақил таълимни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. “Кичик жамоа”ларда мустақил таълимни қандай ташкил қилиш мумкин?

Ўқувчилар З жамоага ажратилади, ҳар бир жамоада билим доираси турлича бўлган ўқувчилар бўлиши шарт. Жамоаларга ўзининг лидерлик қобилияти, билими юқори ўқувчилардан сардорлар тайинланади ва бирор мавзуга мустақил тайёрланиб шу мавзуни ёритиб бериш сўралади.

Ҳар бир ўқувчида нимагадир қизиқиш ва қайсиdir қобилият яхши ривожланган бўлади. Бу қизиқишлини ўқитувчидан кўра ўзининг курсдошлари яхшироқ билади. Сардор ҳар бир ўқувчига билим доирасига қараб топшириклар беради. Ҳаттоқи энг дангаса ўқувчи ҳам жамоа билан ишлаганда фанга бўлган қизиқиши ортади. Кичик жамоа билан ишлашда сардор зиммасига катта масъулият юкланади. У барча ўқувчиларнинг қизиқишлири ва билим даражасини билиши ва вазифаларни тақсимлашда шунга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Мустақил таълимни “Кичик жамоа”ларда ташкил этишнинг афзалликлари:

➤ Мустақил таълимни “Кичик жамоа”ларда ташкил этишда барча ўқувчиларнинг жалб этилиши;

- Ўқувчиларнинг ўз қизиқишилари орқали фанга олиб кириш ва фанга бўлган қизиқишини орттириш;
- ақтни тежаш имконияти;
- Қисқа вақт ичида тенгқурлари билан ахборот алмashiш йўли билан билимга эга бўлиши;
- Ўқувчиларнинг ўзига бўлган ишончининг ортиши;
- Ўз—ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имкониятининг мавжуд бўлиши;
- Ўқувчиларнинг тарбиявий жиҳатларининг шаклланиши;
- Жамоа билан ишлашни ўрганиш.

Шу муносабат билан ҳозирги кунда таълим муассасаларида мустақил ишларни ташкил этишда “Кичик жамоа”лар билан ишлаш яхши самара бераяпти. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, бундай методда ташкил қилиб олиб борилган мустақил ишлар орқали ўқувчиларни берилган мавзуга қолаверса фанга қизиқишиларини орттирилмоқда.

### **Мустақил таълим ва уни ташкил этиш методикаси**

**Мустақил таълим** – бир ёки бир неча манбаларда мавжуд бўлган ғояларнинг қисқача ёзуви, у ҳар хил нуқтаи назарларни қиёслаш ва таҳлил қилиш маҳоратини тақозо этади.

Мустақил таълим – асосий матн ёки бир неча манбаларни талқин қилиш шаклларидан бири. Шунинг учун *Мустақил таълим, конспектдан фарқли равишда, янги, муаллифнинг матни ҳисобланади*. Бундай ҳолдаги янгилик янгича баённи, материалнинг бир тизимга солиниши, ҳар хил нуқтаи назарларни қиёслашда муаллифнинг алоҳида позициясини назарда тутади.

#### ***Мустақил таълимнинг ўзига хослиги:***

Кенг миқёсли далиллар, қиёслашлар, мушоҳадалар, баҳоларга эга бўлмайди, матнда қандай янги, муҳим жиҳат бор, деган саволга жавоб беради. **Мустақил таълимлаш** қандайдир масаланинг бир ёки бир неча манбаларнинг таснифланиши, умумлаштирилиши, таҳлили ва синтези асосида баён қилинишини назарда тутади.

#### **Мустақил таълимнинг тузилиши**

Мустақил таълим қилинадиган ишнинг предмети, мақсадлари ва тузилиши.

- Қисқача мазмуни.
- Аниқ натижалари.
- Муаллиф хулюсалари.
- Иш натижалари қўлланиладиган соҳа.

#### **Мустақил таълим устида ишлаш бўйича йўриқнома**

Кафедра таклиф қиласидаги мавзулари намунавий бўлади. Сизнинг ўзингизнинг қизиқишиларингиз ва майлларингизга мос келадиган мавзуни танлашга мустақил ёндашишингиз мақсадга мувофиқ. Сиз ўз қизиқишиларингиз доираси асосида танланган муаммога амал қилиб ва уни асослаш билан кафедра тавсия қилган мавзулар рўйхатига кирмаган.

Мустақил таълим мавзуини таклиф қилишингиз ҳам мумкин. Бундай вазиятда таклиф қилаётган мустақил таълим мавзунингизни илмий раҳбарингиз билан албатта келишиб олишингиз керак бўлади.

Мустақил таълимнинг режаси танланган мавзуда кўрилиши лозим бўлган. Масалалар доираси ва Мустақил таълимнинг асосий мазмунини белгилайди.

Ҳар бир банди қатъий танланган материал билан таъминланган пухта ўйланган режа мустақил таълимнинг муваффақиятли ёзилишининг ғоят муҳим шартидир.

**9-Машғулот. Битирув малакавий ишлари бажарилишининг ташкилий ва илмий-методик таъминоти. Илмий тадқиқот ишларни ташкил этиш ()**

**Ўтилган мавзу юзасидан билимларни фаоллаштириш учун саволлар:**

1. Битирув малакавий ишларига қўйиладиган талабларни айтинг.
2. Курс иши ва битирув малакавий ишининг ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларини изоҳлаб беринг.
3. Битирув малакавий ишининг тахминий тузилиши ва бўлимларнинг мазмунини сўзлаб беринг.
4. Битирув малакавий ишини расмийлаштиришг ақандай талаблар қўйилади?

Кичик групкалар билан ишлаш:

1-топшириқ. Ҳар бирингиз ўз соҳангиз бўйича бештадан БМИ бўйича мавзу беринг.

2-топшириқ. Групкалар берилган мавзулар мазмуни юзасидан ўз фикрингизни билдиринг.

## **АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулъмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. – Т.: 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтахўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иктисод”, 2008. – 208 б.
2. Абдуқодиров А ва б. Таълимда инновацион технологиялар. Ўзбекистон Республикаси президентининг “Истеъдод” жамғармаси – Т.: “Иқтисод – молия”, 2008. – 181 бет.
3. Бикбаева Н.У ва бошқалар. ”Бошланғич синфларда математика ўқитиши методикаси” – Т.: “Ўқитувчи”, 2007. – 208 б.
4. Жумаев М.Е., Таджиева З. „Бошланғич синфларда математика ўқитиши методикаси“ Т.: Фан ва технология, 2005, 312 б.
5. Йўлдошев Ж., Усманов С., Педагогик технология асослари. Т.: “Ўқитувчи”, 2000.
6. Қосимова К., Матчонов С., Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Сариев Ш. Она тили ўқитиши методикаси. – Т.: Ношир, 2009. – 163 б.

7. Мавлонова Р.А, Санакулов Х.Р, Ходиева Д.П. Мехнат ва уни ўқитиш методикаси. – Т.: ТДПУ, Ўқув қўлланма. 2007.
8. Нуритдинова М. “Табиатшунослик ўқитиш методикаси” – Т.: “Ўқитувчи”, 2005.
9. Рахматуллаева Л.И. Методика преподавания родного языка. Учебное пособие. – Т.: “Молия Иктиисод”, 2007.
10. Таджиева З.Ф., Абдуллаева Б.С., Жумаев М.Е., Сидельникова Р.И., Садикова А.В. Методика преподавания математики. – Т.: “Турон-Иқбол”, 2011. – 336 с.
11. Толипов Ў. ”Педагогик технология” – Т.: “Фан”, 2005. – 205 б.
12. Холиков А.А. ”Педагогик маҳорат” – Т.: “Иқтисод – молия”, 2011. – 418 б.
13. Гуломова Х., Йўлдошева Ш., Маматова Г., Бокиева Х. Ҳусниҳат ва уни ўқитиш методикаси. – Т.: ТДПУ, 2009. – 70 б.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
2. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
3. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
4. Инфосом.уз электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
5. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz).

## ГЛОССАРИЙ

**Метод (усул)** - юононча сўздан олинган бўлиб, “Методос”- бирор нарсага йўл маъносини англатади.

**Таълим бериш усули** - белгиланган таълим бериш мақсадига эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчилар ўзаро фаолиятини тартибли ташкил этиш йўли.

**«Технология»** юононча сўздан келиб чиқсан бўлиб «течне» - маҳорат, санъат, малака ва «логос» - сўз, таълимот маъноларини англатади.

**Таълимни технологиялаштириш** – бу ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш асосида таълим мақсадларига эришишнинг энг мақбул йўллари ва самарали воситаларни тадқиқ қилувчи ва қонуниятларни очиб берувчи педагогик йўналишдир.

**Таълим воситалари** - ўқув материалини кўргазмали тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

**Таълимнинг техник воситалари (ТТВ)** - ўқув материалини кўргазмали намойиш этишга, уни тизимли етказиб беришга ёрдам беради; талабаларга ўқув материалини тушунишларига ва яхши эслаб қолишлирга имкон беради.

**Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ)** – графиклар, чизмалар, намуналар ва х.к. бошқ.

**Ўқув - услугбий материаллар (ЎУМ)** - ўқув материаллар, ўзлаштирилган ўқув материалларини мустаҳкамлаш учун машқлар. Булар талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам берадилар.

**Графикли ташкил этувчи** – фикрий жараёнларни кўргазмали тақдим этиш воситаси.

**Таълим шакллари** (форма-лотинча-ташқи кўриниш) - бу усул ўқув жараёнини мавжудлиги, унинг ички моҳияти, мантиқи ва мазмуни учун қобик.

**Оммавий иш** (фронтал) - барча таълим олувчилар олдига бир хил топшириқ бажариш мақсади қўйилади.

**Гурухли** - кичик гурухларда ҳамкорликда бир топшириқни бажариш.

**Якка тартибли (индивидуал)** - ўқув топшириғини якка ўзи бажариши.

**Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти** – таълимнинг бакалавриат муайян йўналиши ёки магистратура мутахассислигига қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, бакалавр ёки магистр тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини, кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш даражаларини белгилайдиган этalon даражаси;

**малака талаблари** – узлуксиз таълимнинг тегишли босқичи битирувчисининг умумий билим ва касб тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар;

**ўқитишнинг меъёрий муддати** - таълим олувчилар томонидан таълим дастури ўзлаштирилиши учун белгиланган муддат;

**таълим дастури** – ўқув фанларининг бакалавриат йўналишлари ёки магистратура мутахассисликларига қўйилган малака талабларига мувофиқ

кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи, блокларга жамланган рўйхат;

**ўқув фанлари блоки** - таълим дастурининг кадрлар тайёрлаш жараёнида аниқ мақсад ва вазифаларга эришиш учун муайян билим соҳаси ёки фаолиятнинг ўзлаштирилишини таъминлайдиган ўқув фанларини бирлаштирувчи таркибий қисми;

**ўқув режаси** – олий таълимнинг муайян йўналиши ёки мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган норматив хужжат;

**ўқув фани** – таълим муассасасида ўрганиш учун фан, техника, санъат, ишлаб чиқариш фаолиятининг муайян соҳасидан саралаб олинган билимлар, укув ва кўникмалар тизими;

**ўқув йили** – олий таълим муассасасида бир таълим курсини якунлашга мўлжалланган ўқув фаолият даври.

**ўқув семестри** – олий таълим муассасасида ўқув йилининг яримини ташкил этувчи ўзаро боғланган фанларнинг маълум мажмуини ўзлаштиришга мўлжалланган ва улар бўйича якуний назорат билан тугалланадиган қисми;

**ўқув фани дастури** – таълим мазмуни, уларнинг талабалар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари қўрсатилган норматив хужжат;

**малака амалиёти** – ўқув жараёнининг назарий билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўникма ва укув ҳосил қилиш, таълим дастурининг маълум (якуний) қисмидаги мавзу бўйича материаллар тузиш учун ўтказиладиган бирқисми;

**якунловчи давлат аттестацияси** - бакалавр ёки магистр даражасига кўйиладиган малака талабларига мувофиқ ҳолда, маълум талаб ва тартиботлар воситасида (фанлар бўйича давлат аттестацияси, битирув иши ёки магистрлик диссертацияси химояси) битирувчи томонидан олий таълим дастурининг бажарилиши сифатини баҳолаш;

**ўқитиши сифатини назорат қилиш** – талабанинг билим савиясини текшириш ва унинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш;

**таълим сифатини назорат қилиш** – ўқитиши мазмуни ва натижаларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини текшириш;

**Семинар** - Олий ёки ўрта махсус ўқув юртларида талабаларнинг ўқув режасида белгиланган мавзуларни қанчали қўзлаштирганликларини аниқлаш,

уларнинг мустақиллигини ошириш мақсадида ўқитувчи раҳбарлигига ўтказиладиган машғулот .

**Реферат** - [лот. реферре — билдиримоқ, хабар қилмоқ ] Муайян мавзуга бағишиланган, тегишли бадиий, илмий ва б. манбалар шарҳини камраб олувчи маъруза .

**Диспум** - [лот. диспутаре — баҳс, мунозара қилмоқ] Бирор бир мавзуда ўтказиладиган оммавий мунозара, тортишув.